


АКРАМ АМАНОВ



**ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИ
КОРХОНАЛАРИНИ СОЛИҚҚА
ТОРТИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК
АСОСЛАРИ**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

А.М. АМАНОВ

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ
КОРХОНАЛАРИНИ СОЛИҚҚА
ТОРТИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК
АСОСЛАРИ**

Монография

**ТОШКЕНТ
«ТАМАДДУН»
2015**

УДК 821.512.133-1
КБК 84(5Ў)7
А 6

Аманов А.М.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиққа тортишнинг методологик асослари/ А.М. Аманов. —Т.: “Тамaddon”, 2015. — 116 бет.

КБК 84(5Ў)7

Ушбу монографияда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ҳисобланган деҳқон ва фермер хўжаликларини солиққа тортиш жараёни назарий ҳамда амалий маълумотлар орқали чуқур ўрганилган. Шу билан бир қаторда деҳқон ва фермер хўжаликларини солиққа тортиш амалиётини такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган илмий-амалий таклифлар ва тавсиялар акс эттирилган.

Монография раҳбар ходимлар, солиқ, молия, қишлоқ хўжалиги тизимида ишлаётган мутахассислар ва иқтисодий йўналишидаги олий ўқув юртларининг талабаларига мўлжалланган.

Монография Тошкент молия институтининг 2014 йил 28 ноябрдаги Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия илган.

Тақризчилар: и.ф.д., проф. Ш.А. Топматов
и.ф.н., М.М. Комилов
и.ф.н., доц. в.б. Х.Т. Абдурахманов

ISBN 978-9943-448-05-6

© «TAMADDUN» нашриёти, 2015.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....

1-БОБ. ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТГА ЭРИШИШДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ.....

1.1. Миллий иқтисодиёт ривожланишида қишлоқ хўжалиги корхоналарининг тутган ўрни ва аҳамияти.....

1.2. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиққа тортишнинг методологик асослари.....

1.3. Тараққий этган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиққа тортиш тажрибаси.....

2-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ АМАЛИЁТИ ВА СОҶА ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ ОРҚАЛИ ТАЪМИНЛАШ.....

2.1. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиққа тортиш ҳолати ва ривожланиш тенденциялари.....

2.2. Қишлоқ хўжалиги корхоналаридан ундириладиган солиқлар ва уларни ҳисоблаш услубияти.....

2.3. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятининг самарадорлигини таъминлашда солиқларнинг рағбатлантирувчанлик ролини ошириш.....

3-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ УСЛУБИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....

3.1. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиққа тортиш бўйича муаммолар ва уларни бартараф этиш масалалари.....

3.2. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиққа тортиш жараёнини оптималлаштириш.....

ХУЛОСА.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

ИЛОВАЛАР.....

КИРИШ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар чуқурлашуви жараёнида қишлоқ хўжалигида қатор таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. Хусусан, агробизнеснинг асосий фаолият йўналишлари сифатида деҳқон ва фермер хўжаликлари барқарор суръатда ривожлана бошлади.

Масалан, 2013 йилда республикада ялпи ички маҳсулотнинг 79,4 фоизи нодавлат секторида яратилган бўлиб, унинг 6,7 фоизи фермер ва деҳқон хўжаликлари улушига тўғри келди¹. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотида фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳиссаси 97,8 фоизга тенг бўлгани ҳолда, деҳқончилик маҳсулотлари улуши 53,5 фоизни, чорвачилик маҳсулотлари эса 46,5 фоизни ташкил этди².

Қишлоқ хўжалиги тармоғида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар хусусида Президент И.А.Каримов тўхталиб, “Мамлакатимиз қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг аҳамияти нечоғлик катта эканини яна бир бор таъкидлаш жоиз, деб биламан”³, дея алоҳида қайд этиб ўтган эдилар.

Амалиётда турли солиқларнинг қўлланилиши хўжалик юритувчи субъектларни солиққа тортиш тизимининг ранг-баранглигини келтириб чиқаради. Жумладан, деҳқон ва фермер хўжаликларини солиққа тортиш ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, солиқ солинадиган объект уларнинг асосий фаолияти билан боғлиқ бўлган ер майдонлари ва уларнинг меъёрий қиймати ҳисобланади.

Фикримизча, иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида деҳқон ва фермер хўжаликларини солиққа тортишни такомиллаштиришда сезиларли муаммолар мавжуд.

¹ Ўзбекистон Республикаси статистик ахборотномаси. 2013 йил. Тошкент, 2014. –Б. 21.

² Пул-кредит соҳасидаги мавжуд вазият ва монетар сиёсатнинг 2009 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари. “Банк ахборотномаси”, №5 (664) 2009 йил 28 январ.

³ Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. -215 б.

Жумладан:

- деҳқон ва фермер хўжалиklarини солиққа тортишнинг жаҳон тажрибаси чуқур таҳлил этилмаганлиги;

- деҳқон ва фермер хўжалиklари кенг қамровли солиқ имтиёзлари ишлаб чиқилмаганлиги;

- фермер хўжалиklари учун солиқлар ва унга тенглаштирилган тўловларни тўлаш муддатларини қулай ҳолатга келтирилмаганлиги;

- фермер хўжалиklаридан ундириладиган солиқларни ҳисоблаш услубиятининг такомиллашмаганлиги.

Ушбу монографиянинг “Иқтисодий тараққиётга эришишда қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиққа тортишнинг концептуал асослари” деб номланган биринчи бобида деҳқон ва фермер хўжалиklarининг ташкилий жиҳатлари, ишлаб чиқариш жараёнининг хусусиятлари, истиқболдаги ривожланиш йўналишлари, уларни солиққа тортишнинг назарий асослари ҳамда ривожланган хорижий давлатлар солиқ тизимида қишлоқ хўжалиги соҳасига жорий этилган солиқлар таркиби ва уларни ундириш услубиятлари ўрганиб чиқилган.

Монографиянинг иккинчи боби “Қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиққа тортиш амалиёти ва соҳа иқтисодий барқарорлигини солиқ имтиёзлари орқали таъминлаш” деб номланиб, таркибига деҳқон хўжалиklarини солиққа тортиш ҳолати ва ривожланиш тенденциялари, фермер хўжалиklаридан ундириладиган солиқлар ва уларни ҳисоблаш услубиятлари ҳамда қишлоқ хўжалиги субъектлари самарадорлигини оширишда солиқларнинг рағбатлантириш функциясидан фойдаланиш каби масалалар ўрганилган ҳамда фермер хўжалиklаридан солиқ ундиришнинг тажриба сифатида амалиётда қўлланилаётган услубияти шу пайтгача амал қилиб келаётган услубият билан қиёсий услубда таққосланган ва улар юзасидан асосли мулоҳазалар келтириб ўтилган.

Монографиянинг учинчи боби “Қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиққа тортиш услубиятини такомиллаштириш йўналишлари” деб номланиб, унда деҳқон хўжаликлари ва фермер хўжаликлари зиммасидаги солиқ юкини пасайтириш, рағбатлантирувчилик аҳамиятига эга солиқ имтиёзларини амалга киритиш, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятдан солиқ ундиришни мақбул ҳолатга келтириш масалаларига эътибор қаратилиб, бунда юридик мақоми турлича бўлган, лекин ишлаб чиқариш шароитлари бир-биридан кескин фарқланмайдиган деҳқон хўжаликлари учун ернинг меъёрий қийматидан ягона ер солиғини жорий этиш асослаб берилган ҳамда фермер хўжаликлари учун ҳам мамлакатимиз ҳудудларида бир хил солиқ услубияти мавжуд эмаслигидан келиб чиқиб улар учун ҳам мақбул солиққа тортиш услубиятини амалиётга киритиш масаласи батафсил баён қилинган.

Монография молия, солиқ, қишлоқ хўжалиги ходимлари, олий ўқув юртларининг иқтисодий йўналиш бўйича таълим олаётган талабалари ҳамда молия-солиқ соҳаси бўйича илмий изланишлар олиб бораётган тадқиқотчилар учун фойдали ҳисобланади.

1-БОБ. ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТГА ЭРИШИШДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

1.1. Миллий иқтисодиёт ривожланишида қишлоқ хўжалиги корхоналарининг тутган ўрни ва аҳамияти

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг муҳтарам Президентимиз И.А.Каримов томонидан кўрсатиб берилган бозор ислохотларини амалга оширишнинг асосий тамойиллари татбиқ этилиши жараёнидан қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам туб ўзгаришлар содир бўлди. Жумладан, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларнинг амалиётда синалган, ишлаб чиқаришни самарали ташкил этишда кўп молиявий манбага эҳтиёж сезмайдиган шахсий томорқа хўжаликларидан тортиб, бугунги кундаги деҳқон ва фермер хўжаликлари мулк шаклининг асосий субъектлари сифатида тан олинди.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилган чора-тадбирлар мажмуасини қуйидаги йўналишлар орқали ифода этамиз:

биринчидан, ислохотларнинг дастлабки босқичида ушбу соҳанинг барқарорлигини таъминлаш асосий масала сифатида қаралди ҳамда устувор йўналиш қилиб шахсий томорқа хўжаликларини ривожлантириш белгиланди. 2003-2007 йилларда уларга тегишли ер участкалари икки мартага кўпайди ва мамлакат аҳолисини қишлоқ хўжалиги товарлари билан узлуксиз таъминлашда барқарорликка эришилди.

иккинчидан, деҳқон ва фермер хўжаликларининг ҳуқуқий фаолиятларини тавсифловчи ҳукумат қарорлари қабул қилинди ва меъёрий ҳужжатлар тасдиқланди.

учинчидан, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг устуворлиги, паст рентабелли ширкатларни фермер

хўжаликларига айлантириш механизми амалда қўлланилиши ва соҳа субъектларига хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларининг барпо этилиши билан тавсифланади.

Иқтисодиёт субъекти сифатида фаолият юритаётган деҳқон хўжаликлари тавсифи Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда 604-І сон билан татбиқ қилинган “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасида келтириб, унга кўра “деҳқон хўжалиги оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиради ва реализация қилади. Деҳқон хўжалигидаги фаолият тадбиркорлик фаолияти жумласига киради ҳамда деҳқон хўжалиги аъзоларининг истагига кўра юридик шахс ташкил этган ҳолда ва юридик шахс ташкил этмасдан амалга оширилиши мумкин”.

Деҳқон фаолиятининг бевосита ер билан узвий боғлиқлиги, меҳнатга жиддий муносабатда бўлиши, меҳнат фаолияти таваккалчилик асосига қурилиши, мавсум давомида ундан ишбилармонлик, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш талаб этилишини эътиборга олиш лозим. Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган фармон ва қарорлар қишлоқ хўжалигида ернинг ҳақиқий эгасини топиш, деҳқонларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш асосида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, уларнинг сифатини яхшилаш ва пировард натижада ички истеъмол бозорини сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдиришга қаратилмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш ва озиқ-овқат ресурсларини ички имкониятлар ҳисобига тўлдириш иқтисодиётни ислоҳ этишнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Таҳлиллар кўрсатишича, мустақиллик йилларида айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолида ўсишга эришилгани ҳолда, баъзи турлари бўйича кўрсаткичларда эса барқарорлик сақланиб қолди. Ушбу ҳолат

қишлоқ хўжалиги соҳасида пахта яккаҳоқимлигига амалда барҳам берилганлиги ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга эътиборнинг кучайиши билан изоҳланади. Озиқ-овқат мустақиллигига эришишда қишлоқ аҳолисининг шахсий томорқа ерлари билан таъминланиши ва улар ҳажмининг кўпайтирилиши муҳим ўрин эгаллади.

1.1-жадвал

Дехқон хўжаликлари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари тавсифи⁴


Т/Р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2009 й	2010 й	2011 й	2012 й	2013 й
1.	Дехқон хўжаликлари сони	минг га	4377,1	4481,7	4579,5	4592,3	4595,2
2.	Бириктирилган ер майдонлари ҳажми	минг га	676,2	682,5	686,7	691,2	697,6
3.	Иш билан банд бўлганлар сони	минг киши	1230,2	1247,1	1248,2	1249,6	1278,3
4.	Маҳсулот ишлаб чиқариш суръатининг ўзгариши, жумладан:	%	110,0	109,4	109,6	110,3	108,5
	- дехқончилик	%	106,1	114,2	113,1	113,8	105,0
	- чорвачилик	%	111,8	107,3	108,8	109,1	107,0

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган дехқон хўжаликлари сони йиллар бўйича ўсиш динамикасига эга. 2009 йилда 4377,1 мингга дехқон хўжалиги фаолият юритган бўлса, 2013 йилга келиб уларнинг сони 4595,2 мингтани ташкил қилган ва 2009 йилга нисбатан 104,9 фоизга ошган. Дехқон хўжаликлари тасарруфидаги ер майдонлари, иш билан банд бўлганлар сони ва маҳсулот ишлаб чиқариш суръатида ҳам йилдан-йилга ўсиш мавжудлигини кўришимиз мумкин.

Дехқон хўжаликларининг ривожланиш жараёни шуни кўрсатяптики, уларга ажратилаётган ер майдонлари 2008 йилда 750 минг гектардан, 2010

⁴ Ўзбекистон Республикасининг 2009-2013 йиллардаги статистик ахборотномаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.

йилга бориб 900 минг гектарга етказилгани холда, республика деҳқончилик умумий майдонининг 21 фоизини ташкил қилиши кутилмоқда⁵.



1.1-расм. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида деҳқон ва фермер хўжалиklarининг салмоғи⁶

1.1-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадики, иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқон хўжалиklarининг салмоғи барқарор ортиб бормоқда. Агар 2009 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ялпи ишлаб чиқариш ҳажмида деҳқон хўжалиklarининг салмоғи 60,4 фоизни ташкил қилган бўлса, 2013 йилга келиб уларнинг салмоғи 62,7 фоизга тенг бўлди.

Деҳқон хўжалиklarида меҳнат сиғимкорлиги юқори бўлган маҳсулотлар (мева, сабзавот, картошка ва бошқалар) етиштирилади. Деҳқон хўжалиklarининг муҳим вазифаси аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдир. Деҳқон хўжалиklари фаолиятида чорвачилик муҳим йўналиш ҳисобланади. Мамлакат қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилаётган чорвачилик маҳсулотларининг 91,0 фоизи деҳқон хўжалиklари улушига тўғри келмоқда. Бу

⁵ Деҳқон ва фермер хўжалиklари уюшмасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

⁶ Ўзбекистон Республикасининг 2009-2013 йиллардаги статистик ахборотномаси маълумотлари асосидаги ҳисобланган.

асосан, деҳқон хўжаликларида чорва моллари бош сонининг барқарор кўпайиб бориши билан боғлиқ. 2000-2013 йилларда мамлакат деҳқон хўжаликларида қорамоллар бош сони 2,5 млн. бошдан 7,4 млн.⁷ бошга кўпайган. Чорва ҳайвонларининг аксарият қисми деҳқон хўжаликларида боқилмоқда ва етиштирилаётган чорвачилик маҳсулотларининг асосий қисми деҳқон хўжаликларида ишлаб чиқарилмоқда.

Деҳқон хўжаликлари томонидан 2013 йилда бошоқли дон экинларининг 17,3 фоизи, картошканинг 83,3 фоизи, сабзавотларнинг 66,2 фоизи, полиз экинларининг 51,2 фоизи ва меваларнинг 51,6 фоизи етиштирилган⁸. Деҳқон хўжаликлари чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ҳам етакчи ўрин эгаллайди, яъни 2013 йилда ишлаб чиқарилган гўштнинг 95,0 фоизи, сутнинг 96,8 фоизи ва тухумнинг 61,8 фоизи уларнинг ҳиссасига тўғри келган⁹. Айтиш мумкинки, деҳқон хўжаликларининг ривожланиб бориши аҳолининг иш билан самарали бандлигини таъминлаш ва уларнинг даромадларини ошириш учун кенг имкониятлар яратиб беради.


Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги 2004 йил 25 августда янги таҳрирда қабул қилинган Қонуннинг 3-моддасида фермер хўжалигига қуйидагича таъриф берилган: “Фермер хўжалиги ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, мустақил хўжалик юритувчи субъектдир”.

Фермер хўжаликлари тузилиши, уларнинг фаолияти қайта ташкил этилиши ва тугатилиши билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Фермер хўжалиги танлов асосида, аксарият ҳолларда меҳнат ресурслари ортиқчалиги сезилаётган ерларда ва ҳудудларда турли хил шаклларда ташкил этилади.

⁷ Ўзбекистон Республикаси статистик ахборотномаси. 2013 йил. Тошкент, 2014. –Б. 71.

⁸ Ўзбекистон Республикаси статистик ахборотномаси. 2013 йил. Тошкент, 2014. –Б. 25.

⁹ Ўзбекистон Республикаси статистик ахборотномаси. 2013 йил. Тошкент, 2014. –Б. 24.



1.2-расм. Фермер хўжалигининг ташкилий шакллари¹⁰

Чорвачилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжалиги қошида 30 шартли бош чорва моли бўлган тақдирда ташкил этилади. Фермер хўжалигига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами бир шартли бош чорва молга ҳисобланганда Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги суғориладиган ерларда камида 0,3 гектар, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа вилоятлардаги суғориладиган ерларда камида 0,45 гектар, суғорил-майдиган ерларда эса камида 2 гектарни ташкил этади. Дехқончилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжаликларига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами пахтачилик ва ғаллачилик учун камида 10 гектар, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинларни етиштириш учун камида 1 гектардан иборат бўлиши белгиланган.

Ер участкалари берилганда фермер хўжалиги ўз зиммасига қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги (уч йил учун ўртача йиллик ҳосил ҳисобида) ернинг кадастр баҳосидан кам бўлмаслигини таъминлаш мажбурияти юклатилади. Фермер хўжалиги ҳамда ер участкасини ижарага

¹⁰ 1.2-расм муаллиф томонидан тузилган.

олиш шартномаси белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан фермер хўжалиги ташкил этилган деб ҳисобланади.

А. Ўлмасов ўз илмий ишида кичик бизнес шакллари тадқиқ қилиб “Фермер хўжалиги ҳам майда оилавий бизнесдир”¹¹- дея таъкидлайди. Шунингдек, “агробизнеснинг бирламчи бўғини фермер (деҳқон) хўжалиги ҳисобланади, чунки у қишлоқ хўжалиги маҳсулотини яратади”¹².

Дарҳақиқат, деҳқон ва фермер хўжаликларини шакллантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш бозор иқтисодиётига ўтишнинг бош мезони ҳисобланади. Фермер хўжалиги ўттиз йилдан кам бўлмаган муддатга ерни ижарага олиб фаолият юритиб, мулк соҳиби ва ишлаб чиқарувчи айнан бир шахс ҳисобланади.

Фермер хўжалигининг афзалликлари ва фаолият самарадорлиги қуйидагилар орқали изоҳланади:

- фермер мулк эгаси, шунинг учун унда масъулиятни сезиш ва меҳнат натижаси бўйича жавобгарлик мажбурияти устун;
- фермер хўжалиги мустақил бўлиб, ўзига тегишли мулкдан самарали фойдаланиш имкониятларини излаб топади;
- ўз хўжалигида етиштирилган маҳсулотларини мустақил сотиш ҳуқуқига эга ва фаолиятини бозор қонунлари асосида бошқаради;
- мавжуд молиявий манбаларни ўзи тақсимлайди ва хўжаликни кенгайтириш ҳуқуқи чегараланмаган;
- хўжалик юритишида ёлланма меҳнатдан кўра, ўзининг меҳнати юқори натижаларга олиб келади.

Зарар кўриб ишлаётган ва самарасиз қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш натижалари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бундай хўжаликларда меҳнатни ташкил этиш тобора яхшиланиб, молиявий барқарорлик мустаҳкамланиб бормоқда. Шу сабабли, фермер хўжаликларини

¹¹ Ўлмасов А. Оила иқтисоди. -Тошкент: Меҳнат, 1998. – 17 б.

¹² Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Тошкент: Меҳнат, 1998. – 355 б.

фақатгина қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи, кўпайтирувчи субъект сифатида ташкил этибгина қолмасдан, уларга иқтисодий муносабатларнинг эркин иштирокчиси сифатида қарашимиз зарур. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида деҳқон ва фермер хўжаликларининг аҳамиятини ошириш учун, уларга таъсир қилувчи молиявий ҳамда иқтисодий механизмларни батафсил таҳлил этиб, камчиликларни бартараф этишнинг асосий йўналишларини кўрсатиб бериш муҳим масалалар мажмуасини ташкил этади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган аграр ислохотларнинг туб мақсади қишлоқда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ҳисобланиб, бунга ҳукумат томонидан тўлиқ шарт-шароит яратилган.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларнинг бориши, яъни деҳқон ва фермер хўжаликларига бўлган эътиборнинг янада кучайиши аҳолининг моддий фаровонлигини оширишда, республикамиз иқтисодий салоҳиятини оширишда муҳим аҳамиятга эгадир. Фермер хўжаликларининг фаолият юритиши учун 2004 йил 25 августда янги таҳрирда қабул қилинган “Фермер хўжалиги тўғрисида” ги қонун асос бўлиб ҳисобланади.

Аграр соҳанинг асосий хўжалик субъектлари ҳисобланган деҳқон ва фермер хўжаликларининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- фермер хўжалиги ижарага олинган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқаришини амалга оширади;
- аксарият ҳолларда юридик шахс сифатида ташкил этилган деҳқон ва фермер хўжаликларининг мол-мулклари, ҳатто қарзларнинг бир қисмини қоплаш имкониятига эга эмас;
- ерга нисбатан хусусий мулкнинг тўлиқ шаклланмаганлиги ва кредитлаш жараёнининг мукамал эмаслиги туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчилари кўшимча айланма маблағларини шакллантириши қийин кечмоқда;

- давлатнинг қўллаб-қувватлаш чораларидан самарали фойдаланган ҳолда фермер хўжаликларини молиявий соғломлаштириш механизмлари тўлиқ амал қилмаяпти. Ваҳоланки, аксарият ривожланган мамлакатларда фермер хўжаликлари давлат томонидан фаол равишда қўллаб-қувватланмоқда.

Ҳар бир қишлоқ хўжалик корхонаси асосий ресурсларнинг учта турига эгалик қилади: моддий-техник ресурслар сотиб олиш учун капитал, ер ва меҳнат. Буларнинг барчасига ҳал қилувчи омил-режалаштириш, ишлаб чиқариш ҳамда молия-хўжалик фаолиятини ҳисобга олиш ва назорат қилиш орқали бошқариш қўйилади.

Умуман олганда, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида ҳамма соҳалардаги каби аграр секторда ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 ноябрдаги “2006 йилда қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлар)ни фермер хўжаликларига айлантириш тўғрисида”ги 215-сонли Қарорига кўра, зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли 666 та ширкат хўжалиги тугатилиб, уларнинг негизида 74 минг та фермер хўжалиги ташкил этилди ва уларнинг асосий қисми мева сабзавотчилик йўналишига ихтисослаштирилди¹³.


Фермер хўжалигини бошқариш жараёнига жуда кўп омиллар таъсир кўрсатади. Фермер хўжалигини бошқариш билан боғлиқ омилларнинг турли-туманлиги шундан далолат берадики, фермер кўп сонли муҳим қарорларни қабул қилишда маъсулиятни ўз зиммасига олишига тўғри келади.

Фермер хўжалигини бошқаришда меҳнат ресурсларининг машина-трактор парклари билан алоқасини тўғри уйғунлаштиришга эришиш лозим, чунки меҳнат ресурсларини жойлаштириш ва ишлатиш самарадорлиги улардан фойдаланиш даражаси билан бевосита боғлиқ. Бундан ташқари, деҳқончилик ҳамда чорвачилик тармоғига янги технологияларнинг жорий этилиши, мавжуд техника ва ускуналарни модернизация қилиб бориш, ишлаб чиқаришда фан-

¹³ Ўзбекистон Республикаси статистик ахборотномаси. 2006 йил. Тошкент, 2007. –Б. 30.

техника ютуқларидан кенг кўламда фойдаланишга ҳамда бу жараён самарадорликнинг ўсишига олиб келади.

Дехқон ва фермер хўжалиқларининг миллий иқтисодиётдаги ўрнини янада мустаҳкамлайдиган меъерий ҳужжатлар, яъни 2006 йил 9 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3709-сонли Фармони, 2006 йил 11 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-225-сонли Қарори ҳамда 2006 йил 21 апрелдаги Вазирлар Маҳкамасининг “2006-2010 йиллар даврида шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва моллари, биринчи навбатда қорамоллар сонини кўпайтиришни рағбатлантириш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 67-сон Қарорларининг қабул қилиниши уларнинг истиқболдаги таракқиётига яратилган имкониятлар мажмуаси ҳисобланади.



1.3-расм. Ўзбекистон Республикаси ер фондининг фойдаланувчилар ўртасидаги тақсимоли (минг га)¹⁴

¹⁴ Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

1.3-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ихтиёридаги ер майдонлари 2009 йилда 25423,7 минг гектардан иборат бўлиб, жами ер фондининг 57,7 фоизини ташкил қилган, 2010 йилда 25681,3 минг гектар бўлиб, жами ер фондининг 57,8 фоизини, 2011 йилда 25687,4 минг гектар ва жами ер фондининг 57,9 фоизини, 2012 йилда 25849,9 минг гектардан иборат бўлиб, жами ер фондида 58,2 фоиз улушга эга бўлган бўлса, 2013 йилга келиб 26424,1 минг гектар ер майдонлари ҳамда жами ер фондининг 59,5 фоизини ташкил этган.

Ер фонди ҳажмида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ер майдонларининг ўсишига сабаб фермер хўжаликлари сонининг йилдан-йилга кўпайиб бораётганлиги ва ўрмон хўжаликлари ихтиёридаги ер майдонларининг бир қисмининг улар тасарруфига ўтказилиши ҳамда захира ерларнинг ўзлаштирилиши билан изоҳланади (1.3-расм).

Фикримизча, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини рағбатлантириш ҳамда келажакда янада ривожланишига замин яратиш мақсадида қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш лозим, яъни:

- фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги техникалари сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар ҳажмини кўпайтириш керак. Бу фермер хўжаликлари учун ерларга ишлов бериш, экинларни вақтида экиш ва етиштирилган маҳсулотларни ўз вақтида йиғиштириш жараёнини самарали ташкил этишга шароит яратади;

- фермер хўжаликлари ихтиёридаги ер участкалари ҳажмини кўпайтириш лозим. Мазкур тадбир асосан камроқ ҳажмдаги ер участкаларига эга бўлган фермер хўжаликларининг ерларини бирлаштириш эвазига амалга оширилади. Ер участкаларининг кенгайтирилиши фермер хўжаликларига банклардан кредит ресурсларини ва лизинг усулида техникаларни узлуксиз жалб этишга тurtки бўлади;

- муқобил машина трактор паркларига кенг қамровли солиқ имтиёзларини ишлаб чиқиш. Мазкур ҳолат деҳқон ва фермер хўжаликларига

арзон нархда қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш имкониятини келтириб чиқаради.

1.2. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиққа тортишнинг методологик асослари

Ҳаракатда бўлган солиқларнинг иқтисодий ва ижтимоий моҳияти кўпчилик иқтисодчи олимлар томонидан турли йўналишларда ўрганилган. Ҳукуматнинг қонун чиқарувчи органи томонидан жорий қилинадиган солиқлар ва унга тенглаштирилган тўловлар, солиқ категорияси намоён бўлишининг аниқ шакли сифатида амалиётда ҳаракат қилади. Назарий жиҳатдан солиқ категорияси бўйича кўплаб мушоҳадалар, илмий қарашлар шаклланган бўлиб, уларнинг айримларини келтиришни жоиз деб топдик.

Классик иқтисодчи А.Смит солиқларни тадқиқ этиш орқали қуйидаги мулоҳазаларни келтирган: “Солиқ давлат томонидан қонун шаклида зиммага юкланадиган юк бўлиб, бу қонуний тўлов миқдори ва тартибини белгилайди”¹⁵. Мазкур таърифда солиқ тушунчаси ҳуқуқий жиҳатдан асосланган бўлиб, у ўз навбатида, солиқ тўловчилар зиммасига юкланиши эътироф этилган.

Л.Ходовнинг фикрича, “Солиқ солиш орқали “айрим ижтимоий гуруҳлар даромадлари ўртасидаги фарқларни камайтириб, йўқотиб бориш мақсадида нисбатларни ўзгартириш йўли билан ижтимоий тенгликни қўллаб-қувватлаш”га эришилади”¹⁶.

А.Ли таъкидлашича, “Солиқлар - давлат бюджетининг даромад қисмига ўтказиладиган юқори қонунчилик ҳокимият органларининг хужжатларига асосан юридик ва фуқаролар томонидан беғараз, муайян миқдорда ва белгиланган муддатларда умумдавлат эҳтиёжларини қондириш учун тўланадиган мажбурий тўловлардир”¹⁷. Юқорида солиқларга келтирилган таърифлардан кўриниб турибдики, Л.Ходов солиқ солиш орқали ижтимоий

¹⁵ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. –М.: Соцэгиз, 1962. -588 с.

¹⁶ Ходов Л. Функции налогов. Учебник. –М.: Бек, 1994. -309 б.

¹⁷ Ли А. Ўзбекистон Республикаси молия ҳуқуқи. –Тошкент: ТДЮИ, 2004. -194 б.

гуруҳлар ўртасидаги даромадларнинг табақалашуви бартараф этилади деган фикрни берган бўлса, А.Ли ўз қарашларида солиқлар умумдавлат эҳтиёжларини қондирувчи мажбурий тўловлар эканлигини айтиб ўтади.

Т.Маликов солиқлар юзасидан қарашларини қуйидагича ифода этади: “Солиқлар ёрдамида тадбиркорлар фаоллигини рағбатлантириш ёки аксинча, чеклаб қўйиш ва демак, тадбиркорлик фаолиятининг у ёки бу тармоғи ривожланишига таъсир кўрсатиш мумкин”.¹⁸ Мазкур қарашда солиқлар орқали тадбиркорлар фаолиятига маълум бир маънода таъсир кўрсатиш мумкинлиги келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 12-моддасида солиқларга қуйидагича таъриф келтирилади: “Солиқлар деганда Кодексда белгиланган, муайян миқдорларда ундириладиган, мунтазам, қайтариб берилмайдиган ва беғараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтириладиган мажбурий пул тўловлари тушунилади”¹⁹. Кодексда келтирилган таърифга эътибор қаратадиган бўлсак, унда асосан солиқларнинг фискаль функциясига кўпроқ урғу берилганлигини кўрамыз.

Умуман олганда, юқоридагиларга асосланиб солиқларга қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади: *“Солиқлар қонуний асосда белгиланиб, ўрнатилган муддатларда бюджетлар даромадига жалб қилинадиган, тадбиркорлик фаолиятига таъсир этувчи мажбурий тўловдир”*.

Тадқиқот мавзуси қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари фаолияти билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳамда улар фаолиятида асосий манба ер участкалари, сув ресурсларидан фойдаланиш жараёнини камраб олганлигидан келиб чиқиб, юртимизда яшаб ўтган аждодларимиз томонидан ерга бўлган муносабат ва ердан солиқларни ундириш масалаларига эътибор қаратамыз.

¹⁸ Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. –Тошкент: Академия, 2003. -53 б.

¹⁹ Солиққа оид қонун ҳужжатлари. 2008 йи л. –Тошкент: “NORMA” МЧЖ, 2008. -7 б.

Буюк аждодимиз Аҳмад Ал-Фарғоний Мисрда Нил дарёси суви ҳажмининг ўзгаришига қараб, сувни барча деҳқонлар ўртасида бир хил тақсимлаш, сув билан таъминлаш даражасининг ҳосилга таъсири ва шулар асосида солиқ миқдорини адолатли ўрнатиш ғоясини олдинга сурган ҳамда ҳаётга жорий этган. Бу инсоният тарихида солиққа тортиш принципларини ишлаб чиқишга бўлган илк жиддий уринишлардан бири эди²⁰. Демак, айтишимиз мумкинки, шу даврдан бошлаб деҳқонлар тассаруфидаги ерлар сув билан таъминланиш даражасидан келиб чиққан ҳолда солиқ ундириш жараёни шаклланган.

Тарихда ўз номини қолдирган аждодларимиздан бири Заҳририддин Муҳаммад Бобур ҳам салтанат юритиши мобайнида яратган асарларида иқтисодиёт масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратган. Унинг “Закоат тўғрисида” деб номланган китобида ўша даврдаги солиқлар ва солиққа тортиш жараёни бўйича назарий қарашлар ҳамда амалий тадбирлар моҳияти акс эттирилган. Солиқни ҳисоблаш учун солиқ солиш объекти “нисоб”, яъни мол-мулкнинг закоат беришга лаёқатли миқдори сифатида аниқланган²¹. Ердан ҳосил икки марта олинса, нисоб ҳам икки марта йил бошида ва йил охирида олинишини таъкидлайди, яъни “Агар ердан икки ҳосил олсанг, хирожни ҳам икки марта тўла”. З.М. Бобур томонидан ер солиғи икки гуруҳга ажратилади, яъни биринчи гуруҳга киритилган ерларга солиқ солиш, бунда солиқ олинган ҳосилнинг миқдorigа боғлиқ бўлган. Иккинчи гуруҳга киритилган ерларда эса, ер майдонининг ҳажми мезон сифатида олинган. Ерларнинг сув билан таъминланганлик даражасини инобатга олган ҳолда, сув солиғини ҳам жорий қилган. Экин майдонини суғориш даврида чиғир курса, олинган ҳосил миқдори ўндан бирининг ярмини (беш фоиз) сув солиғи сифатида ундирилган.

²⁰ Олимжонов О.О. Солиқ назариясини яратишда аждодларимиз хизматини тиклайлик // Иқтисодий тараққиётга эришишда солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш йўллари: Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Тошкент: ТМИ, 2006. Б. 13-16.

²¹ Гуломов С. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Ўқув қўлланма. -Тошкент: Фан, 1997. -70 б.

Хива хонлигида хазинага тушадиган даромад манбаларининг бири хирож, яъни ер солиғи ва деҳқончилик маҳсулотлари ҳисобидан олинадиган ушр бўлган²². XVIII ва XIX асрларда хонликда турли ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсирида айрим солиқларнинг қўлланилиши, номи, моҳияти ўзгариб турган ва янги солиқлар ҳамда йиғимлар жорий қилинган. XIX аср бошларигача ушр солиғи, яъни ҳосилнинг ўндан бир қисми миқдоридаги хирож олинган. Ушр солиқчиларнинг ўз мансабларини суистеъмол қилишлари учун шарт-шароит яратар, бу эса, деҳқонларнинг норозилигини вужудга келтирар эди. XIX асрнинг бошларида ердан фойдаланувчилар учун солғит солиғи жорий этилган бўлиб, ушбу солиқни ундиришда ер участкаларининг ҳажми ва солиқ ставкалари табақалаштирилган²³.

Солғит солиғини ерларни ижарага олган фуқаролар ҳам тўлаши белгилаб қўйилган эди. Мазкур солиқнинг камчилиги шундан иборат эдики, ер эгаларини табақага ажратганда, йирик заминдорлар ҳисоби тўғри олинмаган. Бунда ер солиғи оғирлиги асосан ер майдонларининг ҳажми кам деҳқонлар зиммасига юкланган, яъни 11 танобгача ери мавжуд бўлган деҳқон билан юзлаб таноб ери бор заминдор бир хил миқдордаги солиқ суммасини тўлаганлар.

Юқорида биз ер ва сувдан фойдаланиш жараёнини солиққа тортишда буюк аждодларимиз томонидан билдирилган иқтисодий қарашлар ҳамда амалда қўлланилган солиқни ҳисоблаш услубиятларига қисқача тўхталиб ўтдик. Навбатдаги босқичда ғарб классик иқтисодчилари томонидан ер ва ундан солиқ ундириш масалаларига бағишланган таълимотларнинг айрим жиҳатларига назар ташлаймиз.

Ердан солиқ ундиришни рента асосида ҳисоблаш лозимлиги дастлаб классик иқтисодий мактаб асосчиси В.Петти (1623-1687 йй) қарашларида

²² Собиров Х. Хива хонлигида солиқ тизими // Солиқ тўловчининг журнали. –Тошкент, 1997. -№7. -Б. 16-18.

²³ Ер эгаларининг тоифасига биноан ер участкалари ҳажми ва солиқ ставкаларининг табақалашган миқдорлари 3-иловада келтирилган.

учрайди. В. Петти рентани икки турга ажратади, яъни дифференциал рента ва абсолют рента²⁴.

Дифференциал рентанинг келиб чиқишини у ер участкаларининг турли худудларда жойлашганлиги билан тушунтиради. Бунда биринчи сабаб сифатида ер участкаларининг бозорга узоқ-яқинлиги, масофа узунлиги, транспорт сарфларини келтиради. Иккинчи сабабини ерларнинг табиий унумдорлиги турлича эканлиги билан изоҳлайди. Абсолют рентани эса ерга хусусий мулкчилик бўлганда намоён бўлади деб тушунтиради. Унинг фикрича, ерни сотиб олувчи ҳар йили рента ҳуқуқини қўлга киритган шахсдир. В. Петти ернинг баҳосини аниқлашга ҳам уриниб кўради ва бу жараёни охиригача етказа олмайди. Физократлар таълимоти мактабининг намоёндалари Ф.Кенэ ва А.Тюрголар қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари тарафдорлари ҳисобланган ҳамда ҳамма бойликлар ерда мужассамланган ва ердан олинади деган ғояни олға сурадилар. Ҳақиқатда эса ер муайян шахсларга тегишли бўлгани учун улар бойликнинг ягона манбаи сифатида ягона ҳолатга келтирилган солиқни тўлашлари лозим²⁵. Ушбу мактаб вакиллари томонидан олға сурилган назарияларда ер майдонларига солиқ солишни ягона ҳолатга келтириш жараёнлари ифода этилади, лекин улар мазкур тартиб қандай амалга оширилиши ёки ягона солиқ юзасидан билдирган ғояларини ниҳоясига етказмаганлар.

Классик иқтисодчилардан бири А.Смит (1723-1790 йй) ер рентасини ер эгасининг даромадини (фойда каби) ишчининг меҳнат маҳсулотидан чегирилган қисми деб тушунтиради. А.Смит рентани ижара ҳақидан ажратган ва рентанинг ерни яхшилаш учун сарфланган капиталга алоқаси йўқ, дейди, чунки бу харажат кўпинча ижарачи томонидан қопланади. Аммо ижара шартномаси янгидан тузилганда ер эгаси рентани оширади, ерни яхшилаш гўёки унинг ҳисобидан амалга оширилган бўлади. Умуман олганда А.Смитга

²⁴ Гуломов С. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Ўқув қўлланма. -Тошкент: Фан, 1997. -106 б.

²⁵ Гуломов С. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Ўқув қўлланма. -Тошкент: Фан, 1997. -132 б.

нисбатан В.Петти ер рентасини тушунарлироқ ва асосли қилиб таҳлил этиб берган.

Ш.Монтескье (1689-1755 йй) айрим мамлакатларда амал қилган солиқлар тўғрисида фикр бериш билан бир қаторда ер солиғи юзасидан ҳам мулоҳазалар шакллантиради: “Ерга солиқ солиш чоғида рўйхат қилинган, бу рўйхатга ер мулкининг турли тоифалари киритилган, лекин бу фарқни аниқлаш жуда қийин, уларни яширишдан манфаатдор бўлмаган одамларни топиш ундан ҳам қийин”²⁶. Мазкур ҳолатни таҳлил қилиб, ундан икки хил адолатсизлик келиб чиқишини таъкидлайди, яъни одамларга боғлиқ бўлган адолатсизлик ва ишнинг моҳияти билан боғлиқ адолатсизлик. Лекин солиқ умуман жуда кўп бўлмаса, халққа зарур нарсалар мўл қолдирилган бўлса, бу майда адолатсизликлар арзимаган миқдордадир. Аксинча, халққа яшаши учун зарур миқдорнинг ўзигина қолдирилган бўлса, арзимас миқдордаги номутаносиблик ҳам энг ҳалокатли оқибатларга олиб келади.

XIX асрда америкалик иқтисодчи Г.Джордж (1839-1897 й.) “ягона ер солиғи” ғоясини илгари суриб, у умумий тўқчилик ва “ижтимоий тинчликни” таъминлаш воситаси эканлигини асослаб берган.

Навбатдаги жараёнларда маҳаллий иқтисодчи олимларимиз ва амалиётчи мутахассисларнинг қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари фаолиятларидан олинадиган солиқлар юзасидан билдирган фикр-мулоҳазаларини ўрганиб чиқамиз.

Дехқон ва фермер хўжаликлари ҳам тадбиркорлик субъектлари сифатида иқтисодиётда фаолият юритади. Шундан келиб чиққан ҳолда деҳқон ва фермер хўжаликларидан олинаётган солиқлар уларнинг фаоллигини чеклаб қўймоқдами ёки аксинча рағбатлантириш воситаси сифатида амал қилмоқдами, деган саволга жавоб топиш жуда муҳимдир. Масаланинг моҳиятига етишимиз учун изланишларимизни соҳа субъектлари учун жорий этилган солиққа тортиш

²⁶ Монтескье Ш. Қонунлар руҳи тўғрисида // Солиқлар ва божхона хабарлари газетаси. –Тошкент, 2003. -№34 (475). -Б. 21.

жараёнининг ютуқлари ва камчиликларини ўз илмий асарларида таҳлил қилган иқтисодчи олимларимизнинг мулоҳазаларига қаратамиз.

А.Жўраев ўз монографиясида²⁷ ер солиғи бўйича қуйидаги фикр мулоҳазаларни келтиради: “Айни вақтда, шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирги вақтда ер солиғи фойдаланилаётган ер ресурсларининг иқтисодий самарадорлигини ҳисобга олмайди. Ҳолбуки, ер майдонлари унда етиштириладиган ўсимликларнинг турлари бўйича турлича даромадлилик даражасига эга бўлиш мумкин”. Шу билан бирга ер солиғи юзасидан берган фикрларида солиқ ставкаларини белгилаш муҳим масалалардан эканлигини уқтириб, қуйидаги қарашни шакллантиради: “Ер солиғининг ставкаларини белгилашда, қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари учун фойдаланиладиган ердан олинадиган даромад ҳисобга олинаши лозим”. Ягона ер солиғини ундиришни мақбул ҳолатга келтиришда юқоридаги қарашнинг моҳияти базис сифатида ўрганилган ҳамда монографиянинг учинчи бўлимида бу масалага атрофлича ёндашилган.

А.Алтиев ягона ер солиғининг тажриба сифатида киритилган услубиятига қуйидагича фикр билдиради: “Ерларнинг меъёрий қиймати ҳар бир қишлоқ хўжалиги корхонасининг ихтисослашганлиги, олинаётган даромади ва сарфланган харажатлари, маҳсулотларни топшириш масканларига бўлган масофалари ва уларнинг бошқа хусусиятларини ҳисобга олиб ишлаб чиқилган”²⁸. Шундан келиб чиққан ҳолда ягона ер солиғини ҳисоблаб чиқаришнинг ушбу усулини жорий қилишдан мақсад, асосланган ва адолатли солиқ тизимини ўрнатишдир деган хулосага келади.

А.Латипов қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига жорий этилган ягона ер солиғини таҳлил қилиб, қуйидаги мулоҳазаларни келтиради: “Ягона ер солиғини ерларнинг сифатидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқаришнинг

²⁷ Жўраев А. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. –Тошкент: Фан, 2004. - 105 б.

²⁸ Алтиев А. Табiiй ресурсларга солинадиган солиқлар тизимини шакллантириш // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2005. -№11. -Б. 30-32.

барча ижобий жихатларини эътироф этган ҳолда жиддий камчилиги борлигини ҳам рўй-рост айтиш керак. Солиқ солишнинг бу тизимида қишлоқ хўжалигининг турли тармоқларидаги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг рентабеллиги инобатга олинмайди”²⁹. Ушбу камчиликни бартараф этиш мақсадида солиқ амалиётига ерларнинг меъёрий қиймати асосида ягона ер солиғини ҳисоблаш услубияти жорий қилинганлигини таъкидлайди.

В.Тен ҳам “Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ихтисослашуви, қишлоқ хўжалиги экинзорлари майдони, экин майдонларининг тузилиши, маҳсулот реализацияси баҳоси, муайян қишлоқ хўжалиги корхонасининг норматив соф даромади ва бонитетининг ўртача балли ерларнинг норматив қийматини ҳисоб-китоб қилишда асосий бирламчи маълумот ҳисобланади”³⁰-деган мулоҳазани келтиради. В.Теннинг фикрича, ҳисоблаб чиқаришнинг бу усули солиқ солишнинг асосли ва янада адолатли тизимини белгилаш имконини беради. Ушбу иқтисодчи ягона ер солиғини тўловчи фермер хўжаликларини, агар улар шуғулланаётган бошқа фаолият турлари улуши хўжалик умумий даромадининг камида 30 фоизини ташкил этадиган бўлса, фаолиятнинг бошқа турларидан олинган даромадларни солиқ тўлашдан озод қилишни таклиф этади.

Т.Жўраевнинг фикрича “Солиқларнинг бошқа турларидан фарқли ўлароқ, ресурс солиқлари ўзига хос хусусиятларга эга: ўзининг иқтисодий моҳиятига кўра улар рента тўловидир. Бошқача айтганда, бу тикланмайдиган табиий, ер ва сув захираларидан фойдаланганлик учун ўзига хос тўлов бўлиб, у хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг натижалари билан боғлиқ эмас. Ресурс тўловлари тизими турли шароитларда жойлашган хўжалик юритувчи субъектлар учун тенг шароитларни таъминлашга, табиий бойликларга нисбатан оқилона муносабатни рағбатлантиришга, уларнинг талон-торож қилинишига

²⁹ Латипов А. Ҳар қаричи ардоқланур заминнинг // Солиқлар ва божхона хабарлари газетаси. –Тошкент, 2006. - № 40 (636). -Б. 6.

³⁰ Тен В. Дехқонга кўмаклашувчи ким? ёки мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида солиқ солиш тизимини такомиллаштириш йўллари // Солиқлар ва божхона хабарлари газетаси. –Тошкент, 2006. -№51 (647). -Б. 7-8.

йўл кўймасликка қаратилган³¹-деган хулосага келади. Амалдаги солиқ тизимида ер солиғи ставкалари фойдаланиладиган ер ресурсларининг иқтисодий аҳамиятини тўлиқ қамраб олмаган. Улар мазкур ер майдонида қандай маҳсулот - пахта, дон ёки мева - сабзовот етиштирилишидан қатъий назар кўпинча тенг бўлади. Келгусида солиқ ставкаларини белгилаш механизми ердан олинадиган амалий фойда кўзда тутилади. Бу иш ер қийматининг иқтисодий баҳосидан келиб чиққан ҳолда ставкаларни белгилаш йўли билан амалга оширилади деган мулоҳазани шакллантирган.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ер солиғи ернинг қиймати билан чамбарчас боғланган бўлиши лозим. Ўзбекистонда ерларнинг меъёрий қийматини баҳолаш дастлаб 1998 йилда бошланган бўлиб, ҳозирда ҳам қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига тегишли бўлган ерларнинг меъёрий қийматлари минтақалар бўйича Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси томонидан етказиб берилмоқда. Мавжуд ерларнинг меъёрий қийматини аниқлашнинг асоси сифатида ернинг табиий хусусиятлари бўйича қиёсий баҳоси ва қиймат кўрсаткичи сифатида меъёрий соф даромад танлаб олинди. Шу билан бир қаторда жараённи амалга оширишда дастлабки кўрсаткичлар, яъни қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг ихтисослашуви, қишлоқ хўжалик экинлари майдони, экин майдонларининг таркибий тузилиши, ерларнинг ўртача балл бонитетларидан фойдаланилди.

Ернинг меъёрий қийматини аниқлашда ҳар бир субъектга тегишли бўлган алоҳида шароитлар ҳисобга олиниши билан бир қаторда хўжалик юриштишнинг шарт-шароити, тайёрланган маҳсулотни етказиб беришда аҳоли пунктлари ва маҳсулотларни топшириш пунктларига нисбатан жойлашувини ҳисобга олувчи қўшимча коэффициентлар ҳам ишлаб чиқилди.

³¹ Жўраев Т. Солиқ сиёсатини такомиллаштириш йўлида // Солиқлар ва божхона хабарлари газетаси. –Тошкент, 2003. -№39 (479). -Б. 1-4.

Иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида ерларнинг қийматини аниқлаш тартибини такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Мазкур жараёнда ер рентасига алоҳида эътибор бериш лозим, чунки давлат мулкнинг эгаси сифатида мутлоқ ер рентасини олиши, дифференциал ренталар эса, ердан фойдаланувчилар ўртасида тақсимланиши керак. Шу билан биргаликда бозор шароитида ерга бўлган талабдан ҳам мезон сифатида фойдаланиш мумкин.

Иқтисодиётда фаолият юритаётган хўжалик субъектларидан фермер хўжаликлари учун солиққа тортиш амалиётига ягона ер солиғи, яъни солиқ солишнинг соддалаштирилган услубияти жорий этилиши солиқ механизми ихчамлашувига ҳамда ушбу соҳа субъектларининг солиқ ишини юритиш тадбирларини камайтириш бўйича муҳим йўналишларни келтириб чиқарди.

Ушбу солиқни амалиётга татбиқ этишда, унинг тартибга солувчи ва ресурс тежовчи солиқ сифатида ҳаракатланиши назарда тутилган эди. Лекин соддалаштирилган солиқ тизими режимига кирувчи ягона ер солиғи бўйича ҳам баъзи ҳал этилиши лозим бўлган муаммолари юзага келди.

Шу аснода, ягона ер солиғининг солиқ тизимидаги аҳамиятини ошириш, солиқни ҳисоб-китоб қилиш учун солиқ тўловчиларга янада қулайлик яратиш учун қуйидаги йўналишларга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- ерлардан фақатгина деҳқончилик мақсадида фойдаланаётган фермер хўжаликларига солиқ имтиёзларини татбиқ этиш орқали уларнинг хўжалик фаолиятини рағбатлантириш;
- солиқлардан имтиёз сифатида бўшатиб олинаётган маблағларни ёрдамчи тадбиркорлик тармоқларини ташкил этишга йўналтиришни қатъий белгилаш;
- солиққа тортиш объекти асосан мавжуд ер майдонларига боғлиқлигини назарда тутиб, табиий офатлар ҳамда ер сифатининг пасайишига таъсир этувчи бошқа омиллар натижасида юзага келадиган зарарларни ҳисобга олган ҳолда солиқ имтиёзларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий негизини яратиш.

Умуман олганда, иқтисодий эркинлаштириш шароитида деҳқон ва фермер хўжаликларини агробизнеснинг асосий субъекти сифатидаги фаол иштирокини таъминлаш ҳамда молиявий мустақамлигини ошириш мақсадида солиққа тортиш борасида ўтказилаётган ислохотлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

1.3. Тараққий этган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиққа тортиш тажрибаси

Ҳозирги вақтда ривожланган мамлакатлар амалиётида қатъий амал қилувчи солиқ тизимининг мавжудлиги, мазкур давлатлар иқтисодий юксак даражада тараққий этганлигининг белгиси бўлиб ҳисобланади. Шу мақсадда Ўзбекистонда ҳам солиқ тизимини жаҳон андозалари даражасида шакллантириш, бозор муносабатларини яқдиллик билан давом эттиришда солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Глобаллашув шароитида жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, аграр тармоқнинг жадал ривожланиши мамлакатда умумиқтисодийнинг ўсиши учун асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун истиқболда мамлакатимизнинг иқтисодий барқарор ва узлуксиз ривожланиши учун макроиқтисодий кўрсаткичлар мувозанатида қишлоқ хўжалигининг ўрнига алоҳида эътибор беришимиз лозим.

Ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалигини солиққа тортиш бир қатор иқтисодий секторлар билан боғлиқ. Шу билан бирга анъанавий аграр секторга маълум бир имтиёзлар ҳамда солиққа тортишнинг махсус режими қўлланилади, яъни махсус ишлаб чиқариш хусусиятлари билан боғлиқ бўлади. Бу хусусиятларга фаслар алмашинуви, об-ҳаво шароитлари ва кичик ишлаб чиқаришларни мисол қилиш мумкин. Қишлоқ хўжалигида солиқ сиёсатининг мақсади ҳар хил муаммоларни ечишга қаратилган бўлиб, баъзи бир ҳолатларда у субсидия инструменти деб кўрсатилади, лекин бу ундай эмас. Қишлоқ хўжалигида солиққа тортишнинг фискал мақсадлари шундан иборатки,

солиқлар ресурсларга талабнинг эластик ёки ноэластик ҳолатида қўлланишига боғлиқ. Шу жумладан, ер ноэластик талабга эга, шунинг учун ер солиғининг ўсиши қуйидаги қоида билан изоҳланади: ер солиғи бўйича бюджет тушумларини кўпайтириш, ўз навбатида минерал ўғитларга нисбатан қўлланиладиган солиқларни камайитиришга олиб келади.

Ривожланган мамлакатлар амалиётида солиқлар дифференциациялашган бўлиб, уларни барча юридик ва жисмоний шахслар тўлаши шарт, фақат улар солиқларни солиқ объектидан ёки даромад олиш даражасидан келиб чиқиб тўлаб берадилар. Қишлоқ хўжалиги субъектларидан ундириладиган солиқлар умумдават ва маҳаллий солиқларга бўлинган. Шу билан бирга аграр секторда солиқлар миллий даражада деярли бир хил ҳисобланади, лекин маҳаллий солиқлар субъектлар жойлашган ҳудудга, махсус географик хусусиятга ҳамда маҳаллий бюджет даромадларидан келиб чиқиб фарқланади.

Ривожланган давлатларда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари тўлайдиган солиқлар таркибига назар ташлайдиган бўлсак, уларнинг турли мамлакатлар даражасида солиқ турларига қараб табақалашади. Асосий солиқ турларининг амал қилиши ва таркиби қуйидаги 1.3-жадвалда акс эттирилган.

Жадвал маълумотларига эътибор қаратадиган бўлсак Германия, Франция, Италия каби мамлакатларда қишлоқ хўжалиги субъектлари ҳисобланган фермерлик кооперативларига корпоратив солиқни тўлаш бўйича кенг имтиёзлар берилган.

Ҳамма ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича кооператив фермерларга хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш воситаларини етказиб бериш, кредитлаш амал қилади. Икки маротаба солиқ ундиришнинг олдини олиш учун муҳим қоидалар ишлаб чиқилган. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги кооператив шакллари умумий солиққа тортишда бошқа имтиёз ва чегирмалар амал қилади.

**Ривожланган мамлакатлар қишлоқ хўжалиги субъектлари
тўлайдиган асосий солиқ турлари³²**

Солиқ турлари	АҚШ	Франция	Италия	Буюк Британия	Германия
Даромад солиғи	+	+	+	+	+
Корпоратив солиқ	+	+	+	+	+
Мол-мулк солиғи	-**	+	-	+	-**
Ер солиғи	+	+	-*	-	+
Маҳаллий солиқлар (ер солиғидан ташқари)	+	+	+	+	+***
ҚҚС	-	+	+	+	+
Сотувга солиқ	+	-	-	-	-
Ижтимоий тўловлар	+	+	+	+	+

* - даромад солиғига киритилган.

** - ер солиғига киритилган.

*** - ҳунармандчилик солиғидан ташқари.

Қишлоқ хўжалигида солиққа тортиладиган ер асосий ишлаб чиқариш омили бўлиб ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер солиғи қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер солиғи ставкасидан анча пастдир. Аграр секторда бундай солиққа тортишга ёндашиш қишлоқ хўжалигида солиққа тортишнинг асосий имтиёзли тамойилларини ташкил этади. Ҳамма мамлакатларда ерни солиққа тортишдан асосий мақсад маҳаллий бюджетни тўлдиришдир, шунинг учун ер солиғи маҳаллий солиқ бўлиб ҳисобланади. Ер солиғидан даромад (қурилишни ҳам ўз ичига олади) маҳаллий бюджетга келиб тушадиган солиқларнинг асосий қисмини ташкил қилади. Масалан, АҚШ да 95 фоиз, Канадада 80 фоиз, Германия ва Францияда 75 фоизга яқин маблағ жалб этилади. Ҳар бир мамлакатда ер солиғини ҳисоблаш услубиятлари бир-биридан фарқ қилиб, асосан кадастр усули амалда кўпроқ қўлланилади.

Ернинг бозор нархи ҳисоб-китоб даражасидан анча юқори, буни солиқ имтиёзи деб ҳисоблаш мумкин. Қишлоқ хўжалигида ер солиғининг ставкаси бир қатор омилларга, яъни ердан фойдаланишга, қишлоқ хўжалигининг асосий фаолиятига ва соҳанинг рентабеллик даражасига нисбатан ўрнатилган.

³² 1.3-жадвал интернет маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Барча ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги мақсадида фойдаланиладиган ерларга солиқ ставкалари пасайтириб белгиланган (асосий ҳолатларда, ер нархининг бир фоизидан ошмайди), чунончи юқори ставкалар ердан самарали фойдаланишга, ер фондига инвестиция қўйишга тўсқинлик қилади. Италияда, ер солиғини ҳисоблашдаги омиллар бўлиб, ер кадастри ва тузатиш коэффициентлари ҳисобланади. Тузатиш коэффициентлари белгиланган кадастр нархини, ер фондининг ҳақиқий нархига тўғрилаш учун хизмат қилади. 2005 йилда ер солиғининг ўртача ставкаси ер нархига нисбатан 0,31 фоиз атрофида белгиланган, баъзи мамлакатларга бу нисбат анча пастроқ ўрнатилган.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритаётган субъектлар солиқлар билан бир қаторда ижтимоий тўловларни ҳам тўлайдилар. Бу тўловлар уларга давлат тизимининг ижтимоий суғурталаридан (касаллик, ногиронлик, нафақа ёшига етишидаги ҳолатларга) фойдаланиш ҳуқуқини беради. Юқорида таъкидланиб ўтилганидек, кучли давлат бошқарув тизимига эга бўлган мамлакатларда ижтимоий тўловлар солиқларга нисбатан юқори кўрсаткичга эгадир. Фермерлар ҳам (бошқа тадбиркорлар сингари) даромадидан ижтимоий тўловлар тўлайдилар. Мазкур тўловлар ёлланма ишчиларнинг фақатгина иш ҳақидан ундирилади.

Маҳаллий ҳокимият органлари, маҳаллий ҳудуд доирасида солиқ сиёсати бўйича ечиладиган масалалар ҳажми ва тавсифини аниқлаб беради. Айрим мамлакатларда маҳаллий даражада қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларидан олинадиган солиқлар таркибига транспорт воситаларига эгалик қилиш солиғи ҳам киритилади (масалан: Қозоғистон солиқ амалиёти). Германияда бу солиқ қишлоқ хўжалиги техникалари эгаларига (тракторлар, комбайнлар, юк ташувчи автомобиллар ва ҳакозалар) тегишли ҳисобланиб, улар томонидан тўлаб берилади. Солиққа тортиладиган база сифатида қишлоқ хўжалиги техникасининг баланс нархи олинади. Ушбу солиқни тўлашдан сўт ва ем ташувчи автомобиллар озод этилган.

Италияда қўшилган қиймат солиғининг (ҚҚС) уч хил режими қишлоқ хўжалигида фермерларнинг даромадлилик даражасига қараб амал қилади:

1) Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини бир йиллик даромади 10 млн. лирадан ошмайдиган бўлса ҚҚСдан озод қилинади;

2) Умумий оборот ҳажмида тўлов режими (режим танлаш бўйича олинади);

3) ҚҚС тўлашнинг меъёрий режими.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг қиймати 10 млн. лирагача бўлган сотиш ҳажми тўлиқ ҚҚСдан озод қилинади, яъни тўланган ҚҚС билан олинган ҚҚС ўртасидаги фарқ ҳисобланмайди. Ушбу ҳолатда фермер давлатга ҳеч қандай маблағ ўтказмайди. Бундан ташқари бу фермерлар мазкур солиқни ҳисоблаш ҳамда ҳисоб-китобини юритишдан ҳам озод қилинади. Агар фермернинг даромади 10 млн. лирадан ошса, у ҳолда фермер умумий оборот ҳажмидан ҚҚС ни тўлайди. Фермер ҳар йили умумий сотишдаги ҳажми ва ҚҚС тўлангандан кейинги сотиш ва сотиб олиш ҳажми ҳақида маълумот бериши лозим.


Жаҳонда самарали фаолият юритаётган фермер хўжаликлари асосан АҚШда мукамал шакллангандир. Бунинг асосий сабаблари фермер хўжаликларига ёрдам дастурларини маблағ билан таъминлашда федерал ҳукумат етакчилиқни ўзида сақлаб турганлиги билан изоҳланади. Бундай дастурларни амалиётга татбиқ этиш нуқтаи-назаридан тўртта асосий гуруҳга ажратишимиз мумкин:

- кафолатланган баҳо;
- ҳайдаладиган экинзорларни чеклаш;
- тўғридан-тўғри тўлов усули;
- импорт квоталари.

Буюк Британия солиқ тизимида фермер хўжаликларини солиққа тортиш алоҳида аҳамият касб этади. Инглиз иқтисодчиси М.Бакеттнинг таъкидлашича фермер хўжаликларини солиққа тортиш ўзига хослиги билан ажралиб туради,

яъни: “Солиқ солиш - ғоят ўзига хос мавзу: солиқ солишни тартибга солиш ва жорий этилаётган солиқлар борасидаги масалалар тез-тез ўзгариб туради. Шунинг учун ҳар бир фермер бухгалтерни ишга жалб қилиши, у эса, солиқларни иложи борича камроқ бўлиши чора - тадбирларини кўриши керак. Солиқлар, айниқса, мерос солиғи билан боғлиқ барча муаммолар бўйича малакали маслаҳатчи жуда қимматли бўлиши мумкин”³³. Британия фермерлари учун ҳам муаммолардан бири солиқ соҳасидаги ўзгартиришлар эканлигини юқоридаги фикр тасдиқлаб турибди, лекин улар томонидан тўланаётган солиқлар таркиби ўрганилганда амалдаги асосий солиқ турларида барқарорлик мавжудлигини кузатдик.

Буюк Британия фермерлари хўжалик фаолиятдан қуйидаги солиқларни тўлайдилар:



1.4-расм. Буюк Британия фермерлари тўлайдиган солиқ турлари³⁴

Британия фермерлари тўлайдиган асосий солиқ тури даромад солиғи ҳисобланиб, у молия йилида хўжаликда ҳосил қилинган даромад ёки фойдадан белгиланган шкала бўйича ўзига хос қоидалар асосида ундирилади.

³³ Бакетт М. Фермер хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш. –Тошкент: Меҳнат, инглизчадан таржима 1998. - 181 б.

³⁴ 1.4-расм Бакетт М. Фермер хўжалигини ташкил қилиш ва бошқариш. – Тошкент: Меҳнат, инглизчадан таржима, рисоласи асосида тузилган.

Даромад солиғини ундириш мақсадида фермер хўжаликларига бешта солиқ шкаласи ишлаб чиқилган бўлиб, унда ер, мол-мулкларни ижарага беришдан келадиган даромадга солиқ солиш, ўрмон хўжаликларидан олинадиган фойдага солиқ солиш, асосий фаолиятдан ташқари даромад манбаларига солиқ солиш, ишчи ходимлар ва ёлланма меҳнат қилувчиларнинг даромадларига солиқ солиш жараёнлари акс эттириб берилган. Мазкур солиқлар юзасидан ҳисобланган маблағни тўлаш муддатлари ҳам қулай тарзда ишлаб чиқилган. Фермер хўжаликлари учун молия йили 1 апрелда бошланиб келгуси йил 31 мартда тугайди.

Фойда солиғи шу молия йили якуни бўйича ҳисоб-китоб қилинади ва тўланиши лозим бўлган солиқ суммасининг ярмини 1 январда ва иккинчи ярмини 1 июлда бюджетга тўлаб беради. Бундан хулоса қилиш мумкинки, фермер учун солиқни ҳисоб-китоб қилиш ва тўлаш муддатлари қишлоқ хўжалигининг мавсумийлигини эътиборга олган ҳолда ўрнатилган.

Францияда фермер хўжаликларини солиққа тортиш жараёни асосан уларда мавжуд бўлган ер майдонларининг ҳажмидан келиб чиқади. Амалиётда солиқларни олиш учун қўшимча ҳужжат сифатида биринчи бор тузилган кадастр, ердан фойдаланиш ва ер тузишни тартибга солишнинг ҳуқуқий воситаси бўлиб қолди. Унинг фискал функцияси ҳозирга қадар сақланиб келинмоқда, бироқ кадастрни қараб чиқишнинг барчасида асосий эътибор баҳолаш ва қайта баҳолаш ишларига, уларни амалга ошириш услубиятларини қатъий тартибга солишга қаратилади. Кўчмас мулкни кадастр баҳолаш асосий ва иккинчи даражали ер майдонларига солиқларни ҳисоблаш учун база бўлиб ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқаришга тегишли бўлган ер майдонларини баҳолаш ва фермерлар учун солиқлардан чегирма миқдорларини белгилаш махсус инспекция томонидан ўтказилади, яъни ернинг қиймати кадастр баҳолаш ёрдамида амалга оширилади.

Ер майдонларини солиққа тортишда ривожланган мамлакатлар бой тажрибасини чуқур тадқиқ этиш орқали республикамиз солиққа тортиш амалиётига босқичма - босқич жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатларда ер солиғини жорий этиш ва бюджетга ундириш жараёни билан танишганимизда, асосан Японияда бу ҳолат бўйича солиқ сиёсати яхши йўлга қўйилганлигининг гувоҳи бўлдик. Ушбу давлат билан бизнинг солиқ қонунчилигимизни солиштириб кўрадиган бўлсак, бизда ер учун солиқ ставкаси фойдаланилаётган ер майдони бирлиги учун ишлаб чиқилган. Японияда эса, ернинг қийматига солиқ жорий этилган. Бошқача айтганда, фақат бозор ернинг ҳақиқий қийматини белгилайди. Бизнингча, мамлакатимизда худди ана шундай бозорни яратиш ва ривожлантириш лозим. Аввало, биз ерларнинг сифатини ҳисобга олиб, уларга тўла - тўкис баҳо беришни йўлга қўйишимиз даркор. Японлар ибораси билан айтадиган бўлсак, “Ер чекланган жамоат бойлигидир”, айти пайтда “уй-жой қурилиши учун мўлжалланган ерлар, муайян мақсадларда жамоат манфаатлари учун (ишлаётган) ишлатилаётган ерлар, қишлоқ хўжалик ерлари, ўрмонлар солиқдан озод қилинади”. Шунингдек, ҳар бир квадрат метр 30 минг иенадан камроқ баҳоланган ерлар ҳам солиқдан озод қилинади, бу тахминан 260 АҚШ долларига баробар. Масалан, Токио шаҳри чеккасида бир квадрат метр ер 20 миллион иена (тахминан 175 минг АҚШ доллари) туради.

Осакада ернинг бир квадрат метри 20 минг АҚШ долларига баҳоланади. Кўриниб турибдики, ер бу мамлакатда ниҳоятда қиммат. Шу боисдан ҳам ернинг қадрига етадилар. Япония солиқ сиёсатида Кейнс назариясидаги тўла бандлик ўз ифодасини топганлиги кўринишимиз мумкин. Бугунги кунда бизнинг мамлакатимизда ҳам шундай солиқ турларидан бири, бу ягона ер солиғи десак муболаға бўлмайди.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши учун мўлжалланган ерлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш зарур. Бу борада турли мамлакатлар ўртасида жиддий тафовутлар мавжудлигини кўрамиз. Бу тафовутлар қишлоқ хўжалиги

маҳсулотлари етиштириладиган ерларни сотиш ва сотиб олишга тўлиқ ҳуқуқ берилишидан тортиб, ернинг бутунлай давлат ихтиёрида бўлишини ўз ичига олади.

Иқтисодиёти тараққий этган кўпгина мамлакатларда ерга эгалик қилиш қонунчилик томонидан чегараланган бўлиб, давлат томонидан назорат қилинади ва бошқарилади. Бу мамлакатларда тегишли давлат органларининг махсус рухсатсиз ерни сотиш, сотиб олиш, ҳады қилиш, алмашиш, ижарага бериш мумкин эмас. Ер участкасининг номақбул тарзда бўлиниб кетиши оқибатида қишлоқ хўжалик корхонасининг касодга учраш хавфи туғилса, бундай ҳолларда ер билан боғлиқ барча битимлар тақиқланади.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги товари ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусияти ерга эгалик қилишни, қишлоқ хўжалиги ерларининг эркин савдосини йўлга қўйишни ва ҳар хил чеклашларни бекор қилишни тақозо этади. Буни қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариш нуқтаи-назаридан шарт-шароитлари бир хил бўлган мамлакатлар тажрибаси тасдиқлабгина қолмай, ўз тарихимиз ҳам шундай қилишга ўргатади.

Амалга оширилган тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда қуйидаги хулосаларни шакллантириш мумкин:

1) Миллий иқтисодиётимизда деҳқон ва фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчи асосий субъектлар сифатида тан олинган ҳамда уларнинг эркин фаолият юритишлари учун ҳуқуқий-иқтисодий асослар яратилган;

2) Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида қишлоқ хўжалиги соҳасининг улуши ошиб бораётганлиги ижобий кўрсаткич эканлигидан келиб чиқиб, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятининг узлуксизлиги ва давомийлигини таъминлаш мақсадида зарурий инфратузилмаларни янада шакллантириш лозим;

3) Деҳқон ва фермер хўжалиklarини солиққа тортиш жамият ривожланишининг ҳар бир даврида ўзига хос хусусиятларни келтириб

чиқарган. Солиққа тортишда дастлаб ер рентасига кўпроқ эътибор қаратилган бўлса, кейинчалик ернинг кадастр қиймати, ернинг меъёрий қиймати каби омиллар асосий мезон бўлиб хизмат қилмоқда;

4) Айрим ривожланган мамлакатлар, жумладан Буюк Британия, Нидерландия, Швеция қонунчилигида қишлоқ хўжалиги ерлари солиқ тўлашдан озод қилинган. Айрим давлатларда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини солиққа тортиш мақсадида ернинг қиймати бозор баҳосида эмас, балки кадастр баҳосида ҳисобга олинади ёки улар учун имтиёзли солиқ ставкалари жорий этилган;

5) МДХ давлатларида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини солиққа тортишда турли услубиятлар қўлланилмоқда. Россия Федерациясида қишлоқ хўжалиги субъектларидан солиқ ундириш ер майдони қийматига нисбатан эмас, балки уларнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари якунига қараб татбиқ қилинган.


2-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ АМАЛИЁТИ ВА СОҲА ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ ОРҚАЛИ ТАЪМИНЛАШ

2.1. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиққа тортиш ҳолати ва ривожланиш тенденциялари

Дехқон хўжалиги фаолияти тадбиркорлик соҳаси жумласига киради ҳамда деҳқон хўжалиги аъзоларининг хоҳишига кўра юридик шахс ташкил этган ҳолда ва юридик шахс ташкил этмасдан амалга оширилиши мумкин.

Дехқон хўжалиги ихтиёрийлик асосида, хўжалик бошлиғининг қишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг иш берувчисига ёки туман ҳокимига ёзма мурожаатига асосан ташкил этилади. Аризада сўралаётган ер участкасининг жойлашган манзили, майдони, деҳқон хўжалигининг таркиби ҳамда хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш учун ер участкасидан белгиланган мақсадда фойдаланишининг йўналишлари кўрсатилади. Деҳқон хўжалиги белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан ташкил этилган деб ҳисобланади. Деҳқон хўжалигининг бошлиғини давлат рўйхатига олиш деҳқон хўжалиги бошлиғининг доимий яшаш жойидаги туман ҳокимлиги томонидан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган зарур ҳужжатлар билан биргаликда ариза берилган пайтдан эътиборан уч кун ичида амалга оширилади.

Дехқон хўжаликлари молия-хўжалик фаолияти юритишлари жараёнида Солиқ кодексининг 383-моддасига асосан бир қатор солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни бюджетга ҳамда бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга тўлайдилар. Биз мазкур солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг таркибини қуйидаги расм орқали ифода этамиз.



2.1-расм. Дехқон хўжаликлари тўлайдиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар таркиби³⁵

Дехқон хўжалиги фаолият юритиш шаклидан қатъий назар солиқ қонунчилигига биноан асосий солиқ тури сифатида ер солиғини тўлаб беради. Ер солиғининг амалиётга киритилиши, солиқ объектининг белгиланиши, солиқ ставкаларининг табақалашганлиги, имтиёзларнинг тақдим этилиши, солиқни ҳисоблаш услубияти ҳамда тўлаш тартибларини янги таҳрирдаги Солиқ

³⁵ Солиқ кодекси асосида муаллиф томонидан тузилган.

кодекси қабул қилинган давргача ва ҳозирги пайтдаги ҳолатини таҳлил қилиб чиқамиз.

Маълумки, ўз мулкида, эгалигида ёки фойдаланишида ер участкаларига эга бўлган деҳқон хўжаликлари ер солиғи тўловчилар ҳисобланади. Деҳқон хўжаликларида ерларни солиққа тортиш бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан фарқланади, чунки уларга ер участкалари чегараланган миқдорда ажратилади.

“Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг 8-моддасига биноан деҳқон хўжалиги юритиш учун белгиланган тартибда мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга томорқа ер участкаси иморат ва ҳовли эгаллаган майдонни ҳам қўшганда суғориладиган ерларда 0,35 гектаргача ва суғорилмайдиган ерларда 0,5 гектаргача ўлчамда, чўл ва сахро минтақасида эса суғорилмайдиган ерларда 1,0 гектаргача ўлчамда тақдим этилиши кўзда тутилган.

Ер солиғи томорқа ер участкасининг сифатига, жойлашган манзилига ва сув билан таъминланиш даражасига қараб, унинг кадастр баҳосини ҳисобга олган ҳолда белгиланадиган миқдорда ундирилади. Деҳқон хўжаликлари тасарруфида бўлган ер участкаларига солиқ ставкалари Президент қарори билан белгиланади ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган тартибда тўловчиларга етказиб берилади.

2014 йил учун деҳқон хўжаликларига солиқ ставкалари мамлакатимиз Президентининг 2013 йил 25 декабрдаги ПҚ-2099-сон қарорига³⁶ асосан қуйидаги учта йўналишда белгилаб берилган эди:

- а) суғориладиган ерлар учун солиқ ставкалари;
- б) лалми экинзор, бўз ер ва кўп йиллик кўчатларга солиқ ставкалари;
- в) суғорилмайдиган пичанзорлар ва яйловлар учун солиқ ставкалари.

³⁶ Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида.

Юридик шахс ташкил этган деҳқон хўжаликларига солиқ ставкалари суғориладиган ҳар бир гектар ер учун 10 классдан ҳамда баҳоланмаган ерлардан ташкил топган гуруҳ бўйича ишлаб чиқилган. Гуруҳ сифатида келтирилган 10 класс ўз навбатида 0 дан 10 баллгача бўлган миқдордан то 91 дан 100 баллгача миқдордаги бонитетларга ажратилган. Ҳар бир классдаги балл-бонитетга ернинг сифати, жойлашуви, сув билан таъминланиш даражаларига қараб солиқ ставкалари белгиланган эди.

2.1-жадвал

Лалми экинзорлар, бўз ерлар ва кўп йиллик кўчатлар учун ундириладиган ер солиғи ставкалари³⁷

Вилоятлар	1 га учун ер солиғининг зоналар бўйича ставкалари, сўм		
	Текислик (ёғингарчиликлар бўлмайдиган) зонаси	Адир (ёғингарчиликлар билан кам таъминланган) зонаси	Тоғ олди ва тоғлик (ёғингарчиликлар билан таъминланган) зона
Андижон вилояти	1524,1	1605,5	2436,0
Жиззах вилояти	1437,6	1513,4	2449,3
Навоий вилояти	1437,6	1513,4	2449,3
Наманган вилояти	1590,6	1817,2	2264,3
Қашқадарё вилояти	1590,6	1817,2	2264,3
Самарқанд вилояти	1437,6	2042,6	2577,7
Сурхондарё вилояти	1278,7	1817,2	2264,3
Сирдарё вилояти	1437,6	1903,1	2436,0
Тошкент вилояти	1524,1	2520,1	3023,6

2.1-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, лалми экинзорлар ва бўз ерлар учун ҳар бир гектарга зоналар бўйича солиқ ставкалари белгиланган бўлиб, улар қуйидагича гуруҳларга ажратилган:

- текислик (ёғингарчилик бўлмайдиган) зонаси;
- адир (ёғингарчиликлар билан кам таъминланган) зонаси;

³⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 декабрдаги ПҚ-2099-сонли Қароридан олинган.

- тоғ олди ва тоғлик (ёғингарчилик билан таъминланган) зона.

Ўрнатилган солиқ ставкаларини қиёсий таҳлил қилганимизда текислик зонаси учун тақдим этилган солиқ ставкаларига нисбатан адир зоналарига белгиланган ставкалар ҳудудлар бўйича ўрта ҳисобда 20 фоизга, тоғ олди ва тоғлик зоналарга белгиланган ставкалар адир зоналарига нисбатан 30 фоизга оширилганлигини кўришимиз мумкин.

Суғорилмайдиган пичанзорлар ва яйловлар учун ишлаб чиқилган солиқ ставкаларида ҳам табақалашув мавжуд бўлиб, унда чўл, адир, тоғ зоналари бўйича ҳар бир гектар ерга солиқ миқдорлари белгилаб берилган.

2.2-жадвал

Дехқон хўжаликлари учун ер солиғи ставкалари³⁸

Худудлар номи	0,01 га учун ер солиғи ставкалари, сўмда			
	Дехқон хўжалиги юритиш берилган ерлар учун			жамоа боғдорчилиги ва полизчилигини юритишга берилган ерлар учун
	суғориладиган зона		лалми ерлар	
	аҳоли пунктларида	аҳоли пунктларидан ташқарида		
Қорақалпоғистон Республикаси:				
шимолий	1 654,5	829,4	165,5	875,0
марказий	2 649,6	1 325,5	268,3	-
жанубий	2 943,4	1 471,3	295,4	1 082,5
Андижон вилояти	3 110,8	1 554,1	308,5	1 205,7
Бухоро вилояти	2 939,4	1 468,9	272,6	1 077,1
Жиззах вилояти	2 754,9	1 377,9	198,0	774,1
Қашқадарё вилояти	2 754,9	1 377,9	195,4	758,4
Навоий вилояти	2 859,6	1 429,2	236,1	938,2
Наманган вилояти	2 978,2	1 489,5	295,4	1 142,8
Самарқанд вилояти	3 141,3	1 570,9	364,1	1 420,7
Сурхондарё вилояти	3 386,8	1 694,0	475,9	1 849,9
Сирдарё вилояти	2 777,7	1 389,2	205,5	794,3
Тошкент вилояти	3 133,8	1 567,1	361,6	1 411,5
Фарғона вилояти	2 930,5	1 465,4	270,0	1 058,0
Хоразм вилояти	2 943,4	1 471,3	278,5	1 082,5

Дехқон хўжаликларида ер участкаларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари алоҳида хусусиятларни қамраб олган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, 2.2-жадвалда акс эттирилган. Жадвал маълумотларига эътибор қаратадиган

³⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 декабрдаги ПҚ-2099-сон қароридан олинди.

бўлсак, ер солиғини ҳисоблаш учун тақдим этилган ставкалар асосан уч гуруҳга ажратилганлигини кўрамиз мумкин, яъни:

1. Суғориладиган зонанинг аҳоли пунктлари доирасида берилган ерларга солиқ ставкалари: ушбу гуруҳ кирадиган ер майдонларига тақдим этилган ставкалар барча ҳудудлар бўйича бошқа гуруҳларга нисбатан анча юқори белгиланган, чунки тайёрланган маҳсулотларни сотишда, яъни истеъмолчига етказиб беришда кам харажат қилинади;

2. Суғориладиган зонанинг аҳоли пунктларидан ташқарида берилган ерларга солиқ ставкалари: мазкур гуруҳ бўйича белгиланган ставкалар бирмунча камроқ белгиланган, сабаби деҳқон хўжаликлари томонидан яратилган маҳсулотларни аҳоли пунктларига етказиш, юклаш, тушириш каби харажатлар инобатга олинган;

3. Лалми ерларга солиқ ставкалари: бу гуруҳ учун тақдим этилган солиқ ставкалари биринчи гуруҳга нисбатан ҳудудлар бўйича ўртача 10 баробар пасайтирилиб тасдиқланган. Чунки бу тоифадаги ерлардан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш бир қатор таваккалчиликлардан иборат, яъни асосан об-ҳавонинг қандай ҳолатда келиши билан боғлиқ бўлади. Намгарчилик яхши бўлса кутилган ҳосилни олиш мумкин, аксинча деҳқон хўжалиги аъзолари амалга оширган харажатларини ҳам қоплай олмайдилар.

Деҳқон хўжаликлари тасарруфида бўлган ер участкаларига солиқ ставкаларини қўллашда икки хил ёндашувдаги коэффициентлар мавжуд бўлиб, бири фақат оширувчи коэффициентлар бўлса, иккинчиси эса, ўзгарувчан коэффициентлар ҳисобланади. Биринчи ёндашувдаги коэффициентлар ер участкаларининг жойлашган жойига боғлиқ ҳолда қуйидагича қўлланилади: Тошкент шаҳри атрофида 20 км лик айланада – 1,30, Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти ва вилоят марказлари атрофида 15 км лик айланада – 1,20, туман марказлари атрофида 10 км лик айланада – 1,15 ва бошқа шаҳарлар атрофида 5 км лик айланада – 1,10.

Иккинчи ёндашувдаги коэффициентлар ер участкаларининг сифатига боғлиқ ҳолда қуйидагича қўлланилади: тупроқ бонитети 40 баллгача бўлса – 0,75; тупроқ бонитети 41 дан 70 баллгача бўлса – 1,0; тупроқ бонитети 70 баллдан ортиқ бўлса – 1,25.

Таҳлил натижаларидан кўринадик, ер участкаларига нисбатан қўлланиладиган солиқ ставкалари ҳаддан зиёд табақалашган. Мавжуд камчиликлар ҳамда солиқ ставкаларидан фойдаланиш жараёнидаги муаммоларни бартараф этиш бўйича келтирилган мулоҳазалар ва тавсиялар билан монографиянинг кейинги бўлимида танишиш мумкин. Фикримизча, солиқ ставкаларини ишлаб чиқишда ҳисобга олиш мумкин бўлган бир қатор мезонлар инobatга олинмаган, жумладан экин турлари, алмашлаб экиш механизми, икки марта ҳосил олиш имкониятлари ва шу кабилар.

Ер солиғи ставкалари бўйича мулоҳазаларимизни яқунлаб, хўжалик фаолиятига муҳим таъсир этувчи имтиёзлар борасидаги амалий ҳолатни ҳамда улардан фойдаланиш даражаларига баҳо бериб ўтамиз. Бизга маълумки, иқтисодиётда солиқ имтиёзлари рағбатлантириш хусусияти билан ажралиб туради, лекин қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари фаолиятида солиқ имтиёзлари табиий ресурс ҳисобланган ернинг сифатини тиклаш жараёнида ҳам иштирок этади.

Дехқон хўжаликларида ер асосий восита бўлганлиги учун қонунчилик ҳужжатларида имтиёзлар фақат ерга боғлиқ ҳолатда берилганлигини кузатишимиз мумкин, бу эса имтиёзларга бир томонлама ёндашилганлигидан далолат беради, чунки ушбу субъектлар фаолияти давомида бошқа солиқлар ва мажбурий тўловларни ҳам тўлаб берадилар.

Дехқон хўжаликлари учун ишлаб чиқилган имтиёзлар таркиби тақдим этилиш нуқтаи-назаридан икки гуруҳга ажратилган, яъни биринчи гуруҳ имтиёзлари, ер солиғини тўлашдан озод қилиш шаклида бўлса, иккинчи гуруҳ имтиёзлари солиқ солинмайдиган ер участкалари шаклида қўлланилиши меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилган.

Дехқон хўжаликларида мавжуд ерларга нисбатан қўлланиладиган солиқ имтиёзларининг биринчи йўналиши ер солиғи тўлашдан озод қилиш шаклида тақдим этилган. Солиқ имтиёзи сифатида тақдим этилган ер солиғи тўлашдан озод қилиш шаклини юқоридаги қонунчилик ҳужжатлари асосида ўрганганимизда, асосан учта ҳужжатда ҳам муддат бўйича солиқдан озод қилиш жараёни келтирилган.

Ушбу имтиёзлардан фойдаланиш юзасидан “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги қонунда изоҳ келтирилмаган, яъни қандай ҳолатлар солиқ имтиёзини инкор этиши тавсифлаб берилмаган. Дехқон хўжаликларида Солиқ кодексида акс эттирилган солиқ имтиёзи юридик шахслардан олинadиган ер солиғи бўйича 282-моддада белгиланган имтиёзлар таркибида келтирилган. Амалдаги Солиқ кодексининг 287-моддасига асосан дехқон хўжаликлари жисмоний шахслардан олинadиган ер солиғи тўловчилари бўлиб ҳисобланади. Шу мақсадда солиқ кодексидаги тегишли бандга таҳририй тузатиш киритиш лозим деб ҳисоблаймиз. Умуман олганда, ер солиғи бўйича солиқ имтиёзларини ўрганиш орқали қуйидаги қарашлар шакллантирилди:

биринчидан, юқорида ўрганилган қонун ҳужжатларида акс эттирилган солиқ имтиёзлари тавсифининг бирхиллигини таъминлаш лозим, яъни бу орқали имтиёзларни тақдим этишда юзага келадиган муаммолар бартараф этилади;

иккинчидан, ушбу имтиёз бир томондан муддат бўйича озод этиш жараёнини келтириб чиқаради, лекин имтиёзнинг моҳиятига эътибор қаратадиган бўлсак, унинг иккинчи томони ҳам намоён бўлади, яъни бунда дехқон хўжаликлари фаолиятининг давомийлиги мезон қилиб олинганлигини кўрамыз;

учинчидан, имтиёздан фойдаланишда фаолият давомийлиги мезон қилиб олинганми, демак унга бир қатор қўшимчалар киритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз, чунки дехқон хўжалигини тугатишда фаолиятга боғлиқ ва аксинча боғлиқ бўлмаган ҳолатлар мавжуд. Фикримизни аниқлаштириш

мақсадида “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг 27-моддасига эътибор қаратамиз, унда хўжалик фаолиятини тугатиш асослари келтириб ўтилган. Мазкур модданинг биринчи ва учинчи бандларига асосан хўжалик тугатилаётган бўлса, имтиёзни фаолият даврига боғламаслик, бошқа ҳолатларда эса фаолият давомийлигидан мезон сифатида фойдаланиш солиқ имтиёзининг рағбатлантирувчилик аҳамиятини янада оширишга хизмат қилади.

Дехқон хўжаликларига солиқ имтиёзларининг иккинчи йўналиши солиқ солинмайдиган ер участкаларига нисбатан тақдим этилган. Бу имтиёзнинг ҳам моҳиятига эътибор қаратадиган бўлсак, унинг бевосита мақсадли имтиёз эканлигини билиб оламиз. Чунки солиқ имтиёзи фақатгина ердан белгиланган мақсадларда фойдалансагина тақдим этилиши асослаб берилган. Қонунчилик ҳужжатларини таҳлил қилганимизда, “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги қонунда бу имтиёз назарда тутилмаганлигига, Солиқ кодексида бу тоифадаги имтиёзлар икки хил мақсаддаги ер участкаларига, йўриқномада эса уч хил мақсаддаги ер участкаларига нисбатан қўлланилиши белгилаб қўйилганлигининг гувоҳи бўлдик (5-илова).

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, бу тоифада фойдаланилаётган имтиёзлар таркибини ҳам меъёрий ҳужжатларда тўғри ва тўлиқ акс эттириш лозим, бу эса солиқ имтиёзларини қўллаш ҳамда ҳисобини юритишдаги номуносибликларга барҳам беради.

Дехқон хўжаликларидан ундириладиган ер солиғини ҳисоблаш жараёнига тўхталадиган бўлсак, унда юридик шахс мақомига эга субъектлар алоҳида услубиятда ҳамда юридик шахс мақомига эга бўлмаган субъектлар учун алоҳида тартибда солиқ ҳисобланишини кузатамиз.

Юридик шахс мақомида фаолият юритаётган хўжаликлар ер солиғини ҳисобот йилининг 1 январгача бўлган ҳолатга қараб мустақил равишда ҳисоблаб чиқадилар. Солиқни ҳисоблашда ер участкасининг ҳажми, солиқ ставкасининг миқдори, тузатиш коэффициентлари асосий кўрсаткичлар

сифатида иштирок этади. Деҳқон хўжаликлари учун ер солиғини ҳисоблаш формуласи келтирилмаганлиги сабабли уни қуйидаги кўринишда тавсия қиламиз:

$$Y_{ss} = Y_{uh} * S_s * K_{ok} ; (2.1)$$

бунда:

Y_{ss} – ер солиғи суммаси;

Y_{uh} – ер участкаси ҳажми, га. ҳисобида;

S_s – солиқ ставкаси, сўмда;

K_{ok} – оширувчи ва ўзгарувчан коэффициент.

Ҳисобланган солиқ суммаси ҳақидаги маълумотлар ер участкаси жойлашган ҳудуддаги солиқ органига 1 февралгача тақдим этилади. Солиқ ҳисоб-китобларида ер солиғининг умумий суммасидан 95 фоизини бюджетга, 5 фоизини эса фермер уюшмасининг жамғармасига тўланишини алоҳида сатрларда кўрсатиб беради.

Юридик шахс ташкил этмаган деҳқон хўжаликлари учун солиқ суммасини давлат солиқ органлари ҳисоблаб чиқаради ва ер эгалари ва ундан фойдаланувчилар ҳисобини юритадилар. Бу тоифадаги субъектлар ҳам солиқ суммасидан фермерлар уюшмасининг жамғармасига 5 фоизлик ажратмани тўлайдилар.

Ер солиғи суммасини деҳқон хўжаликлари бир йилда бир маротаба, ҳисобот йилининг 15 октябригача бюджетга ўтказилади. Деҳқон хўжаликларидан ер солиғини ундириш жараёнидаги камчиликлар ва тушунмовчиликларни бартараф этиш мақсадида юридик шахс сифатида фаолият юритаётган хўжаликларнинг солиқ суммаларини ҳисоб-китоб қилиш маъсулиятини давлат солиқ органларига зиммасига юклаш лозим деб ҳисоблаймиз. Чунки деҳқон хўжалигини юритаётган шахсларнинг ҳаммаси ҳам солиқлар тўғрисида кўникмаларга эга эмаслар. Давлат солиқ органлари ер тузиш ташкилотлари, статистика органлари ҳамда қишлоқ фуқаролар йиғинлари томонидан тақдим этиладиган маълумотлар базасини шакллантиради ва солиқ суммаларини

жисмоний шахслар учун шакллантирилган услубият бўйича ҳисоблаб чиқарадилар.

Дехқон хўжаликларидан ундириладиган асосий солиқ сифатида ер солиғи бўйича мулоҳазаларимизни яқунлаб, улар фаолиятдан олинадиган мол-мулк солиғига эътибор қаратамиз.

Мол-мулк солиғини деҳқон хўжаликларидан ундириш бўйича қонун ҳужжатларида камчиликлар мавжудлиги аниқланди ва уларни бартараф этиш борасида бир қатор тавсия ҳамда мулоҳазалар шакллантирилди. Мол-мулк солиғи давлат бюджети даромадларида муҳим аҳамият касб этмасада, деҳқон хўжаликлари фаолиятдан ундириладиган асосий солиқлардан бири сифатида қаралади.

Юридик шахс мақомига эга бўлмаган деҳқон хўжаликларидан ундириладиган мол-мулк солиғининг объекти сифатида, улар тасарруфидаги мол-мулклар қиймати қабул қилинган.

Дехқон хўжалиги мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш чоғида Вазирлар Маҳкамаси томонидан жисмоний шахслар учун белгиланадиган ставкалар қўлланилади, юридик шахс ташкил этган деҳқон хўжаликлари учун мол-мулк солиғи объекти ва солиқ ставкалари алоҳида тартибда белгиланган эди.

Юридик шахс ташкил этган деҳқон хўжаликларининг мол-мулкига солиқ солишда бир қатор муаммолар мавжуд бўлган. Солиқ қонунчилигидан келиб чиқиб юридик шахс ҳисобланган деҳқон хўжаликлари мол-мулк солиғи суммасини мустақил ҳисоблаб солиқ органларига белгиланган тартибда тақдим этганлар. 1998 йил 30 апрелда 604-І сон билан қабул қилинган “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг 15-моддасида биноан қуйидагилар: уй-жойлар, хўжалик иморатлари, экинзорлар ва кўчатзорлар, маҳсулдор моллар, паррандалар, қишлоқ хўжалик техникаси, инвентари, ускуналари, транспорт воситалари ва бошқа мол-мулклар деҳқон хўжалигининг мулки ҳисобланади. Агар юридик шахс бўлган деҳқон хўжалиги жисмоний шахс бўлган деҳқон

хўжалиги базасида ташкил қилинса, унга тегишли бўлган бутун мол-мулк юридик шахс балансига киритилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 275-моддасига кўра жисмоний шахсларнинг айрим тоифалари мол-мулк солиғи бўйича имтиёзларга эга, шу билан бир қаторда юридик шахс ташкил этган деҳқон хўжаликларига нисбатан ҳам солиқ қонунчилигида имтиёзлар қўлланилиши келтириб ўтилади. Бундан ташқари жисмоний шахсларнинг имтиёзга эга бўлган қатлами орасида пенсионерлар ҳам бор эди. 2007 йилдан бошлаб мулкида солиқ солинадиган мол-мулк бўлган пенсионерлар учун солиқ солинмайдиган энг кам миқдор ишлаб чиқилди ва бу миқдор умумий майдоннинг 60 кв. метр ҳажмида белгилаб қўйилди.

Юридик шахс ташкил этган деҳқон хўжаликлари солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, кишлок хўжалиги маҳсулоти ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш соҳасидаги фаолиятнинг асосий турига тегишли мол-мулкларидан солиқ тўлашдан озод этилган эдилар. Лекин Адлия вазирлигидан 2004 йил 16 февралда 1107-3-сон билан рўйхатга олинган Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг қарорига асосан ушбу имтиёзлар бекор қилинган.

Мол-мулк солиғини ҳисоблашда муҳим элементлардан бири бўлиб солиқ ставкалари юзага чиқади. Бизга маълумки, солиққа тортиш жараёнида солиқ ставкаларининг пропорционал, прогрессив, регрессив ва қатъий сўмларда белгиланган турларидан кенг фойдаланилади. Деҳқон хўжаликлари учун мол-мулк солиғи пропорционал, яъни ўртача қолдиқ қийматга нисбатан ўзгармас фоизларда ишлаб чиқилган. Солиқ ставкасининг пропорционал тартибда тақдим этилганлиги солиқни тўловчи учун бир қатор қулайликларни келтириб чиқаради. Бунда солиқ тўловчи мавжуд мол-мулкларини учун қанча миқдорда солиқ тўлашини олдиндан ҳисоб-китоб қилиши ва молия-хўжалик фаолиятини аниқ режалаштириш ҳамда қўшимча мол-мулклар жалб қилиш имкониятига эга бўлади.

Юридик шахс ташкил этган деҳқон хўжаликларига тақдим этиладиган солиқ ставкалари қўлланилиши нуқтаи-назаридан қуйидаги уч хусусиятни ўзида намоён этган, яъни:

биринчидан, мол-мулк солиғини ҳисоблаш учун умумий тартибда ўрнатилган солиқ ставкаси;

иккинчидан, жазолаш хусусиятига эга бўлган ставка, яъни субъект томонидан келтирилган, лекин меъёридаги муддатларда ўрнатилмаган мол-мулкларга нисбатан солиқ ставкаси икки баробар миқдорида белгиланган;

учинчидан, рағбатлантириш хусусиятига эга бўлган ставкалар, яъни ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот (иш, хизматлар) экспортининг эркин алмаштириладиган валютаги ҳиссасидан келиб чиқиб солиқ ставкалари пасайтирилиши кўзда тутилган.

Деҳқон хўжаликлари учун 2008 йил 1 январгача мол-мулк солиғи ставкалари қуйидагича белгиланган эди:

2.3-жадвал

Деҳқон хўжаликларидан ундириладиган мол-мулк солиғи ставкалари миқдори³⁹

Юридик шахс ташкил этган деҳқон хўжаликлар		Юридик шахс ташкил этмаган деҳқон хўжаликлар	
Кўрсаткичлар	Солиқ солинадиган базага нисбатан солиқ ставкаси фоизда	Солиқ солинадиган объектлар номи	Мол-мулкнинг инвентаризация қийматига нисбатан солиқ ставкаси фоизда
1. Деҳқон хўжаликлари	3,5	1. Тураржойлар, квартиралар, дала ҳовли ва боғ уйчалари, гаражлар ва бошқа иморатлар, хоналар ва иншоотларнинг қийматидан	0,5
2. Меъёрий муддатларда ўрнатилмаган ускуналар учун	7,0		2. Инвентаризация қиймати аниқ бўлмаган мол-мулклар:
3. Ўзи ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар) экспортининг эркин алмаштириладиган валютадаги ҳиссаси қуйидаги миқдорларни ташкил этадиган экспортчи корхоналар учун: -сотишнинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача -сотишнинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан юқори	белгиланган ставка 30%га пасайтирилади	-Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида	Шартли қиймат минг сўмда 2100,0
	белгиланган ставка 50%га пасайтирилади	-бошқа шаҳарлар ва қишлоқ жойларда	920,0

³⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги ПҚ-532-сон қарори асосида тузилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, деҳқон хўжаликлари мол-мулкларидан ундириладиган солиқни ҳисоблаш услубиятлари ва меъёрий ҳужжатлар талабларидан келиб чиқиб, солиқ ставкалари хўжаликларнинг мулкый мақомига асосан икки хил тартибда ўрнатилган эди.

Умуман олганда, деҳқон хўжаликларидан ундириладиган мол-мулк солиғини ҳам худди ер солиғи каби йилда бир марта тўлаш тартибига ўтказиш ва солиқни ундириш учун битта услубият танланиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Мол-мулк солиғини тўлаш муддати ва ундириш услубиятини мувофиқ ҳолатга келтириш қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

- тадбиркорлик субъектлари томонидан топшириладиган ҳисоботларни камайтириш бўйича ўтказилаётган тадбирларга натижа сифатида қаралади;
- давлат солиқ органларига топшириладиган ҳисоб-китоб шакллари кескин камаяди;
- солиқ ҳисобини юритиш бўйича ҳам ишлар мукамал ҳолатга келади.

2008 йил 1 январдан бошлаб деҳқон хўжаликларидан ундириладиган мол-мулк солиғи ягона услубиятга ўтказилди ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкларидан олинадиган солиқни ҳисоблаш тартиби уларга жорий этилди.

2.4-жадвал

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси⁴⁰

<i>N</i>	<i>Солиқ солинадиган объектларнинг номи</i>	<i>Солиқ ставкаси, мол-мулкнинг инвентаризация қийматига нисбатан %да</i>
1.	Турар жойлар, квартиралар (шаҳарларда жойлашган, умумий майдони 200 кв.м дан ошиқ бўлганлари бундан мустасно), дала ҳовли қурилмалари, гаражлар ва бошқа иморатлар, хоналар ва иншоотлар	1,2
2.	Шаҳарларда жойлашган умумий майдони қуйидагича бўлган турар жойлар ва квартиралар:	
	200 кв.м дан ошиқ ва 500 кв.м гача бўлган	1,4
	500 кв.м дан ошиқ бўлган	1,8

Изоҳ:

- Жисмоний шахслар мол-мулкни баҳолаш бўйича органлар белгилаган инвентаризация қиймати бўлмаса, солиқ ундириш учун Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида 18 480,0 минг сўм, бошқа шаҳарлар ва қишлоқ жойларда - 8 030,0 минг сўм миқдоридан мол-мулкнинг шартли қиймати қабул қилинади.


⁴⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 декабрдаги ПҚ-2099-сон қароридан олинди.

Дехқон хўжаликларига мол-мулк солиғини давлат солиқ органлари кадастр ташкилоти томонидан тақдим қилинган инвентаризация қийматидан келиб чиқиб ҳисоблайдилар ва ҳисобот йилининг 1 май ҳолатигача тўлов хабарномалари етказиб берилади. Ҳисобланган солиқ суммаси 15 октябрдан кечиктирмай тўлаб берилади.

Дехқон хўжаликлари томонидан тўланиши лозим бўлган мол-мулк солиғи юзасидан ўтказган тадқиқотларимизда солиқларга оид меъёрий ҳужжатларда таҳрир талаб ҳамда ўзгартиришлар киритиш зарур бўлган жиҳатларини кўрсатдик. Эндиги вазифамиз яна бир солиқ тури сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг дехқон хўжаликларига нисбатан татбиқини назарий ва амалий маълумотлар асосида таҳлил қилишдир.

Соҳа субъектлари учун солиқ солиш тартиботи асослаб берилган “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг 23-моддасига биноан дехқон хўжаликлари ҳуқуқий тузилишидан қатъий назар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлашлари кўзда тутилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 30 декабрдаги 455-сонли қарори билан дехқон хўжаликлари учун солиқ ставкалари белгилаб берилди. Шу муносабат билан дехқон хўжаликлари 2003 йилдан бошлаб сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлай бошладилар. Мана шу ерда савол туғилиши табиийдир, яъни ушбу соҳа вакиллари 2003 йилгача сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўламасдан келганми? Тадқиқотимиз натижалари асосида шу нарса маълум бўлдики, ўтган даврлар мобайнида ҳам дехқон хўжаликлари сувдан фойдаланганлик учун тўлов тўлаб келганлар. Фақат бунда сувдан фойдаланувчилар уюшмаси томонидан берилган, меъёрий ҳужжатлар билан тасдиқланмаган усулларда уларнинг даромадларидан 10% миқдорида тўлов ундириб келинганлиги тадқиқот давомида аниқланди. Юқорида келтирилган Вазирлар Маҳкамасининг қароридан сўнг ушбу солиқ қонуний тарзда ҳисоблана бошланди. Юридик шахс мақомига эга бўлган ва эга бўлмаган

деҳқон хўжаликлари сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлайдилар.



2.2-расм. Деҳқон хўжаликларидан олинadиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари⁴¹

2.2-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, деҳқон хўжаликлари фойдаланган сув ресурслари учун солиқ ставкаларининг миқдорлари йилдан-йилга кўпайиш тенденциясига эга. 2003 йилда ер усти сув ресурслари манбаларидан фойдаланилган 1 куб метр сув учун 15,8 тийин, ер ости сув ресурслари манбаларидан фойдаланилган 1 куб метр сув учун 20,2 тийин белгиланган бўлса, 2013 йилга келиб ер усти сув ресурсларига 2,8 сўм, ер ости сув ресурсларига 3,1 сўм солиқ белгиланган. Бу ҳолатга табиий ресурслардан тежамкорлик асосида, самарали ва оқилона ишлатиш мақсадида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларининг ҳар йили индексация қилиниши таъсир кўрсатган.

Ер усти ва ер ости манбаларидан олиб фойдаланиладиган сув ресурслари солиқ солиш объекти бўлиб ҳисобланади.

⁴¹ Вазирлар Маҳкамаси ва Президент қарорлари асосида тузилган.

Сув ресурсларининг ер усти манбаларига асосан дарёлар, кўллар, сув омборлари, турли хил каналлар ва ҳовузлар, ер устидаги бошқа сув ҳавзалари ҳамда сув манбалари киритилади.

Сув ресурсларининг ер ости манбаларига артезиан қудуқлари ва скважиналар, вертикал ва горизонтал дренаж тармоқлари ҳамда бошқа иншоотлар ёрдамида чиқазиб олинган сувлар киради.

Сув ресурсларининг ер усти ва ер ости манбаларидан олинган сув ҳажми сувдан фойдаланишнинг бирламчи ҳисобга олиш ҳужжатларида акс эттирилган сув ўлчагич асбобларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади. Сувдан ўлчагич асбобларсиз фойдаланилган тақдирда, унинг ҳажми сувдан фойдаланиш лимитларидан, экинлар ҳамда дов-дарахтларни суғориш меъёрларидан ёки маълумотларнинг тўғрилигини таъминловчи бошқа усуллар орқали аниқланади.

Солиқ тўловчилар ер усти ва ер ости манбаларидан олиб фойдаланилган сув ресурслари ҳажмларининг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритадилар.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг ставкалари ўрганиш орқали қуйидаги мулоҳазалар шакллантирилди:

- солиқ ставкалари сувдан фойдаланиш жойларидан келиб чиқиб табақалаштирилган, яъни ер усти ва ер ости сув ресурслари манбалари бўйича;

- солиқ ставкаси ер усти сув ресурсларига қараганда ер ости сув ресурсларига юқорироқ қилиб белгиланган. Бунинг сабаби ер ости манбаларидан сув ресурсларини етказиб берувчилар уни қазиб олиш учун ҳам қўшимча харажатларни амалга оширадилар. Лекин амалда барча деҳқон хўжаликлари фойдаланаётган ер ости сув ресурсларини оралиқ етказиб берувчидан эмас, балки ўз мулкидан мавжуд бўлган сувни чиқариш агрегатлари орқали қазиб олиб истеъмол қилмоқдалар ва бу жараён учун хўжалик қўшимча харажатларни амалга оширади. Шу мақсадда ер ости сув ресурсларидан ўз имкониятлари орқали фойдаланаётган деҳқон хўжаликларини солиқдан озод қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича имтиёзлар таркибини ўрганганимизда асосан юридик шахс ташкил этган деҳқон хўжаликларига нисбатан ишлаб чиқилганлигининг гувоҳи бўлдик. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ юзасидан юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган шаклларда фаолият юритишидан қатъий назар, улар учун мақсадли солиқ имтиёзларини амалга киритиш соҳа субъектларини ҳар томонлама рағбатлантиради.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ давлат солиқ органлари мутахассислари томонидан ҳисобланади, бунда фақатгина суғориладиган ерлар инобатга олинади. Умуман олганда, ер кадастрини юритишга оид бўлган меъёрий ҳужжатларда деҳқон хўжаликлари ерлари, шу жумладан суғориладиган ерлар ҳисоби ер ресурслари хизмати томонидан юритилиши белгилаб қўйилган бўлсада, лекин ушбу тартибга республикамизнинг барча ҳудудларида амал қилинмайди. Шунинг учун минтақаларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда суғорилмайдиган ер участкаларининг қайси ва қанча майдонини томорқа ерларининг умумий майдонидан чиқариш масаласини ер ресурслари хизмати билан келишиб олинishi лозим.

Солиқ тўлаш тўғрисидаги тўлов хабарномалари деҳқон хўжаликларига молия йилининг 1 майига қадар топширилиши керак. Шу муносабат билан ўтган йил учун фойдаланилган сув ресурслари тўғрисидаги маълумотларни ўрганишга ҳам тўғри келади. Деҳқон хўжаликларида фойдаланиладиган сув ҳажмини ҳисоблаб чиқариш учун шўр босган ерларни ювиш учун ишлатиладиган сувни ҳисобга олмасдан, умуман хўжалик бўйича бир гектар суғориладиган ер учун сувнинг ўртача сарфини ўрганиш ва меъёр сифатида қабул қилиш тавсия этилади. Солиқ органлари қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаларидан хўжаликлар учун етказиб берилган сув ҳажмлари тўғрисидаги аниқ маълумотларни олиши керак. Бунинг учун суғориладиган ер майдонларига фермер ва деҳқон хўжалигининг ҳамда иккиламчи сувдан

фойдаланувчи сифатида суғориш тизимидан сув оладиган бошқа субъектларнинг ерларини киритиши зарур бўлади.

Сувнинг умумий ҳажмини суғориладиган ерлар майдонига тақсимлаш йўли билан бир гектар суғориладиган ерга тўғри келадиган сувнинг сарфи билан белгиланади. Масалага чуқурроқ эътибор қаратадиган бўлсак, сув ресурсларидан ҳақиқатда фойдаланганлик ҳажмини аниқлайдиган услубиятнинг мавжуд эмаслигига дуч келамиз. Шунинг учун деҳқон хўжаликлари истеъмол қилган сув ҳажмини аниқлаб берадиган услубият яратиш ва унда хўжаликларнинг экин турларига ихтисослашуви ҳам инобатга олиниши лозим деб ҳисоблаймиз. Бу ўз навбатида қуйидаги муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади:

- судан фойдаланувчилар уюшмаси ва деҳқон хўжаликлари ўртасидаги зиддиятларга барҳам берилади, яъни сув ресурсларидан фойдаланиш ҳолати бўйича аниқ маълумотлар базаси шаклланади;

- судан фойдаланувчилар уюшмаси судан фойдаланиш жараёни бўйича аниқ маълумотлар базасини шакллантиради ва уни давлат солиқ органларига белгиланган тартибда етказиб берадилар;

- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаш маъсулияти давлат солиқ органларига юклатилганлигини инобатга оладиган бўлсак, солиқ тўғри ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилинишига замин яратилади.

2.2. Қишлоқ хўжалиги корхоналаридан ундириладиган солиқлар ва уларни ҳисоблаш услубияти

Мамлакатимизда мулкчилик шаклларининг ривожланиши, хўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқларининг кенгайиши ва уларга нисбатан ишлаб чиқилган ижтимоий-иқтисодий дастурлар асосан тадбиркорликнинг тараққий этишига олиб келди. Бу ўз навбатида юридик шахсларнинг маҳсулот, иш ва хизматлар кўрсатишни самарали ташкил этишга ва шу орқали ўз даромадларини кўпайтиришга туртки бермоқда.

Монографиянинг олдинги параграфда деҳқон хўжаликларидан ундириладиган солиқлар ва унга тенглаштирилган тўловларга эътибор қаратган эдик, ушбу параграфда фермер хўжаликлари томонидан тўланаётган солиқлар ва унга тенглаштирилган тўловларнинг таркиби, уларни ҳисоблаш жараёнини таҳлил қилиб чиқамиз.

1999 йилда қишлоқ хўжалик корхоналарини солиққа тортиш тизимида туб ўзгаришлар юз берди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 октябрдаги “Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғини жорий этиш тўғрисида” ги ПФ–2086-сонли Фармониға мувофиқ 1999 йилнинг 1 январдан бошлаб қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғи жорий қилинди.

Қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғи жорий этилиши, ўз навбатида уларни қуйидаги солиқлар ва йиғимларни тўлашдан озод қилди:

- даромад (фойда) солиғи;
- қўшилган қиймат солиғи;
- экология солиғи (2006 йил 1 январдан бекор қилинди);
- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- ер солиғи;
- ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- мол-мулк солиғи;
- ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;
- бошқа маҳаллий солиқлар ва йиғимлар;

Ягона ер солиғи тўловчилари ҳисобланган қишлоқ хўжалик товарлари ишлаб чиқарувчилари учун божхона тўловлари, давлат божи, лицензия йиғимлари, бюджетдан ташқари фондларға ажратмаларни тўлашнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинди.

Фермер хўжаликлари тўлаётган солиқлар ва унга тенглаштирилган тўловлар таркибига эътибор қаратсак, улар солиқ қонунчилиги ҳужжатларига асосан гуруҳларга ажратилган. 2.5-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, фермер хўжалиги асосий солиқ тури сифатида ягона ер солиғини тўлайди ва импорт товарлари киритган ҳолларда қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиқларини бюджетга ўтказадилар. Бундан ташқари мол-мулкларини ижарага берса, ижарага берилган мулк қийматидан мол-мулк солиғини тўлайди. Солиқли тўловлар билан бирга бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга мажбурий ажратмаларни ҳисоблайдилар.

2.5-жадвал

Фермер хўжаликлари тўлайдиган солиқлар ва унга тенглаштирилган тўловлар таркиби⁴²

Солиқлар таркиби	Солиқларга тенглаштирилган тўловлар таркиби (2014 йил 1 январдан бекор қилинган)
1. Ягона ер солиғи; 2. Қўшилган қиймат солиғи (агар импорт товарлари киритса); 3. Акциз солиғи (агар акцизоти импорт товарлари киритса); 4. Мол-мулк солиғи (ижарага берилган мол-мулк қийматидан); 5. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи.	1. Молия вазирлиги ҳузуридаги пенсия жамғармасига мажбурий ажратма; 2. Молия вазирлиги ҳузуридаги йўл жамғармасига мажбурий ажратма; 3. Молия вазирлиги ҳузуридаги мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига мажбурий ажратма.
Бошқа тўловлар таркиби	
1. Ягона ижтимоий тўлов; 2. Пенсия жамғармасига ишчи ва хизматчилар иш ҳақидан ижтимоий суғуртага ажратма.	

Ягона ер солиғини жорий қилишдан мақсад қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларини меҳнатининг пировард натижаларидан иқтисодий манфаатдорлигини кучайтириш, қишлоқ хўжалик корхоналарини солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва бирхиллаштиришдир. Мазкур солиқнинг

⁴² 2.4-жадвал қонунчилик ҳужжатлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

амалга киритилиши қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига тасарруфидаги ерлардан янада оқилона фойдаланилишга даъват этади, чунки ҳар бир гектар ер майдони учун ундан даромад олиш ёки даромад олмаслик ҳолатидан қатъий назар белгиланган миқдордаги солиқ суммасини тўлаш лозим бўлади.

Солиқларнинг амалиётдаги умумий мақсадларидан келиб чиқиб ягона ер солиғининг жорий этилишига давлат томонидан бир қатор устувор йўналишлар белгилаб қўйилган, яъни:

1. Давлат бюджетини маълум миқдордаги манба билан таъминлаш;
2. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчи субъектларнинг фаолиятини тартиблаш ҳамда рағбатлантириш;
3. Солиқ бўйича ҳисоб-китобларни қулай ҳолатга келтириш;
4. Солиқларни ҳисоблаш бўйича харажатларни минималлаштириш.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари мулкида мавжуд бўлган ер ресурсларидан унумли фойдаланиши ҳамда уларнинг сифат даражасини ошириб боришлари учун солиқ тизимига ягона ер солиғи киритилди ва бу фермер хўжаликларини солиққа тортиш жараёнининг такомиллашувига қаратилган ҳаракатлардан бири бўлди.

Ягона ер солиғининг амалга киритилиши қўйидаги ҳолатларни юзага келтирди:

биринчидан, фермер хўжаликларининг солиқлар ва йиғимлар бўйича бюджетга тўланадиган тўловлар ҳажмини бирхиллаштирди;

иккинчидан, бюджетга тўланадиган солиқлар миқдори аввалдан маълум бўлиб, агарда ер майдонида ўзгариш бўлмаса, тўлов суммаси ўзгармасдан қолиши;

учинчидан, солиқ миқдорининг аввалдан маълум бўлиши фермер хўжаликлари учун молия-хўжалик фаолиятини аниқ режалаштириш имконини беради;

тўртинчидан, фермер хўжаликларини мулкида мавжуд бўлган ер майдонларининг сифатини яхшилашга ва имкон қадар юқори ҳосил олишга ундайди.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун жорий этилган ягона ер солиғининг амалга киритилиши ва ҳаракатланиш жараёнларини қуйидаги босқичлар орқали ифодалаш мумкин:

- **биринчи босқич** 1998 йилдан 2003 йилгача бўлган даврларни ўз ичига қамраб олади ва бу муддатда бир қатор ижобий тадбирлар амалга оширилди. Дастлаб Президентимизнинг фармонида биноан ягона ер солиғининг ҳуқуқий асосига тамал тоши қўйилди ва солиқни ҳисоблаш, тўлаш тартиби масалаларини қамраб олган меъёрий ҳужжат (йўриқнома)⁴³ ишлаб чиқилди. Қонунчилик ҳужжатларига биноан фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалик маҳсулотини ишлаб чиқариш билан бирга бошқа хўжалик фаолияти билан шуғулланишидан қатъи назар, асосий фаолиятлари юзасидан ягона ер солиғини тўловчилар ҳисобланиши белгиланди. Ушбу тадбирнинг ишга солиниши хўжаликларни ёрдамчи тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга ундади, чунки бундай фаолият натижасида олинадиган даромадлардан солиқ олинмади. Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига ягона ер солиғидан қатъий ажратма қилиш тартиби ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий қилинди.

- **иккинчи босқич** 2003 йилдан ҳозирги пайтгача бўлган даврни қамраб олади. Ушбу вақтда ҳам ягона ер солиғини такомиллаштириш, аҳамиятини янада ошириш учун бир қатор амалий ишлар қилинди, яъни қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари асосий фаолиятдан ташқари бошқа фаолият билан шуғуллансалар белгиланган тартибда солиқларни тўлаш белгиланди. Ягона ер солиғи фақатгина асосий фаолият учун қўлланиладиган бўлди. 2004 йилдан

⁴³ Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1998 йил 9 ноябрдаги 04-03-02/752-сон ва 98-142-сон қарори билан тасдиқланган, Адлия вазирлигидан 1999 йил 22 январда 609-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги йўриқнома.

бошлаб тажриба мақсадида ягона ер солиғини ерларнинг меъёрий қийматдан ундириш механизми жорий этилди.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғининг жорий этилиши, солиққа тортиш тизимида унинг амал қилиши жараёнини янада такомиллаштиришдан далолат беради. Солиққа тортиш тартибини ўзгартиришга доир ҳар қандай бошқа чора-тадбирлар каби бу тартибнинг ҳам ижобий ҳам салбий жиҳатлари мавжуд. Бунда, бизнинг назаримизда, ижобий жиҳатлар салбий томонларга нисбатан анча кўпдир.

Солиққа тортишнинг ушбу тизими хўжаликлар ҳисобчиларининг солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш борасидаги ишларини кескин камайтирди. Илгари қишлоқ хўжалик корхоналари ўнлаб турдаги солиқлар ва йиғимларни тўлашарди. Агар айрим солиқ турларининг ҳар ойда ва ҳар йилнинг ҳар чорагида тўланишини ҳисобга оладиган бўлсак, унда айрим хўжаликлар давлат солиқ органларига солиқлар бўйича 30 дан ортиқ ҳисоб-китобларни тақдим этиши, бир йилда ана шунча тўлов топшириқномаларини тўлдириши керак бўлар эди. Эндиликда хўжаликлар бир йилда бир марта бир турдаги солиқ суммасини ҳисоблаб чиқишади. Бундай ҳол айниқса, ҳисоб-китобларни расмийлаштиришда малакали ҳисобчи мутахассисларга эга бўлмаган фермер хўжаликлари учун жуда муҳимдир.

Солиққа оид ҳисоб-китоб қилиш ишлари анча соддалашди. Агар илгари солиқларнинг бир неча турлари бўйича бир йилда бир неча марта солиққа тортиладиган базани батафсил белгилаб ўтириш лозим бўлган бўлса, эндиликда ягона ер солиғини ҳисоб-китоб қилиш учун субъект ихтиёрида мавжуд бўлган қишлоқ хўжалик ерлари майдонининг ўзи етарлидир.

Қишлоқ хўжалигини юритиш учун эгалик қилиш, фойдаланишига ёки ижарага берилган ер майдони, ягона ер солиғига тортиш объекти ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги ер майдонлари, уларнинг сифати ва жойлашган жойи бўйича ер баланси, ер хариталари, текширув материаллари ва бошқа ер кадастри ҳужжатлари бўйича қабул қилинади. Бошқа қишлоқ хўжалик

махсулотлари ишлаб чиқарувчилар қаторига шакли ва ихтисослашувига кўра кўп сонли юридик шахс ҳуқуқига эга хўжаликлар, акциядорлик хўжаликлари, фермер хўжаликлари ва ширкат уюшмалари, паррандачилик хўжаликлари, турли тизимдаги бўрдоқчилик хўжаликлари, ипакчилик ва асаларичилик хўжаликлари киради. Ягона ер солиғининг ставкаларини ишлаб чиқишда асосий тамойил қишлоқ хўжалиги корхоналаридан келиб тушадиган солиқлар миқдорининг камаймаслиги бўлди. Бу тамойилни амалга ошириш учун 1998 йилда қўлланилиб келинган ер солиғи ставкаларини 1,9 баравар кўпайтирилди. Базавий ставкаларни ишлаб чиқишда инфляция жараёнлари ҳисобга олинмади. Маълумки инфляция натижасида ер ва бошқа солиқлар ставкаси 1999 йилда 20-30 фоизга кўпайди. Шундай қилиб, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғи суммаси умумбелгиланган тартибда ҳисобланган солиқларга нисбатан 20-30 фоиз камроқ миқдорни ташкил этади, бу қишлоқ хўжалик корхоналари учун солиқ юкининг анча камайганлигини билдиради.

Солиқ тизимига ерларнинг меъёрий қийматидан солиқ ундириш услубиятининг киритилишигача амалда бўлган ягона ер солиғининг камчиликларини қуйидагилар орқали ифодалашимиз мумкин:

-солиқ ставкалари ҳаддан ташқари табақалашганлиги;

-солиқни ҳисоблашдаги тузатиш коэффициентлари фақатгина ерлардан фойдаланиш мақсадлари бўйича ишлаб чиқилган бўлиб, бошқа мезонлар ҳисобга олинмаганлиги;

-солиқни тўлаш муддатлари ушбу субъектлар хўжалик фаолиятининг яқунларига боғланмаганлиги, яъни айрим деҳқончилик маҳсулотларининг мавсумийлиги эътиборга олинмаганлиги ва бошқалар.

Ерлардан самарали фойдаланиш, солиқ ундириш тартибини кадастр усулидан унинг бозор баҳосига, яъни иқтисодий баҳосига қаратиш мақсадида қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари тасарруфида бўлган ер участкаларининг меъёрий қиймати тушунчаси солиққа тортиш мезони

сифатида амалиётга кириб келди. Вазирлар Маҳкамасининг 567-сонли қарори 6-бандига мувофиқ, Самарқанд ва Тошкент вилоятларининг⁴⁴ қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун 2004 йил 1 январдан бошлаб, тажриба тариқасида, ягона ер солиғини қишлоқ хўжалиги ерларининг меъёрий қийматидан келиб чиқиб ҳисоблаш тартиби белгиланди. Бу жараён қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларидан солиқ ундиришни такомиллаштиришга ва адолатлироқ тизимни белгилашга туртки берди.

Самарқанд ва Тошкент вилоятлари қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари томонидан ягона ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида вақтинчалик низом Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 13 январдаги 11-сон ва 2004-10-сон қарори билан тасдиқланиб, 2004 йил 15 мартда Адлия вазирлиги томонидан 1324-сон билан рўйхатдан ўтказилди.

Фикримизча, ягона ер солиғини ҳисоблашнинг ушбу услубияти қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун оқилона солиқ тизимини шакллантиришни таъминлади.

Кадастр кўрсаткичлари асосида ундирилган ягона ер солиғида бир ҳудуднинг қишлоқ хўжалик корхоналари бир хил сифатли ер учун, олаётган даромад ҳажмидан қатъий назар, ягона ер солиғини бир хил ставкада ҳисоблар эди. Бунда солиқ ставкаси бутун туман доирасида балл-бонитетларидан келиб чиқиб тасдиқланган. Ернинг меъёрий қийматидан ундириладиган ягона ер солиғи бу камчиликларни бартараф этиш мақсадида амалиётга жорий этилди. Ерларнинг меъёрий қиймати Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича давлат қўмитаси томонидан аниқлаб берилди. Ягона ер солиғини ҳисоблаб чиқаришнинг янги тартибига мувофиқ, солиқ солиш объекти бўлиб қишлоқ хўжалиги ерлари ва жамоат

⁴⁴ Ушбу тажрибага 2005 йил 1 январдан Сурхондарё вилояти, 2006 йил 1 январдан Андижон, Бухоро ва Хоразм вилоятлари, 2007 йил 1 январдан Навоий, Жиззах ва Фарғона вилоятлари ўтказилди.

иморатлари билан банд бўлган ерларнинг меъёрий қиймати ҳисобланади, бошқа ерлар учун солиқ тўланмайди.

Солиқ солиш мақсадида жамоат иморатлари деганда ушбу иморатлар билан бутун birlik ташкил этадиган ёнғинга қарши ва санитария ораликларини қўшган ҳолда қурилмалар мажмуи тушунилади⁴⁵. Бошқача қилиб айтганда, бу илгари ҳам солиқ тўланиб келинган иморатлар ва ҳовлилар билан банд бўлган ерлардир. Уларнинг майдони ҳар бир объект бўйича имтиёзларни ҳисобга олган ҳолда аниқланиши зарур.

Солиқ солинадиган майдонлар қаторига идоралар, чорвачилик ва паррандачилик фермалари, омборхоналар, қишлоқ хўжалиги техникасини таъмирлаш устахоналари ва ҳовлилари, ёқилғи-мой қуйиш пунктлари, ҳар хил мақсаддаги саноат цехлари, дала шийпонлари ва бошқа қурилмалар билан банд бўлган ерлар киради.

Жамоат иморатларининг меъёрий қиймати асосий ер сифатида қабул қилинган ерларнинг қийматига икки коэффицентини қўллаб аниқланади.

Асосий ерлар деганда, пахтачилик, сабзавотчилик, шолічилик ва тамакичилик хўжаликлари учун - суғориладиган, ҳайдаладиган ерлар; боғ ва узумчилик хўжаликлари учун - кўп йиллик дарахтзорлар эгаллаган ерлар; қоракўлчилик хўжаликлари учун - яйловлар; суғориладиган ерлардаги ғаллачилик хўжаликлари учун - суғориладиган ҳайдаладиган ерлар; лалми ерлардаги ғаллачилик хўжаликлари учун - лалми ҳайдаладиган ерлар тушунилади. Балиқчилик хўжаликларида балиқ етиштириладиган сунъий сув ҳавзалари билан банд бўлган ерларнинг меъёрий қиймати туман бўйича суғориладиган ерларнинг ўртача меъёрий қиймати бўйича қабул қилинади.

Ягона ер солиғининг ставкаси барча хўжаликлар учун ерларининг меъёрий қийматидан 2004 йилда 2 фоиз, 2005 йилда 1 фоиз, 2006 йилда 1,5 фоиз миқдорида амал қилиб, 2013 йилда 6,0 фоиз миқдорида тасдиқланган.⁴⁶

⁴⁵ Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 13 январдаги 11-сон ва 2004-10-сон қарори 3-банди.

⁴⁶ Бюджет параметрларига оид Вазирлар Маҳкамаси ва Президент қарорларидан олинган.

Ерларнинг меъерий қийматини аниқлаш учун дастлабки маълумотлар сифатида қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ихтисосланиши, қишлоқ хўжалиги ерларнинг майдони, экин майдонларининг таркиби, деҳқончилик маҳсулотларининг тури, деҳқончилик маҳсулотларининг сотилиш баҳоси, меъерий соф фойда ва айнан қишлоқ хўжалиги корхонасининг ўртача балл бонитетлари олинган. Бунда хўжалик юритиш даражаси ҳудуднинг маҳаллий хусусиятлари, ерларнинг аҳоли пунктларига ва маҳсулотни топшириш пунктларига нисбатан жойлашув ҳисобга олинади. Шундай қилиб ерларнинг меъерий қиймати ҳар бир хўжаликнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олади. Бюджетга тўланадиган ягона ер солиғининг суммаси қишлоқ хўжалиги ерлари ва жамоат иморатлари билан банд бўлган ерларнинг умумий майдонига ҳисобланган солиқ суммасидан солиқ тўланмайдиган ерларга (амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ тўланмайдиган ерлар) ҳисобланган солиқ суммасининг фарқи сифатида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$H = H_1 - H_2 ;$$

бунда:

H - бюджетга тўланадиган ягона ер солиғининг суммаси;

H_1 - қишлоқ хўжалиги ерлари ва жамоат иморатлари билан банд бўлган ерларнинг умумий майдонига ҳисобланган солиқ суммаси;

H_2 - солиқ тўланмайдиган ерларга тўғри келадиган солиқ суммаси.

Қишлоқ хўжалиги ерлари ва жамоат иморатлари билан банд бўлган ерларнинг умумий майдонига солиқ суммаси, уларнинг меъерий қийматидан ва солиқ ставкасидан келиб чиқиб, қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$H_1 = (N_1 \times C/100);$$

бунда:

H_1 - қишлоқ хўжалиги ерлари ва жамоат иморатлари билан банд бўлган ерларнинг умумий майдонига солиқ суммаси;

N_1 - қишлоқ хўжалиги ерлари ва жамоат иморатлари билан банд бўлган ерларнинг меъерий қиймати;

C - солиқ ставкаси, фоизларда.

Солиқ тўланмайдиган ерларга тўғри келадиган солиқ суммаси қишлоқ хўжалиги ерлари ва жамоат иморатлари билан банд бўлган ерларнинг меъёрий қийматидан ва солиқ ставкасидан келиб чиқиб, қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$H_2 = (N_2 \times C / 100);$$

бунда:

H_2 - солиқ тўланмайдиган ерларга тўғри келадиган солиқ суммаси;

N_2 - солиқ тўланмайдиган қишлоқ хўжалиги ерлари ва жамоат иморатлари билан банд бўлган ерларнинг меъёрий қиймати;

C - солиқ ставкаси, фоизларда.

2.6 -жадвал

Меъёрий қиймат бўйича ерларнинг таснифланиши⁴⁷

2012 йил учун

Ернинг турлари	Майдон (га)	1 гектар ернинг меъёрий қиймати, минг сўм
Жами ерлар,	73,80	
шу жумладан:		
суғориладиган ҳайдаладиган ерлар	73	2375,0
Жамоат иморатлари	0,80	

Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича давлат қўмитаси томонидан амалдаги хўжаликлар ерларининг меъёрий қиймати аниқланади. Ерларнинг меъёрий қийматини қайта аниқлаб чиқиш зарурлиги муносабати билан истисно тариқасида ягона ер солиғи бўйича ҳисоб-китобни тақдим қилиш муддати жорий йилнинг 1 май ойигача белгиланган.

Жиззах вилояти Жиззах туманида жойлашган “Мустақиллик” фермер хўжалигида (ихтисослашуви пахтачилик-ғаллачилик) Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича

⁴⁷ “Мустақиллик” фермер хўжалиги ва Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича давлат қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

давлат қўмитаси томонидан баҳоланган бир гектарининг меъерий қиймати белгиланган ерлари мавжуд. 2.6-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, хўжалик тасарруфида 73,80 га ер майдони мавжуд. Хўжалик пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашгани учун асосий ер сифатида суғориладиган ҳайдаладиган ерлар олинади ва бу ерлар жами майдоннинг асосий қисмини ташкил қилиб, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича давлат қўмитаси томонидан унинг ҳар бир гектарига меъерий қиймат 2375,0 минг сўм этиб белгиланган. Фермер хўжалиги учун суғориладиган ҳайдаладиган ерлардан ташқари бўлган ер участкаларининг хусусиятларидан келиб чиқиб меъерий қийматлар келтирилган, лекин жамоат иморатлари билан банд бўлган ерларнинг меъерий қиймати асосий ерларнинг қийматига икки коэффицентини қўллаган ҳолда аниқланади.

Меъерий қийматдан келиб чиқиб ер майдонларига алоҳида тартибда уларнинг ҳажми нуктаи-назаридан солиққа тортиладиган қиймати ҳисоблаб чиқарилади. 2.7-жадвал маълумотларидан кўринадик, таҳлил ўтказилаётган “Мустақиллик” фермер хўжалигида ерларнинг турларидан ва уларнинг меъерий қийматидан келиб чиқиб, ягона ер солиғининг суммаси жами ер майдонига 10630 минг сўмни ташкил этган.

Бюджетга тўланадиган ягона ер солиғининг суммаси ерларнинг умумий майдонига ҳисобланган солиқ суммасидан солиқ тўланмайдиган ерларга (амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ тўланмайдиган ерлар) ҳисобланган солиқ суммасининг фарқи сифатидан аниқланади. “Мустақиллик” фермер хўжалигида қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган солиқ тўланмайдиган ер участкалари мавжуд бўлмаганлиги учун ҳайдаладиган 73 гектарлик асосий ер майдони ва 0,80 гектарлик жамоат иморатлари жойлашган ерлар учун 10630 минг сўм бюджетга тўланадиган солиқ суммаси бўлиб ҳисобланади.

**Ерларнинг меъёрий қийматидан ягона
ер солиғи ҳисоб-китоби⁴⁸**

2012 йил учун

Ернинг турлари	Майдон, га	Меъёрий қиймати, минг сўм		Солиқ ставкаси, %	Солиқ суммаси, минг сўм (сатр 4 x сатр 5/100 x 1000)
		1 га	Жами майдоннинг (сатр 2 x сатр 3)		
1	2	3	4	5	6
Жами ерлар шу жумладан:	73,80	х	177175,0	6,0	10630,0
суғориладиган ҳайдаладиган ерлар	73	2375,0	173375,0	х	х
жамоат иморатлари	0,80	4750,0	3800,0	х	х

Молия йили давомида ер участкаларининг таркиби ва майдон ҳажми ўзгарган тақдирда ягона ер солиғининг қайтадан қилинган ҳисоб-китоби давлат солиқ хизмати органларига солиқ тўловчи томонидан ҳисобот йилининг 1 декабригача бюджетга қайтадан ҳисоб-китоб қилинади.

Фикримизча, фермер хўжаликлари фаолият олиб боришларига кўмаклашувчи инфратузилма объектлари қурилган жамоат ерлари асосий ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этмайди. Демак, бу ерлардан фойдаланиш товар ишлаб чиқариш ҳажмига ҳеч қандай таъсири йўқ. Шу мақсадда жамоат иморатлари эгаллаган ер участкалари ҳам асосий ерлар учун белгиланган қиймат бўйича солиққа тортилса мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

⁴⁸ “Мустақиллик” фермер хўжалиги ва Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича давлат қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Солиқлар ва мажбурий ажратмаларнинг жами тўловлардаги салмоғи⁴⁹

2012 йил

№	Кўрсаткичлар	“Асилбек Абдиназар ўғли” фермер хўжалиги, ер майдони 53 га, (деҳқончилик ва хизмат кўрсатиш)		“Ҳосил” фермер хўжалиги, ер майдони 25 га, (деҳқончилик ва савдо)		“Меҳр” фермер хўжалиги, ер майдони 12 га, (деҳқончи-лик)	
		минг сўм	фоиз	минг сўм	фоиз	минг сўм	фоиз
1.	Ягона ер солиғи	1221,5	21,6	843,9	8,5	371,4	41,9
2.	Ягона солиқ тўлови	1430,5	25,3	7351,7	74,2	-	-
3.	Ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар жами, шу жумладан:	2799,2	49,4	1432,5	14,5	481,8	54,3
а)	ягона ижтимоий тўлов	1427,7	25,2	674,8	6,8	237,5	26,7
б)	бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадали	148,7	2,7	70,3	0,7	23,7	2,8
в)	бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратма	267,5	4,7	150,4	1,5	48,2	5,4
г)	Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратма	573,2	10,1	322,2	3,3	103,4	11,6
д)	Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига мажбурий ажратма	382,1	6,7	214,8	2,2	69,0	7,8
4.	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	212,4	3,7	276,0	2,8	32,9	3,8
Жами тўловлар		5663,6	100	9904,1	100	886,1	100

2.8-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, “Асилбек Абдиназар ўғли” фермер хўжалигининг асосий фаолияти деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган бўлиб, унинг тасарруфида 53 га ер майдони мавжуд. Лекин фермер хўжалиги асосий фаолиятга қўшимча равишда қишлоқ хўжалик техникалари билан хизмат кўрсатиш фаолияти билан ҳам шуғулланади. 2012 йилда фермер хўжалиги томонидан 5663,6 минг сўм маблағ бюджет ва мақсадли жамғармаларга ўтказилган, уларнинг таркибида ягона ер

⁴⁹ Фермер хўжаликларининг йиллик статистик ҳисобот маълумотлари асосида тузилди.

солиғи 1221,5 минг сўмни ташкил этиб, жами тўловларга нисбатан 21,6 фоизни ташкил қилган. Қишлоқ хўжалик техникалари билан хизмат кўрсатиш фаолиятидан 1430,5 минг сўм ягона солиқ тўловини тўлаган ва жами тўловларга нисбатан 25,3 фоизни ташкил этган. Фермер хўжалиги томонидан ижтимоий жамғармаларга қилинган ажратмалар салмоқли ҳажмга эга бўлиб, 2799,2 минг сўм ёки жами тўловларнинг 49,4 фоизини ташкил қилган.

“Ҳосил” фермер хўжалиги ҳам асосан деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган бўлиб, унинг тасарруфидаги ер майдони 25 гектарни ташкил қилади. Фермер хўжалиги қўшимча тарзда савдо фаолиятини ҳам олиб боради. 2012 йилда асосий фаолият юзасидан 843,9 минг сўмлик ягона ер солиғини бюджетга тўлаган ва у жами тўловлар таркибида 8,5 фоизни, савдо фаолияти бўйича тўланган ягона солиқ тўлови 7351,7 минг сўм бўлиб, жами тўловларнинг 74,2 фоизини, ижтимоий жамғармаларга ажратмалар 1432,5 минг сўм ёки жами тўловларга нисбатан 14,5 фоизни ташкил этган.

“Меҳр” фермер хўжалиги асосан деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланиб, унинг тасарруфидаги ер майдони 12 гектарни ташкил этади. Фермер хўжалиги 2012 йилда жами 886,1 минг сўм бюджетга ва мақсадли жамғармаларга тўловлар ўтказиб берган бўлиб, уларнинг таркибида ягона ер солиғи 41,9 фоизни, ижтимоий жамғармаларга ажратмалар 54,3 фоизни ташкил қилган. Фермер хўжаликларининг жами тўловлари таркибида ижтимоий жамғармаларга мажбурий ажратмалар салмоғининг ягона ер солиғига нисбатан юқорилиги учун уларнинг молия-хўжалик фаолиятини рағбатлантириш мақсадида мажбурий ажратмалар юзасидан имтиёзлар тизимини яратиш ўзининг ижобий самарасини беради.

Маълумотлар таҳлиliga эътибор қаратадиган бўлсак, фермер хўжаликларидан ундирилаётган тўловлар таркибида қўшимча фаолиятдан ҳисобланган солиқлар салмоқли ҳажмни ташкил этган. Фермер хўжаликларини солиққа тортиш борасидаги асосий фаолиятдан ташқари юритилаётган муқобил фаолиятдан солиқ ундириш муаммоси мавжуд эди. Солиқ амалиётида

фермер хўжаликларига ягона ер солиғи жорий қилингандан бошлаб то 2003 йилгача агар улар асосий ишлаб чиқариш фаолияти билан биргаликда бошқа тадбиркорлик фаолиятлари билан шуғуллансалар, қўшимча солиқ турларини тўлаши лозимлиги ёки лозим эмаслиги борасида турли хил баҳс мунозаралар юзага келган. 2003 йил 1 январдан бошлаб ягона ер солиғи тўловчиларига солиш тартибига баъзи қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритилди. Бу масала Вазирлар Маҳкамасининг 539-сон қарорига⁵⁰ киритилган ўзгаришларда ўз ифодасини топди ҳамда ягона ер солиғи тўловчилари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш билан бир қаторда фаолиятнинг бошқа турлари билан шуғуллансалар, улар бўйича алоҳида ҳисоб юритишлари ва фаолиятнинг бошқа турлари бўйича амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқларни тўлаши шартлиги кўрсатиб ўтилди.

Умуман олганда, ушбу ҳолатнинг амалга киритилиши фермер хўжаликларини асосий фаолият билан самарали шуғулланишга даъват этди, муқобил тадбиркорлик соҳаларида яратилаётган даромадларни ҳам солиққа тортиш имкониятини яратиб берди.

Таҳлил натижаларидан хулоса қилиш мумкинки, фермер хўжаликлари ягона ер солиғининг асосий тўловчилари бўлиб шаклланган ва уларнинг тасарруфида бўлган ер участкалари кўпайишига монанд равишда солиқ суммасининг салмоғи ҳам ошиб борган.

2.3. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятининг самарадорлигини таъминлашда солиқларнинг рағбатлантирувчанлик ролини ошириш

Амалиётда фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолиятига таъсир қилувчи бир қатор омиллар мавжудлигини эътироф этган ҳолда уларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- бевосита таъсир этувчи омиллар;

⁵⁰ Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 26 декабрдаги “Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғининг муваққат базавий ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори.

- билвосита таъсир этувчи омиллар.

Бевосита таъсир этувчи омиллар бозор иқтисодиётининг асосий қонунлари: талаб ва таклиф, нарх-наво, рақобат ва ҳақозалардир.

Билвосита таъсир этувчи омилларга эса қарзга олинган кредит маблағларининг ҳаракати, тўғри ва эгри харажатларнинг меъёрдан ошиши ҳамда ундириладиган солиқлар ҳамда йиғимлардан иборатдир.

Биз юқоридаги омилларнинг асосийси ҳисобланган солиқларга эътиборни қаратамиз. Иқтисодиётда ҳаракатда бўлган солиқлар турли хилдаги вазифалари, функциялари, тамойиллари ҳамда белгиларига маълум маънода тавсиф берилган ҳолда ўрганилади ва жорий қилинади. Солиқларнинг мажбурийлиги, давлат бюджетига келиб тушиши, қайта тақсимланиши, кўпроқ ижтимоий соҳаларни молиялаштиришга сарфланиши барчамизга маълумдир. Лекин солиқларнинг амалиётда ўзига хос бўлган яна битта хусусияти намоён бўладиги, бу бевосита солиқ тўловчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлиб, бунда солиқлар хўжалик субъектларининг иқтисодий барқарорлигига таъсир этувчи восита сифатида юзага чиқади.

Фикримизча, деҳқон ва фермер хўжаликларини тараққий эттириш билан боғлиқ муносабатларга баҳо бермасдан туриб, унинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш мумкин эмас. Иқтисодий барқарорликнинг асосий мезонлари пухта яратилмаса, ишлаб чиқаришнинг ҳамма омиллари ҳаракатини тўлиқ намоён қилмайди. Масалан, фермер хўжалигининг ялпи даромади йилдан йилга ўсиб бормоқда. Бу хўжалик фаолияти ижобий йўналишда бораётганлигини кўрсатади. Аммо бу ўсиш нима ҳисобига эришилаётганлиги, қайси омиллар қандай таъсир этаётганлиги, келажакда қайси омилга кўпроқ эътибор бериш кераклигини кўрсатмайди.

Фермер хўжалиги фаолияти ва ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлигини аниқлашда қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларини эсдан чиқармаслик лозим. Чунки биологик жараён ва турли табиий иқлим шароитлари ишлаб чиқариш натижаларига турлича таъсир этади. Фермер

хўжаликлари бир хил меҳнат сарф қилган ҳолда турли шаклларда ва турли йилларда турли натижаларга эришиши мумкин.

Фермер хўжаликлари фаолиятига баҳо беришда мавжуд кўрсаткичларни икки гуруҳга ажратиш мумкин, яъни:

- натура кўрсаткичлари;
- қиймат кўрсаткичлари.

Натура кўрсаткичлари иқтисодий самарадорликни бевосита ифода қилмасда, бу кўрсаткичларсиз тадбирга тўлиқ баҳо бериб бўлмайди. Чунки натура кўрсаткичлари жараённинг интенсивлигини ифодалайди. Қишлоқ хўжалигининг хусусиятига кўра, ер асосий восита бўлганлиги, у табиатан чекланганлиги, бошқа воситалар каби инсон уни хоҳлаганича кўпайтира олмаслиги, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни интенсив бўлишини зарурият қилиб қўяди. Шунинг учун 1 гектар ердан олинадиган маҳсулот, яъни ҳосилни, чорва маҳсулдорлигини ошириш, ҳар бир фермер хўжалигининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Фермер хўжалигида олинган маҳсулот ва даромад турли ишлаб чиқариш омилларининг ўзаро интеграл (функционал) алоқа натижаси бўлганлиги учун қиймат кўрсаткичларидан фойдаланилади. Қиймат кўрсаткичлари нафақат ўлчов вазифасини ўтайди, балки иқтисодий мазмунга эга бўлиб, товар-пул муносабатларини ҳам ифода этади.

Иқтисодий самарадорликни ифода этувчи энг асосий кўрсаткичлар қуйидагилардир:

1. Ялпи маҳсулотни шу маҳсулотни етиштириш учун сарфланган жонли ва буюмлашган харажатлар қийматига нисбати:

$$Исм = \frac{ЯМ}{ИХ + К * АФ};$$

бунда:

Исм – иқтисодий самара;

ЯМ – ялпи маҳсулот қиймати;

ИХ – жорий ишлаб чиқариш харажатлари;

K – асосий фонд ва капитал сарфларидан фойдаланиш коэффиценти;

$АФ$ – фермер хўжалигининг асосий фондлари;

Ялпи маҳсулот фермер хўжалиги асосий фаолиятининг натижавий кўрсаткичи ҳисобланади. Ялпи маҳсулот корхона хўжалик ҳисоби фаолияти учун жорий баҳоларда маълум таҳлилий хулосалар чиқариш, мавжуд ресурслардан (меҳнат, моддий в.х.) фойдаланиш диманикасини аниқлаш мақсадида қиёсий, яъни таққослама баҳоларда ҳисобга олиб борилади. Фермер хўжалиги қанча кўп ва сифатли маҳсулотлар етиштирса, уларни юқори баҳоларда сотса, шунча кўп ялпи маҳсулот етиштирган бўлади. Бундан ташқари маҳсулот етиштириш учун қанча кам маблағ сарф қилган бўлса, шунча кўп самара олган бўлади. Бу формула маҳсулот етиштириш учун хўжалик қанча кам жорий сарф харажат ва асосий фондларни жалб қилган бўлса шу харажатлар бирлигига кўпроқ маҳсулот етиштирганлигини ифода қилади.

Масалан, фермер хўжалиги 2006 йилда 50 млн.сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиққан. Жорий харажатлар асосий воситаларни амортизациясидан ташқари 30 млн.сўмни ташкил қилган. Асосий фондлар қиймати жами 60 млн.сўмни ташкил этган бўлса, фермер хўжалигида жами сарфларнинг бир сўмига етиштирилган ялпи маҳсулот 1,3 сўмни ташкил этади.

$$HC = \frac{50\text{млн}}{30\text{млн} + 0,14 * 60} = \frac{50\text{млн}}{30\text{млн} + 8,4\text{млн}} = \frac{50}{38,4} = 1,3$$

Асосий фондлар ва капитал сарфлардан фойдаланиш ёки инвестиция самарадорлик коэффицентининг меъёрий даражаси халқ хўжалиги учун 0,14 қилиб қабул қилинган. Шу меъёрий даражага кўра харажатларни бир хиллик ўлчовга келтириш учун шу коэффицентдан фойдаланилади.

2. *Ялпи даромаднинг уни яратган сарф-харажатларга нисбати:*

$$ИСД = \frac{ЯД}{ИХ + К * АФ};$$

бунда:

ЯД – фермер хўжалигининг ялпи даромади;

Ялпи даромад (хўжаликнинг соф маҳсулоти) ҳамма шаклидаги корхоналар учун жуда катта аҳамиятга эга. Чунки бу даромад ҳам истеъмол, ҳам корхонани кенгайтириш, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш учун асосий маблағ манбаи ҳисобланади. Ялпи даромад миқдори фермер хўжалигининг ялпи маҳсулоти ҳажмидан шу маҳсулотни етиштириш учун кетган материал ва хизматлар қийматини чегириб ташлаш орқали аниқланади.

Масалан, фермер хўжалигининг 2006 йилга ялпи маҳсулоти қиймати 50 млн. сўмни ташкил этиб, сарфланган материал харажатлари (уруғлик, ёқилғи, ем-хашак), транспорт ва бошқа хизматлар қиймати - 20 млн. сўм бўлган бўлса, унда хўжаликнинг ялпи даромади 30 млн. (50 млн - 20 млн) сўмни ташкил этади.

Бунда:

$$ИС\delta = \frac{30}{30 + 0,14 * 60} = \frac{30}{38,4} = 0,78$$

Ҳисоб-китоб натижасига кўра аниқ бўлдики, 1 сўмлик жами сарфланган харажатларга етиштирилган ялпи даромад 0,78 сўмни ташкил қилади. Харажатларнинг бир бирлигига етиштирилган ялпи даромад қанча кўп бўлса, фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлиги шунча юқори бўлади. Ҳар бир фермер хўжалиги 1 сўмлик жами сарфланган харажатларга қанча кўп ялпи даромад етиштириш учун маҳсулот ҳажмини ошириши кўпайтириши керак, чунки хўжалик ер майдонини ўз ҳоҳишига кўра кўпайтириш имконига эга эмас, шунинг учун маҳсулот етиштиришнинг интенсив йўлидан, яъни экинлар ҳосилдорлигини ошириш, бозорда талаб юқори бўлган маҳсулотларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларнинг юқори сифатли бўлишига эришиш ҳамда харидорларга мақбул баҳоларда сотишга ҳаракат қилади.

3. *Меҳнат унумдорлиги.* Бу кўрсаткич фермер хўжалигида меҳнат самарадорлигини кўрсатади. Фермер хўжалигида ўртача йиллик ходимлар сони, сарфланган киши-куни, киши-соатига етиштирилган ялпи маҳсулот ва ялпи даромад миқдори билан ифодаланади.

4. *Маҳсулот таннархи.* Бу кўрсаткич ишлаб чиқаришга ва фермер хўжалиги фаолиятига иқтисодий баҳо беришда жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, бир йилда етиштирилган маҳсулотга қанча жорий харажатлар қилинганлигини ифода этади. Эркин рақобат амал қилган бозор иқтисоди шароитида ҳар бир корхона маҳсулотининг нархи бозор баҳосига катта таъсир этолмайди. Аммо етиштираётган маҳсулотига қилинаётган харажатлар даражаси, яъни маҳсулот таннархи хўжалик фаолиятига бевосита боғлиқ. Шунинг учун деҳқон ва фермерлар харажатларни камайтирадиган технологияларни қўллашга, экинлар ҳосилдорлигининг, чорва маҳсулдорлигининг устун даражада ўсишини таъминлашга, маҳсулот бирлиги харажатларини камайтиришга, таннархни пасайтиришга эришиши лозим, унинг натижаси ялпи даромад ҳамда фойдани кўпайтиришга олиб келади.

Қишлоқ хўжалиги товарлари етиштирувчиларнинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилишда ишлаб чиқаришнинг асосий ресурслари (омиллари) бўлган ердан ва асосий ҳамда айланма фондлардан самарали фойдаланишни ифода этувчи кўрсаткичлардан фойдаланиш керак. Бунда бир гектар қишлоқ хўжалигига яроқли ерда етиштирилган ялпи маҳсулот ва ялпи даромад, 1 сўмлик асосий ва айланма фондлар иштирокида етиштирилган ялпи маҳсулот (фонд қайтими) ёки 1 сўмлик ялпи маҳсулотга тўғри келадиган фондлар (фонд сиғими), айланма фондларнинг айланиш коэффициенти ва ҳакозалар. Шу ўринда қуйидаги хулоса келтирилади, иқтисодий самарадорликка эришилгандан сўнггина иқтисодий барқарорлик таъминланади.

Бизнингча, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари фаолиятининг иқтисодий барқарорлигига таъсир этувчи муҳим жиҳатлар мавжуд ҳамда улар қуйидаги йўналишларда мужассам этилгандир.

Биринчи йўналиш. Ташкилий тадбирларни имкон қадар камайтириш, яъни бу ҳолатни солиқ ҳисоб-китоблари миқдориغا боғлиқ равишда асослаш.

Иккинчи йўналиш. Танлаб олинган деҳқон ва фермер хўжаликлари доирасида, уларнинг молиявий натижалари билан солиқ суммалари нисбатини қиёсий таққослаш.

Учинчи йўналиш. Деҳқон ва фермер хўжаликларини зиммасидаги солиқ юкини таҳлил қилиш ҳамда уни камайтириш масаласи.

2.9-жадвал

Деҳқон хўжаликлари томонидан солиқ органларига тақдим этиладиган ҳисоб-китобларнинг таққослама таҳлили⁵¹

№	Солиқлар ва унга тенглаштирилган Тўловлар	Солиқ органларига 2008 йилгача тақдим этилган ҳисоб-китоблар сони		Тавсия бўйича солиқ органларига тақдим этиладиган ҳисоб-китоблар сони	
		Юридик шахс ташкил этгани	Юридик шахс ташкил этмагани	Юридик шахс ташкил этгани	Юридик шахс ташкил этмагани
1.	Ер солиғи	1	-	1	1
2.	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	1	-	-	-
3.	Мол-мулк солиғи	4	-	-	-
4.	Пенсия жамғармасига мажбурий ажратма	12	-	4	-
5.	Йўл жамғармасига мажбурий ажратма	12	-	4	-
6.	Таълимни ривожлантириш жамғармасига мажбурий ажратма	12	-	4	-
7.	Пенсия жамғармасига суғурта бадали	-	12	-	4
Жами:		42	12	13	5

⁵¹ Солиқ қонун ҳужжатлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Дехқон хўжаликлари фаолиятида солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш бўйича таҳлил ўтказганимизда (2.9-жадвалга қаранг), юридик шахс ташкил этган хўжаликлар йил давомида солиқ органига 42 марта, юридик шахс ташкил этмаганлари 12 марта ҳисобот топшириши лозимлиги аниқланди. Бу тадбирни камайтириш учун солиқлар ва унга тенглаштирилган тўлов бўйича ҳисоб-китобларни қисқартириш тавсия этилди. Мазкур жараёнда уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятлари мавсумий эканлиги ҳам инобатга олинган. Умуман олганда тавсия амалга оширилса, деҳқон хўжаликлари томонидан солиқ органига топшириладиган ҳисоб-китоблар кескин камаяди ҳамда уларга асосий фаолият билан узлуксиз шуғулланишларига имконият яратади.

Тадқиқот натижаларига кўра қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ягона ер солиғига ўтилгунга қадар солиқ органига 33-31 мартаба солиқ турлари бўйича ҳисоботлар топширишган ҳамда ҳисоботлари кечиктириб топширишганликлари учун 10 фоизли жарима, бюджетга ҳисобланган солиқлар ва мажбурий ажратма суммаларини ўз муддатида ўтказмаганликлари учун пеня тўланганлар. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун солиқ-ҳисоб китобларини камайтириш орқали уларга иқтисодий ислоҳот ва ижтимоий муносабатлар негизида кенг эркинликлар бериш, яъни ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, унинг натижасида етиштирилган маҳсулот ҳамда даромадни тасарруф қилишда қулай муҳит яратиш, ишлаб чиқаришда манфаатдорлик ва жавобгарликни таъминлашдан иборатдир.

Мамлакат иқтисодиёти хўжалик юритишнинг бозор услубларига ўтгандан бошлаб солиққа тортиш жараёни ривожланиб ва такомиллашиб бормоқда. Иқтисодий ислоҳотлар негизида бу тизимда ҳам сезиларли ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. Масаланинг ўзига хос томони шундаки, солиқ тизими дунёдаги ривожланган мамлакатлар тажрибасига асосланган ҳолда ишлаб чиқилмоқда, унинг моҳияти ва мазмуни мавжуд солиқ тизимларига мувофиқ келади.

Иқтисодиёти бозор қонунлари асосида бошқариладиган мамлакатларда солиққа тортиш тизимини мунтазам равишда такомиллаштириб бориши табиий жараён ҳисобланади. Бозор муносабатлари ривожланишига қараб бу тизим таркиби ва тузилишига аниқлик киритиб борилади ҳамда солиқларнинг айрим турлари аҳамияти йўқолиб, ўрнини бошқа, анча такомиллашган замонавий солиқ турларига бўшатиб беради. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун жорий қилинган ягона ер солиғи фикримиз далили сифатида солиқ тизимида ҳаракат қилмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, иқтисодиётнинг ҳар хил тармоқларини тадбиркорлик билан равақ топтирадиган хўжаликлар иқтисодий фойдани қўлга киритадилар, фақат деҳқончилик билан шуғулланадиган хўжаликлар эса, солиқни илгари тўлаганига нисбатан кўпроқ миқдорда тўлашлари лозим бўлган, негаки деҳқончиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида аввалги солиқ тўлаш тартибида даромадни камайтириб кўрсатиш, ерни келишилган йўл билан хуфёна тарзда бошқа бировга вақтинча фойдаланиш учун сотилиб юборишларига имкон бўлган бўлса, ягона ер солиғининг жорий этилиши бундай ҳолатларга чек қўйди.

Монографиянинг иккинчи боби бўйича қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1) Деҳқон хўжаликларини солиққа тортиш бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан фарқланади ҳамда асосий солиқ тури ер солиғи ҳисобланади ва уларга ер участкалари чегараланган миқдорда ажратилиб берилади;

2) Деҳқон хўжаликларига суғориладиган ерларга солиқ ставкасини белгилашда ер участкаларининг аҳоли пунктлари ва ундан ташқарида жойлашганлиги мезон сифатида олинган бўлса, лалми ерларга маҳсулот етиштиришдаги таваккалчиликлар асосида белгиланган;

3) Фермер хўжаликларини солиққа тортишда ҳаракатда бўлган услубият соддалаштирилган солиқ тизимини тўлиқ тавсифлаб бермайди, яъни

солиқларга тенглаштирилган тўловларни тўлаши ва бошқа фаолият учун алоҳида солиқ ҳисобини юритилиши фикримизга асос бўлиб ҳисобланади;

4) Ягона ер солиғи бўйича амал қилаётган услубиятда асосий мезон сифатида ернинг меъёрий қиймати олинган. Солиқ ундириш жараёнида ернинг меъёрий қийматига тез-тез ўзгартириш киритиб туришга эҳтиёж сезилади. Чунки ер табиий ресурс сифатида ўзгарувчанлик хусусиятига эгадир;

5) Фермер хўжаликлари томонидан ҳисобланаётган солиқларга тенглаштирилган тўловлар харажат нуқтаи-назаридан маҳсулот таннархига олиб борилади ва ўз навбатида унинг ошишига сабаб бўлади. Бу ҳолат маҳсулот сотилишини секинлашишига ҳамда ундан олинадиган ялпи даромад миқдорининг камайишига олиб келади.

3-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ УСЛУБИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиққа тортиш бўйича муаммолар ва уларни бартараф этиш масалалари

Аграр соҳада ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсади қишлоқда ҳақиқий мулкдорларни, мулк эгаларини шакллантириш йўли билан тикланмайдиган табиий ресурсларга, мулкка, меҳнатга муносабатини тубдан ўзгартиришдир. Қишлоқ хўжалиги моддий ишлаб чиқаришнинг асосий ва қадимги тармоқларидан бири бўлиб, жамият аъзоларига озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий қисмини ҳамда саноат учун хом-ашёнинг аксарият қисмини етказиб беради. Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларнинг такомиллашувига маҳаллий ҳудудларда янги ер участкаларининг ўзлаштирилиши, мулкчиликнинг жаҳон амалиётида устивор деб ҳисобланган шакллари татбиқ қилиниши асосий ишлаб чиқариш жараёнларига бозор қонуниятларининг барча назарий ҳамда амалий тажрибалари жорий этилаётганлиги билан изоҳланади. Мамлакатимиз аҳолисининг салкам 64 фоизи⁵² қишлоқ жойларда ҳаёт кечириб фаолият юритмоқдалар, шу туфайли уларни иш билан таъминлаш, ҳудудларнинг иқтисодий мустақиллигини ошириш ва ниҳоят ижобий ижтимоий - иқтисодий ҳолатни юзага келтириш зарур.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар кўп жиҳатдан мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгартиришларни амалга оширишга қаратилган, чунки соҳада кенг турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, халқ фаровонлигини ошириш ва мамлакатнинг иқтисодий қудратини юксалтириш имкониятлари мавжуд.

⁵² Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, статистик ахборотнома. –Тошкент, 2007. –Б. 10.

Мамлакатимиз ишлаб чиқариш ва интеллектуал салоҳиятининг ярмидан ортиғи муайян тарзда бевосита қишлоқ хўжалиғи билан боғлиқлиғи фикримиз далили ҳисобланади.

Айтиш мумкинки, қишлоқ хўжалиғини ривожлантириш мақсадида ҳукуматимиз томонидан турли иқтисодий тадбирлар амалга оширилмоқда. Ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларнинг тажрибаларидан келиб чиқиб, республикамызда иқтисодиётда ўз фаолияти билан тез мослашувчанлик хусусиятига эга бўлган деҳқон ва фермер хўжаликларига давлат томонидан катта эътибор қаратилмоқда, яъни уларни ўз меҳнат воситаларини жамғариши, молиявий мустақилликка эришишлари учун турли кўринишдаги ёрдамчи инфратузилмаларни барпо этмоқда. Ҳозирги кунда деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш эркин бозор хўжалиғига ўтишнинг бош мезони ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиғи товарлари ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий барқарорлиғини таъминлашга, меҳнат натижаларидан иқтисодий манфаатдорлиғини оширишга иқтисодиётда ҳаракатда бўлган солиқ механизми бевосита таъсир этади. Самарали амал қилаётган солиқ механизми фақатгина давлат бюджети учун маблағ тўплаб қолмасдан, балки қишлоқ хўжалиғи товар ишлаб чиқарувчиларини рағбатлантириш ҳамда барқарор молиявий манбага эга бўлишларига фаол ёрдам кўрсатиши даркор.

Ўтказилаётган солиқ ислохотларининг амалий натижаси асосан ҳаракатдаги солиқларни соддалаштириш ва бирхиллаштириш, давлат бюджети билан ҳисоб-китоб механизмларини такомиллаштириш, солиқлар ҳисобини юритиш харажатларини камайтириш мақсадида умумлаштирилган солиқ турларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этишга қаратилган. Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида оқилона ишлаб чиқилган солиқ сиёсати орқали ҳаракатга келтирилаётган солиқ механизми халқ хўжалиғининг ҳар бир соҳасига ўзининг амалий таъсирини ўтказмоқда.

Фикримизча, деҳқон ва фермер хўжаликлари солиққа тортиш жараёнидаги муаммолар қуйидагилардан иборатдир:

1. Кенг қамровли солиқ имтиёзлари ишлаб чиқилмаганлиги;
2. Солиқлар ва унга тенглаштирилган тўловларни тўлаш муддатларини қулай ҳолатга келтирилмаганлиги;
3. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига давлат томонидан субсидиялар ажратилмаслиги;
4. Соҳага хорижий инвестициялар жалб қилинишига қулай муҳит яратилмаганлиги;
5. Қишлоқ хўжалиги техникалари бўйича лизинг муносабатларининг самарали ташкил қилинмаганлиги.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари фаолиятини солиққа тортишда муаммоли масалалардан бири сифатида солиқ имтиёзларини эътироф этдик. Амалда солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланиш мақсадида уларни мукамал жорий этишда қуйидаги гуруҳларга ажратдик:

биринчидан, деҳқон хўжаликлари фаолият самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган имтиёзлар таркибини ишлаб чиқиш;

иккинчидан, фермер хўжаликларига тақдим этилган имтиёзлар бир томонлама, яъни фақатгина ер участкаларига нисбатан берилганлигини қайд этган ҳолда, уларга нисбатан кенг қамровли имтиёзлар тақдим этиш;

учинчидан, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалик корхоналарига етказиб бериладиган минерал ўғитлар ва ёнилғи-мойлаш материалларига нисбатан қўшилган қиймат солиғи бўйича қўлланилган ноллик ставкани қайтадан жорий қилиш.

Биринчи гуруҳга киритилган деҳқон хўжаликлари ишлаб чиқариш фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган имтиёзлар қуйидаги йўналишларда тақдим этилиши лозим:

1. Дехқон хўжаликлари тасарруфида бўлган, қишлоқ хўжалиги товарлари ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш соҳасидаги асосий фаолият турига тегишли мол-мулкларни солиқдан озод қилиш;

2. Дехқон хўжаликлари ер ости сув ресурсларини ўз мулкидан мавжуд бўлган сувни пастдан чиқариш агрегатлари орқали қазиб олиб, ундан қишлоқ хўжалиги товарлари етиштириш мақсадида фойдалансалар, мазкур сув ресурслари ҳажмини солиқдан батамом озод этиш.

Иккинчи гуруҳда фермер хўжаликларига тақдим этилган имтиёзлар бир томонлама, яъни фақатгина ер участкаларига нисбатан берилганлигини таъкидладик. Фермер хўжаликлари фаолиятини рағбатлантирадиган кўшимча солиқ имтиёзларини қуйидаги кўринишларда ишлаб чиқиш лозим:

1. Солиқ кредити кўринишида, яъни солиқлар ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича маблағларни фермер хўжаликлари фаолиятига қайтадан жалб қилиш. Бу имтиёзнинг афзаллиги шундаки, фермер хўжалиги томонидан олинadиган банк кредитларига бўлган талаб миқдори сезиларли даражада камаяди. Шу билан бир қаторда банк кредитлари учун ҳужжатлар расмийлаштирилуви, фоиз тўловлари, навбат кутишлар каби ҳолатларга қисман бўлсада чек қўйилади;

2. Янги ташкил этилган фермер хўжаликлари учун мақсадли жамғармаларга ажратилadиган мажбурий ажратмалар бўйича имтиёзлар тизимини яратиш. Мазкур имтиёзлар амалдаги меъёрий ҳужжатларда назарда тутилмаган, унинг ишлаб чиқилиши янги фаолият бошлаётган фермерларнинг молиявий аҳволини рағбатлантиради. Фермер хўжаликлари учун мажбурий ажратмалардан бири бўлган ягона ижтимоий тўлов бўйича имтиёзли ставкани қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

**Фермер хўжаликлари учун ягона ижтимоий тўловнинг
имтиёзли ставкасини қўллаш тартиби⁵³**

№	Кўрсаткичлар	Амалдаги тартиб	Тавсия этилаётган тартиб	Фарқи +/-
1.	Жами иш ҳақи фонди, минг сўм	5948,7	5948,7	-
2.	Ягона ижтимоий тўлов ставкаси, фоиз	25	15	-10
3.	Ягона ижтимоий тўлов суммаси, минг сўм	1487,2	892,3	+594,9

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, амалдаги тартиб бўйича ягона ижтимоий тўлов иш ҳақи фондига нисбатан 25 фоизлик ставкада ҳисобланмоқда ва шартли мисолда тўлов суммаси 1487,2 минг сўмни ташкил қилган. Фермер хўжаликлари учун ягона ижтимоий тўлов ставкасини 15 фоиз этиб белгилаш мақсадга мувофиқдир, шартли мисолда тавсия этилган имтиёзли ставкада иш ҳақи фондига нисбатан 892,3 минг сўм тўлов суммаси ҳисобланади. Ягона ижтимоий тўлов ставкасининг 10 пунктга камайтирилиши фермер хўжалиги тасарруфида 594,9 минг сўмлик маблағни қолдириш имкониятини келтириб чиқариб, хўжаликда маълум бир миқдордаги молиявий маблағни фаолиятга қайтадан жалб қилишга хизмат қилади. Шу билан бир қаторда иш ҳақини натура ёки “конверт” усулида тўлашнинг олди олинади ва бу биринчи навбатда пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар миқдори кўпайишига хизмат қилса, иккинчидан аҳолини иш билан узлуксиз таъминлаш имкониятини яратади.

3. Фермер хўжалиги аъзоларининг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида, жисмоний шахслар даромадларидан олинadиган солиқ бўйича уларга имтиёзли солиқ ставкасини тақдим этиш, яъни ҳозирда амалиётда

⁵³ Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

қўлланилаётган уч босқичли шкалани фермер хўжаликлари учун бир босқичли шкалага ўтказиш ҳамда энг қуйи ставкада солиқ ундиришни жорий қилиш. Бу ўз навбатида фермер хўжалиги абзоларининг меҳнат фаолиятини рағбатлантириш билан бирга, молия ҳисобчиси бўлмаган хўжаликларда солиқ ҳисобини тўғри ташкил қилиш имкониятларини яратиб беради.

4. Мажбурий ажратмаларни тўлаш муддатларини қишлоқ хўжалиги-нинг мавсумийлигидан келиб чиқиб белгилаш ёки тўлов муддатларини кечиктириш шаклидаги имтиёзларни тақдим этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари фаолиятини рағбатлантирадиган йўналишлардан бири солиқлар ва унга тенглаштирилган тўловларни тўлаш муддатларини қулай ҳолатга келтириш ҳисобланади. Амалиётда бу борада бир қатор муаммолар юзага келаётганлиги фикримизни янада асослашга хизмат қилади. Фермер хўжаликлари учун ҳам шу жараёнга оид масалалар долзарб муаммолардан бири эканлигини қуйидаги фикр орқали билиб олишимиз мумкин.

Далаларимизга биз сентябрдан дон экамиз, бу келгуси йил ғалласи. Унгача одамлар далада ишлашади, тегишинча, уларга иш ҳақи ёзилади. Ҳосил эса кейинги йилнинг июнь-июль ойларида топширилади, биз билан охириги ҳисоб-китоблар ундан ҳам кейин, энг маъқули август-сентябр ойларида қилинади. Ҳисоботларимизда ҳозирнинг ўзидаёқ Пенсия жамғармасига ажратмалар миқдори кўрсатилади. Ҳисоб-китобни топширганимиздан сўнг 3-4 кун ўтгач бу пулга пеня ёзила бошлайди. Пенянинг ўзи бир йилда 2-3 миллион сўмга етиб қолади.⁵⁴ Кўриниб турибдики, фермер хўжаликлари мақсадли жамғармалар учун ажратаётган мажбурий ажратмаларига етарли маблағ ҳосилни сотиш жараёни яқунланганидан сўнг пайдо бўлмоқда.

⁵⁴ Фарғона водийсида фермерлик: Хуш келибсиз, ёки Бегоналар учун... // Солиқлар ва божхона хабарлари газетаси. –Тошкент, 2005. - №39 (479). –Б. 6-7.

Иқтисодий ислохотлар жараёнидаги яна бир муҳим масала қишлоқ хўжалигида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сусти суръатлар билан ташкил этилишидир. Ушбу масалани жонлаштириш мақсадида фермерларда ташқи иқтисодий муносабатларни амалга оширишда қўлланиладиган шартнома шакллари, инвестиция сиёсатини, уни амалда қўллаш тартиби, даромадларнинг харажатлар билан ўзаро боғлиқлиги борасидаги билимларини янада ошириш заруриятининг юзага келганлигидир. Бунинг учун улар ички ҳамда ташқи бозорнинг ҳолати бўйича маълумотлар базасига эга бўлиш, рекламалар ҳамда бошқарув санъатини ҳам чуқур эгаллашлари керак.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида тадбиркорликнинг турли шакллари ташкил этилмоқда ва келажакда улар қишлоқ хўжалиги ривожланишига салмоқли ҳисса қўшадилар. Лекин, фермерлар фаолиятларини амалга оширишда анчагина қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Жумладан, ташкилий, ҳуқуқий, ижтимоий ҳамда иқтисодий масалаларни ҳал этиш борасида. Чунончи, ерларни олишда, тадбиркорлик шаклларини ташкил этишда, кредит олишда, маҳсулотларини сотишда, улар учун ҳақни олишдаги муаммолар. Бу масалаларни ҳал этишда маҳаллий ҳокимият атрофида амалий ёрдам кўрсатиши лозим. Шундагина қишлоқ хўжалигида ислохотларга кенг йўл очилиб тадбиркорлик ривожланиши таъминланади.

3.2. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини солиққа тортиш жараёнини оптималлаштириш

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида хўжалик юритувчи субъектлар барқарорлигини таъминлайдиган молиявий воситалар амалиётда узлуксиз амал қилиши ва такомиллашиб бориши учун уларнинг назарий ҳамда амалий жиҳатлари пухта ишлаб чиқилиши керак.

Изланиш мобайнида деҳқон ва фермер хўжалиklarини солиққа тортиш жараёнини амалда бўлган меъерий ҳужжатлар асосида атрофлича ўрганиб чиқдик ҳамда улардан ҳосил бўлган мулоҳазаларимизни тавсиялар сифатида акс эттирдик. Деҳқон ва фермер хўжалиklари фаолиятдан солиқ ундиришни мақбул ҳолатга келтириш мақсадида билдирмоқчи бўлган фикрларимизни икки йўналишга ажратиб олдик, яъни:

биринчидан, юридик шахс ташкил этмаган ва ташкил этган деҳқон хўжалиklarидан ундирилаётган солиқларни ягона ҳолатга келтириш. Бу йўналишни тавсифлаш учун юридик мақомлари турлича бўлган, лекин ишлаб чиқариш шарт-шароитлари кескин фарқланмайдиган деҳқон хўжалиklари фаолияти таҳлил этилди ҳамда улардан солиқ ундиришни ягона тизимга ўтказиш асослаб берилди;

иккинчидан, фермер хўжалиklarини солиққа тортишда солиқ объектини уларнинг молия-хўжалик фаолияти якунига қаратиш учун ягона фойда солиғига ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бунда соддалаштирилган солиқ тизими танлаб олинади ва ягона фойда солиғи сифатида амалга киритилиб, уни ундириш манбаи ҳисобот даври якунида шакллантирилган фойда ҳисобланади.

Мазкур соддалаштирилган тизим ҳозирда амалда бўлган ягона ер солиғидан бир қатор афзалликлари билан фарқланади, яъни ягона ер солиғи фақатгина асосий фаолиятга нисбатан қўлланилмоқда ва бошқа фаолиятдан олинаётган даромадлар алоҳида солиққа тортилмоқда. Бундан ташқари, давлат томонидан харид қилинаётган пахта ва ғалла нархлари барча ер майдонлари учун бир хил миқдорда ўрнатилганлиги учун хўжалиklar даромадларини тартибга солиш вазифасини бажармаяпти. Таклиф этилаётган ягона фойда солиғи фермер хўжалиklarининг барча фаолият жараёнларидан олинаётган даромадлари таркибини қамраб олиши назарда тутилмоқда.

Дастлаб деҳқон хўжалиklари томонидан тўланаётган солиқлардан асосийси ҳисобланган ер солиғини мақбул ҳолатга келтириш масалаларига тўхталиб ўтаемиз. Мавжуд солиқ тизимининг хусусиятларини ўрганиш

мақсадида битта ҳудудда рўйхатга олинган юридик шахс ташкил этмаган ва юридик шахс ташкил этган деҳқон хўжалиги маълумотларини таҳлил қиламиз.

“Сарбозор” деҳқон хўжалиги юридик шахс мақомига эга бўлмасдан ташкил этилган бўлиб, тасарруфида суғориладиган 0,35 гектар ер участкаси мавжуд. Деҳқон хўжалиги Тошкент вилояти Зангиота туман солиқ инспекциясида рўйхатга олинган ҳамда ғалла етиштиришга ихтисослашган. Деҳқон хўжалигининг ер участкаси аҳоли пунктида бўлиб, тупроқ бонитети 41-70 баллни ташкил этади ҳамда тумандан 10 км лик радиусда жойлашган.

“Сарбозор” деҳқон хўжалиги юридик шахс мақомига эга бўлмаганлиги учун ер солиғи солиқ органи мутахассиси томонидан ҳисобланади. Солиқни ҳисоблашда қуйидагиларга эътибор қаратилади:

1. Ер участкасининг ҳажми – 0,35 га;
2. Солиқ ставкаси – 0,01 гектар учун 964,4 сўм;
3. Ер участкасининг жойлашувига қараб тузатиш коэффиценти – 1,15;
4. Тупроқ бонитети 41-70 баллгача бўлса, тузатиш коэффиценти – 1,0.

Солиқ суммаси = $(0,35 * 964,4 * 1,15) * 100 = 38817,1$ сўм.

“Болғали” деҳқон хўжалиги ҳам шу туманда жойлашган бўлиб, юридик шахс мақомига эга ҳисобланади. Унинг тасарруфида ҳам 0,35 гектар суғориладиган ер майдони мавжуд. Ер участкасининг сифати 81-90 балл бонитетда баҳоланиб, IX классга киритилган.

“Болғали” деҳқон хўжалиги ер солиғи суммасини мустақил равишда солиқ ставкалари асосида ҳисоблаб чиқаради. Солиқни ҳисоблашда қуйидагиларга таянади:

1. Ер майдонининг ҳажми – 0,35;
2. Солиқ ставкаси – 1 гектар учун 46265,9 сўм;
3. Тупроқ бонитети 70 баллдан юқори, тузатиш коэффиценти – 1,25.

Солиқ суммаси = $0,35 * 46265,9 * 1,25 = 20241,3$ сўм.

Юридик шахс ташкил этмаган деҳқон хўжалиги 38817,1 сўм, яъни юридик шахс ташкил этган деҳқон хўжалигидан $(38817,1 - 20241,3)$ 18575,8 сўм

ортиқча ер солиғини тўлаб бериши лозим. Бир қарашда юридик шахс ташкил этмаган деҳқон хўжалигига солиқ юки камроқ юкланаётгандек туюлади, лекин юридик шахс ташкил этган деҳқон хўжалиги бюджетдан ташқари фондларга ҳам мажбурий ажратмалар ҳам тўлайди. Бу ҳолатни рақамларда ифодаласак қуйидаги кўрсаткичлар юзага чиқади:

Деҳқон хўжалиги мавжуд ерда ғалла етиштирди ва ундан олинган ҳосил 40 центнерни ташкил қилди. Олинган ҳосил натура шаклида 1400 кг дан иборат бўлади. 700 кг давлат эҳтиёжлари учун 145 сўмдан 101500 сўмга харид қилинади ҳамда қолган 700 кг бозор баҳосида 175000 сўмга сотилди. Деҳқон хўжалигига маҳсулот сотишдан 276500 сўм тушум қилинди. Маҳсулот сотишдан тушган тушумдан пенсия жамғармасига 0,7%, йўл жамғармасига 1,5%, таълимни ривожлантириш жамғармасига 1,0% мажбурий ажратма қилинади. Демак, мақсадли жамғармаларга ажратмаларнинг жами $(276500 * 3,2\%)$ 8848 сўмдан иборат бўлади.

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, юридик шахс ташкил этган деҳқон хўжалиги фаолияти давомида тўлайдиган солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш учун молиявий ҳисоб бўйича малакага эга бўлиши лозим. Амалда барча деҳқон хўжалиги аъзолари бундай малакага эга деб бўлмайди ва улар томонидан солиқлар ҳамда унга тенглаштирилган тўловларни ҳисоблашда қонунчилик ҳужжатларини бузишга, турли хатоликлар қилишга олиб келади. Шу билан бир қаторда юридик шахс ташкил этмаган деҳқон хўжаликлари юзасидан солиқларни ҳисоблашда солиқ органлари мутахассисларига бир қатор кўрсаткичларга аниқлик киритиш зарурияти пайдо бўлади.

Умуман олганда, юқоридагиларга асосланиб деҳқон хўжаликлари учун амалда фермер хўжаликлари ерларининг меъёрий қийматидан ундирилаётган ягона ер солиғи услубиятини қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу ўз навбатида улар томонидан тўланаётган барча солиқлар ва унга тенглаштирилган тўловлар таркибини қамраб олади.

Солиқни ҳисоблаш маъсулияти ҳам солиқ органлари зиммасига юклатилади ҳамда мазкур ҳолат орқали қуйидаги ижобий натижаларга эришиш мумкин бўлади:

1. Солиқ органларида тўловчилар таркиби тўлиқ ва тўғри олиб борилади;
2. Дехқон хўжалиги аъзолари солиқни ҳисоб-китоб қилиш юзасидан муаммоларга дуч келинмайди;
3. Тўлов хабарномалари солиқ органлари томонидан тарқатилади ва фақатгина солиқни ўз вақтида тўлаш устидан назорат олиб борилади;
4. Дехқон хўжаликлари чекланган ер участкаларига эга бўлганликлари учун солиқни ҳисоблаш мураккаблик касб этмайди;
5. Ушбу солиқдан амалда фойдаланишнинг жиҳатлари жисмоний шахслардан ундириладиган мол-мулк солиғи услубияти асосида ташкил этилади. Шу мақсадда дехқон хўжаликларидан ундирилиши таклиф этилаётган ягона ер солиғи учун солиқ ҳисоб-китоби шаклини тавсия қилдик (8-илова).

Солиққа тортишни оптималлаштиришнинг иккинчи йўналиши ўз навбатида фермер хўжаликлари фаолиятдан ундириладиган солиқлар тизимини камраб олади. Фермер хўжаликлари фаолиятини солиққа тортишни оптималлаштириш заруриятини ҳозирда амалда бўлган солиқни ҳисоблаш услубиятларидаги бир қатор камчиликларнинг мавжудлиги билан изоҳлаймиз. Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, тажриба тариқасида қўлланилаётган ягона ер солиғининг солиққа тортиш услубиятида камчиликлар мавжудлиги қайд этилди ва улар қуйидагилар ҳисобланади:

биринчидан, ягона ер солиғининг республикамиз ҳудудида ягона ҳолатда амалиётга татбиқ этилмаганлиги;

иккинчидан, тажриба тариқасида босқичма-босқич жорий этиб борилаётган ерларнинг меъёрий қийматидан ҳисобланадиган ягона ер солиғи ҳам ўзгармас услубиятга эга эмаслиги, яъни:

- ерларнинг меъерий қиймати ҳар йили қайтадан белгиланиши, бунга сабаб ерларнинг сифати ошиши ёки камайиши, экин турларининг ўзгартирилиши, алмашлаб экишнинг мавжудлиги ва ҳақозалар;

- солиқ ставкалари миқдорининг ўзгариб туриши, ерларнинг меъерий қиймати ошиши ёки камайиши солиқ ставкаларига ҳам таъсир кўрсатиши;

учинчидан, ягона ер солиғини тўлаш муддатлари мавсум бўйича олинадиган ҳосилнинг сотилиш жараёнига боғлиқ эмаслиги, бунда фермер хўжалиги биринчи ва иккинчи муддатлар учун тўланиши лозим бўлган солиқ суммаларини кредит маблағлари ҳисобидан бюджетга ўтказмоқдалар ёки бу ҳолат солиқ боқимандачилигини юзага келтирмоқда;

тўртинчидан, ерларнинг меъерий қийматидан ягона ер солиғини ундириш услубиятининг амалга киритилиши, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари зиммасидаги солиқ юкини ҳаддан ташқари ошириб юборди. Солиқ юкини тавсифлаб берувчи амалий таҳлиллар қуйидаги 3.2-жадвалда келтирилади.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Тошкент вилоятида ерларнинг ихтисослашуви нуқтаи-назаридан пахтачилик-ғаллачилик, сабзовотчилик ва боғдорчилик ерлари асосий майдонни эгаллайди. Маълумки 2004 йил 1 январдан бошлаб, ушбу вилоятга дастлабки тажриба тариқасида ерларнинг меъерий қийматидан ягона ер солиғи киритилди.

Ягона ер солиғи 2003 йилда кадастр усулида ундирилган бўлиб, 2004 йилда унинг ставкалари 1,5 фоизга индексация қилинди. Шу кўрсаткичдан фойдаланиб ягона ер солиғи кадастр усулида ҳисобланганда, пахтачилик ва ғаллачилик ер майдонларининг бир гектарига 7,1 минг сўм, сабзовотчилик учун ер майдонларининг бир гектарига 3,4 минг сўм, боғдорчилик ер майдонларининг бир гектарига 0,5 минг сўмлик солиқ суммаси тўғри келиши аниқланди. Тажриба тариқасида киритилган ерларнинг меъерий қийматидан ягона ер солиғи ҳисоб-китоб қилинганда, пахтачилик ва ғаллачилик ер майдонларининг бир гектаридан 15,5 минг сўм, сабзовотчилик учун ер

майдонларининг бир гектаридан 13,5 минг сўм, боғдорчилик ер майдонларининг бир гектаридан 1,3 минг сўмлик солиқ суммаси ундирилганлиги маълум бўлди.

3.2-жадвал

Тошкент вилоятида ягона ер солиғи бўйича солиқ юкининг ўзгариши таҳлили⁵⁵

минг сўмда.

№	Ерларнинг ихтисослашуви	Ер майдони, га	Кадастр бўйича солиқ суммаси			Меъёрий қиймат бўйича солиқ суммаси			Фарқи	
			2003 йил	2004 йил (1,5% индексация)	1 га. га солиқ суммаси	Ерларнинг меъёрий қиймати	Солиқ суммаси (2% ставкада)	1 га. га солиқ суммаси	Абсолют суммада	Ҳажмда ошиши
1	2	3	4	5	6 (5/3)	7	8	9 (8/3)	10 (8-5)	11 (8/5)
1.	Пахтачилик-ғаллачилик	522992	2479624	3719436	7,1	404857568	8097151	15,5	4377715	2,2
2.	Сабзовотчилик	226946	510738	766107	3,4	152778937	3055579	13,5	2289472	4,0
3.	Боғдорчилик	208482	72422	108633	0,5	13748928	274979	1,3	166346	2,5
4.	Чорвачилик	36002	29544	44316	1,2	5451923	109038	3,0	64722	2,5
5.	Паррандачилик	524	5746	8619	16,4	988262	19765	37,7	11146	2,3
6.	Бошқа ерлар	21762	45605	68408	3,1	7518983	150380	6,9	81972	2,2
Жами		1016708	3143679	4715519	4,6	585344601	11706892	11,5	6991374	2,5

Ерларнинг меъёрий қийматидан олинадиган ягона ер солиғи пахтачилик ва ғаллачилик ер майдонларидан олинадиган солиқнинг 2,2 мартага, сабзовотчилик учун ер майдонларидан 4,0 мартага, боғдорчилик ер майдонларидан 2,5 мартага ошиб кетишига олиб келди.


Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар учун ягона ер солиғини жорий этилиши солиққа тортишни осонлаштирди, лекин кўриб турганимиздек уларга солиқ юкининг ҳаддан зиёд юкланишига сабаб бўлди.

Мавжуд ҳолатни бартараф этадиган ҳамда фермер хўжаликларининг зиммасидаги солиқ юкини мумкин қадар камайтиришга хизмат қиладиган,

⁵⁵ Тошкент вилояти статистика бошқармаси ва давлат солиқ бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

уларнинг молия–хўжалик фаолияти кўрсаткичларини ўзида камраб оладиган солиққа тортиш услубиятини тавсия этамиз. Таклиф этилаётган услубият ягона ер солиғидаги номутаносибликларни бартараф этиш билан бирга, фермер хўжаликларининг асосий фаолиятдан ташқари оладиган даромадларини алоҳида юритиш ва улар бўйича солиқни ҳисоблаш ишларини камайтиришга хизмат қилади.

Фермер хўжаликлари учун тавсия этилаётган солиқнинг ҳисоблаш услубияти соддалаштирилган солиқ тизими хусусиятларини ўзида мужассам этганлиги ҳамда солиқ объекти хўжаликнинг фойдасига қаратилганлигини инобатга олиб, ушбу солиқни шартли равишда ягона фойда солиғи деб атасак мақсадга мувофиқ ҳисобланади.



3.1 - расм. Ягона фойда солиғи базасини ҳисоблашда даромад ва харажатлар таркиби⁵⁶

Ягона фойда солиғи амал қилиш хусусиятларидан келиб чиқиб, қуйидаги йўналишларни ўзида ифода этади:

биринчидан, солиқ тўловчилар асосан қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар бўлганлиги учун маҳсулот сотишдан тушган тушумнинг

⁵⁶ 3.1 - расм солиқ қонунчилиги ҳужжатлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

ҳажмида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва уни қайта ишлашдан олинадиган тушум 50 фоиздан юқори бўлиши лозим;

иккинчидан, фермер хўжаликлари учун муқобил тадбиркорлик фаолиятлари билан шуғулланишга кенг йўл очилади. Ҳозирда фермер хўжаликлари асосий ва бошқа фаолиятлари бўйича солиқ ҳисоб-китобларини алоҳида юритмоқдалар. Ягона фойда солиғининг амалга киритилиши бунга ҳожат қолдирмайди, чунки ушбу солиқ фермер хўжалигининг бутун фаолиятини камраб олиши назарда тутилмоқда;

учинчидан, ягона фойда солиғи базаси солиқ кодексига мувофиқ жами даромадлар ва чегириб ташланадиган харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида ҳамда солиқ солинадиган фойданинг камайтирилиши ҳисобга олинган ҳолда, ҳисоблаб чиқилади. Солиқ солинадиган базани ҳисоблаш формуласини қуйидагича белгилаш мумкин:

$$ЯФСБ = \sum \text{даромад} - \sum \text{харажат} + Ч_x \pm КЧ_x - С_{и}; \quad (3.1)$$

бунда:

ЯФСБ – ягона фойда солиғи базаси;
 \sum даромад – жами даромадлар таркиби;
 \sum харажат – жами харажатлар таркиби;
 $Ч_x$ – чегирилмайдиган харажатлар;
 $КЧ_x$ – келгусида чегириладиган харажатлар;
 $С_{и}$ – солиқ имтиёзлари.

Ягона фойда солиғи базасини аниқлашда жами даромадлар ва харажатлар таркиби юқоридаги кўринишга эга бўлади (3.1-расм).

тўртинчидан, ягона фойда солиғи бўйича солиқ ставкаси солиқ объектига нисбатан пропорционал равишда белгиланади. Солиқ ставкасини белгилашда ягона ер солиғи бўйича тушум қиёсий таққосланади ва бюджет даромадлари камайиб кетишига олиб келмайдиган мақбул миқдорда ўрнатилади;

бешинчидан, ягона фойда солиғидан имтиёзлар беришда ягона ер солиғи юзасидан тақдим этилган преференциялар ва солиқ имтиёзлари таркиби сақлаб қолинади;

олтинчидан, солиқ ҳисоб-китобларини солиқ органларига тақдим этиш ва ҳисобланган солиқ суммаларини бюджетга ўтказиб бериш чорак якуни бўйича ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25 кунигача амалга оширилади;

еттинчидан, ягона фойда солиғи тўловчилар қўшилган қиймат солиғини қўллаш жараёнини ихтиёрий равишда амалга оширадилар;

саккизинчидан, мақсадли жамғармалар мажбурий ажратмаларни қонунчиликда белгиланган тартибда ҳисоблайдилар. Фақатгина ушбу мажбурий ажратмаларнинг объекти бир бўлганлиги учун уларни унификация қилиш тавсия қилинади.

Умуман олганда, тавсия этилаётган ягона фойда солиғи фермер хўжаликларидан солиқ ундиришни фақатгина ер участкаларининг меъёрий қийматига боғлаб қўймасдан, балки молия-хўжалик фаолияти якунида ҳақиқатда эришилган натижадан ҳисоблаш жараёнини келтириб чиқаради. Бу эса, фермер хўжаликларини кўп тармоқли хўжалик юритувчи субъектга айланишига ва иқтисодий барқарорлиги таъминланишига туртки беради.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар кўп жиҳатдан мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгартиришларни амалга оширишга қаратилган, чунки соҳада кенг турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, халқ фаровонлигини ошириш ва мамлакатнинг иқтисодий қудратини юксалтириш имкониятлари мавжуд.

Ҳозирги кунда фермер хўжаликларини рағбатлантириш масаласи доимий равишда ҳукуратимиз эътиборида бўлиб келмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4478-сонли Фармони талабларини амалга ошириш ҳамда фермер хўжаликларини барқарор

ривожлантириш борасидаги вазифаларни бажариш мақсадида 2013 йил 7 октябрда Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-355-сонли Қонуни қабул қилинди.

Мазкур меъёрий ҳужжатга асосан солиқ кодексига бир қатор ўзгартиришлар киритилган бўлиб, улар бевосита фермер хўжаликлари ривожига рағбат беради, яъни:

-пахта йиғим-терими бўйича қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилинадиган жисмоний шахсларнинг бу ишларни бажарганлик учун олган даромадлари солиққа тортилмаслиги;

-фермер кенгашлари томонидан-фермер хўжаликлари манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар юзасидан давлат божларини тўлашдан озод этилиши;

-ягона ер солиғини тўлашда ер участкасининг қайси қисмида томчилатиб суғоришдан фойдаланилаётган бўлса, майдоннинг ўша қисмида томчилатиб суғориш тизими жорий қилинган ойдан бошлаб беш йил муддатга озод этилиши.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрда қабул қилинган «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2014 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» ЎРҚ-359-сон Қонуни билан амалдаги Солиқ кодексига бир қанча ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Солиқ кодекси 363-моддасига қўшимча асосий фаолият тури (қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва қайта ишлаш) билан бир қаторда бошқа фаолият турлари билан шуғулланадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчиларга солиқ солиш тартибини соддалаштиради. 2014 йил 1 январдан улар бошқа фаолият турлари бўйича ягона солиқ тўловини ёки солиқ кодексининг 58-бобига мувофиқ қатъий белгиланган солиқ тўланиши назарда тутилган фаолият доирасида мазкур солиқни тўлайдилар (илгари

микрофирмалар ва кичик корхоналар тоифасига кирмайдиган солиқ тўловчилар фаолиятнинг бошқа турлари бўйича умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтиши керак бўлган).

2014 йил 1 январдан бошлаб фермер хўжаликлари бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига, Республика йўл жамғармаси ва бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўловчилар қаторидан ягона ер солиғини тўлайдиган юридик шахслар чиқариб ташланди.

Фермер хўжаликларининг давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод этилиши ҳамда улар томонидан томчилатиб суғориш технологияси жорий этилган ер майдонларидан ягона ер солиғи тўлашдан озод этилиши бўйича имтиёзлар бевосита солиқ юқини камайтириш орқали уларнинг фаолиятини ривожлантиришни ҳамда мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланишларини рағбатлантиришга қаратилгандир.

Фермер хўжаликларини рағбатлантиришга қаратилган солиқ ислохотларининг амалий натижаси асосан ҳаракатдаги солиқларни соддалаштириш ва бирхиллаштириш, давлат бюджети билан ҳисоб-китоб механизмларини такомиллаштириш, солиқлар ҳисобини юритиш харажатларини камайтириш мақсадида умумлаштирилган солиқ турларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этишга йўналтирилганлиги билан эътиборли ҳисобланади.

Монографиянинг учинчи боби якуни юзасидан қуйидаги хулосалар умумлаштирилди:

1) Ҳаракатдаги солиқ механизми фақатгина бюджет даромадларини шакллантиришда асосий манба бўлиб қолмасдан, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини рағбатлантириши ҳамда барқарор молиявий кўрсаткичларга эга бўлишида уларга фаол ёрдам кўрсатиши лозим;

2) Солиқларга тенглаштирилган тўловлар бўйича ҳам ҳисоб-китобларни тақдим этиш ва тўлаш муддатларига ўзгартиришлар киритиш орқали, фермер хўжаликлари зиммасида ҳосил бўлаётган боқимандалар ҳажмини камайтириш мумкинлиги қайд қилинди;

3) Республикамиз солиқ тизимида тажриба сифатида жорий қилинган ерларнинг меъёрий қийматидан ягона ер солиғи ундириш услубиятида бир қатор камчиликлар мавжуд эканлиги ўрганилди ва бу услубият ҳам соддалаштирилган солиқ тизимини тўлиқ тавсифлаб бермаслиги эътироф этилди;

4) Қишлоқ хўжалиги субъектлари фаолиятини солиққа тортишни мақбул ҳолатга келтириш уларнинг молиявий ҳолатига таъсир кўрсатиб қолмасдан солиқ назоратини самарали ташкил қилишга замин яратади;

5) Қишлоқ хўжалиги корхоналарига етказиб бериладиган минерал ўғитлар ва ёнилғи-мойлаш материалларига илгари амалда қўшилган қиймат солиғи бўйича ноллик ставкани қайтадан жорий этиш мақсадга мувофиқдир;

6) Солиқлар ва унга тенглаштирилган тўловлар бўйича маблағларни фермер хўжаликлари фаолиятига солиқ кредити шаклида жалб қилиш ижобий самара беради.

ХУЛОСА

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида деҳқон ва фермер хўжаликларини қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчи асосий субъектлар сифатида тан олинди ҳамда уларнинг эркин фаолият юритишлари учун ҳуқуқий-иқтисодий асослар яратилди. Ҳаракатдаги солиқ механизми фақатгина бюджет даромадларини шакллантиришда асосий манба бўлиб қолмасдан, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини рағбатлантириши ҳамда барқарор молиявий кўрсаткичларга эга бўлишида уларга фаол ёрдам кўрсатиши лозим. Солиқларга тенглаштирилган тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этиш ва тўлаш муддатларига ўзгартиришлар киритиш орқали, фермер хўжаликлари зиммасида ҳосил бўлаётган боқимандалар ҳажмини камайтириш мумкин. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар фаолиятини солиққа тортишни мақбул ҳолатга келтириш, фақатгина уларнинг молиявий ҳолатига таъсир кўрсатиб қолмасдан, балки солиқ органлари назоратининг самарадорлигини ҳам оширади.

Деҳқон хўжаликлари ўз имкониятлари асосида ер ости сув ресурслари манбаларидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда фойдаланса, уларни сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан озод қилиш лозим. Чунки, ер ости манбаларидан сув ресурсларини қазиб чиқариш маълум бир ҳажмдаги моддий ва меҳнат харажатларини талаб этади.

Фермер хўжаликларини солиққа тортишда амал қилаётган услубият соддалаштирилган солиқ тизимини тўлиқ тавсифлаб бермайди, яъни солиқларга тенглаштирилган тўловлар тўланиши ва бошқа фаолият учун алоҳида солиқ ҳисобининг юритилиши фикримизга асос бўлиб хизмат қилади.

Фермер хўжалиги аъзоларининг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини бир босқичли шкалага ўтказиш ва энг қуйи ставкада солиқ ундириш лозим. Бу бир томондан, фермер хўжалиги аъзолари моддий манфаатларини кучайтиришга ёрдам берса,

иккинчи томондан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаш услубиятини соддалаштиришга хизмат қилади.

Юқорида тақдим этилган таклиф ва тавсияларнинг амалиётга изчиллик билан жорий этилиши қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари сифатида деҳқон ва фермер хўжаликларидан ундириладиган солиқлар ҳамда унга тенглаштирилган тўловларни ҳисоблаш услубиятини янада соддалаштириб, солиққа тортишнинг адолатлилик тамойили қўлланилишини янада кучайтиришга хизмат қилади деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Т.:Ўзбекистон, 2005. -40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси.-Т.:Адолат, 2006.-152 б.
3. Солиққа оид қонун ҳужжатлари. 2008 йил. -Т.: «NORMA» МЧЖ, 2008. - 416 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. (2003 йил 24 июнгача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2003. – 496 б.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солиқ хизмати тўғрисида” ги Қонуни. // Халқ сўзи газетаси. 1997 йил 29 август.
6. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонуни. 1998 йил 30 апрель.
7. Ўзбекистон Республикаси “Давлат ер кадастри” тўғрисида”ги Қонуни. // Солиқлар ва божхона хабарлари газетаси, 1998 йил 41-42-сон.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги” Қонуни 1998 йил 30 апрель.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисидаги” Қонуни (янги таҳрирда). // Солиқ тўловчининг журнали, 2004 йил октябрь, 10-сон.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабр-даги “Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-244-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабр-даги “Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-532-сонли Қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабр-даги “Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиқтисодий

кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-744-сонли Қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилар учун ягона ер солиғини жорий этилиши тўғрисида”ги ПФ- 2086-сонли Фармони. 1998 йил 10 октябр.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилар учун ягона ер солиғини базавий ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 539-сонли қарори. 1998 йил 26 декабр.

15. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 1998 йил 9 ноябрдаги 04-03-02/752 ва 98-142-сон қарори билан тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 22 январда 609-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги йўриқнома. // Солиқ ва божхона хабарлари газетаси, 1999 йил 4 март 10-сон.

16. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 31 январдаги 29 ва 2002-27-сон қарори билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги йўриқнома (янги таҳрирда). // Солиқ ва божхона хабарлари газетаси, 2002 йил 12 апрель 16-сон.

17. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 13 январдаги 11 ва 2004-10-сон қарори билан тасдиқланган “Қишлоқ хўжалиги ерларининг меъёрий қийматидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан ягона ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Вақтинчалик Низом (янги таҳрирда). // Солиқ ва божхона хабарлари газетаси, 2004 йил 18 март 12-сон.

18. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 21 январдаги 19 ва 2002-20-сон қарори билан

тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 27 февралда 1118-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги йўриқнома (янги таҳрирда).
// Солиқ тўловчининг журнали, 2002 йил 6-7-сон.

19. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -Т.: Ўзбекистон, 1996.-364 б.

20. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998.-686 б.

21. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т.: Ўзбекистон, 2000.-532 б.

22. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. -Т.: Ўзбекистон, 2004.-209 б.

23. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13 -Т.: “Ўзбекистон”, 2005. -215 б.

24. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик. –Т.: “Ўзбекистон”, 2005 й.

25. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш - барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсадидир. -Т.: “Ўзбекистон”, 2007. -17 б.

26. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16 -Т.: “Ўзбекистон”, 2008. -365 б.

27. Алимбоев С.А. Солиқлар. Ўқув қўлланма. -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1999. -288 б.

28. Александров И.М. Налоги и налогообложение: Учебник. -6-е изд., перераб. и доп. -М.: Издательско-торговая корпорация “Дашков и Ко”, 2006. -318 с.

29. Беганов В.С., Куралов Д.И. и др. Финансовая политика, налоги и налогообложение. -Т.: Мир экономики и права, 1998. -313 с.

30. Бакетт М. Фермер хўжалигини ташкил қилиш ва бошқариш. -
Т.: Меҳнат, инглизчадан таржима, 1998. -181 б.
31. Беркли Хилл. Иқтисодиётга кириш. -Т.: Меҳнат, инглизчадан таржима,
1998. -270 б.
32. Гатаулин Ш.К. Солиқлар ва солиққа тортиш. Ўқув кўлланма. -Т.: ЎзР
ДСҚ, 1996. -241 бет.
33. Жўраев А.С. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг
самарали йўллари: Монография. -Т.: Фан, 2004. -105 б.
34. Завалишина И.А. Солиқлар: назария ва амалиёт: Ўқув кўлланма. -Т.:
Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2005. -544 б.
35. Латипов А. Ердан фойдаланиш ва солиққа тортиш: Ўқув кўлланма.
-Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2005.-245 б.
36. Ли А. Ўзбекистон Республикаси молия ҳуқуқи. –Тошкент: ТДЮИ,
2004. -194 б.
37. Малыхин В. Экономического-математических моделирования
налогообложения. Учебное пособие. -М.: РДЛ, 2006. -160 с.
38. Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. -
Т.: Академия, 2002. -53 б.
39. Налоги и налогообложение: учебное пособие. В.Ф. Тарасова, Т.В.
Савченко, Л.Н.Семькина.-2-е изд., испр. и доп. -М.: КНОРУС, 2005. -288 с.
40. Налоги: Учебник для вузов. Под ред.Д.Г.Черника. -М.: Юнита–Дана,
2004. -444с.
41. Налоги в условиях экономической интеграции. Учебник для вузов.
В.С. Бард и др. под ред. проф. В.С.Барда и Л.П.Павловой. -М.: КНОРУС, 2004.
-288 с.
42. Налоги и налогообложение: Учебник. Д.Г.Черник и др. -2-е изд., доп. и
перераб. -М.: ИНФРА–М, 2004. -328 с.
43. Налоги и налогообложение: Учебное пособие. Под ред. Б.Х.Алиева. –
М.: Финансы и статистика, 2005. -416 с.

44. Пансков В.Г. Налоги и налогообложение в Российской Федерации: Учебник для вузов. -7-е изд., доп. и перераб. -М.: МЦФЭР, 2006. -592 с.
45. Пансков В.Г., Князев В.Г. Налоги и налогообложение: Учебник для вузов. -М.: МЦФЭР, 2003. -336 с.
46. Перов А., Толкушкин А. Налоги и налогообложение: Учебное пособие. -6-е изд., перераб. и доп. - М.: Юрайт-Издат, 2006. -799 с.
47. Сурков М., Яремчук Н. Институты и инструменты бюджетно-налогового и денежно-кредитного регулирования экономики. Учебное пособие. -М.: Городец, 2004. -256 с.
48. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. - М.: Соцэкгиз, 1962. -588 с.
49. Темур тузуклари. -Т.: Чўлпон, 1991. -127 б.
50. Ходов Л. Функции налогов. Учебник. -М.: Бек, 1994. -309 б.
51. Яхёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. Дарслик. -Т.: Фан ва технологиялар маркази, 2003. -247 б.
52. Ўлмасов А. Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. -Т.: Меҳнат, 1998. -355 б.
53. Ўлмасов А. Оила иқтисоди. -Т.: Меҳнат, 1998. -47 б.
54. Гуломов С. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Ўқув кўлланма. -Тошкент: Фан, 1997. -132 б.
55. Аллаёров Ш.А. Аграр соҳани мулкый ислоҳ қилиш ва фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг назарий масалалари. Иқт. фан. номз. дис....автореф. -Т.: 2006. -22 б.
56. Абсаматов А.Э. Дехқон хўжаликлари ривожланишини рағбатлантириш ва даромадларини ошириш йўллари. Иқт. фан. номз. дис....автореф. - Т.: 2006. -22 б.
57. Жўраев А.С. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг долзарб муаммолари: Иқт. фан. докт. дис....автореф. -Т.: ЎЗР ДЖҚА, 2005. -46 б.

58. Заворотин Е.Ф. Организационно-экономические основы развития земельных отношений в сельском хозяйстве Поволжья: Автореф. дис... д-р экон. наук. -М.: 2001. -48 с.

59. Исмоилова М.Р. Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби ва аудитини ташкил этишини такомиллаштириш. Иқт. фан. номз. дис....автореф. - Т.: 2002. -19 б.

60. Каршиев Ш.Э. Фермер хўжаликларида иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш. Иқт. фан. номз. дис....автореф. -Т.: 2000. -24 б.

61. Маматқулов Б.Х. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида фермер хўжаликлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш. Иқт. фан. номз. дис....автореф. -Т.: 2005. -25 б.

62. Маликов А.Д. Арендные формы землепользования в овощеводстве и их экономическая эффективность. Автореф. дис....канд. экон. наук. -Киев, 1997. -22 с.

63. Раджабов А. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида фермер хўжаликлари фаолиятининг самарадорлиги. Иқт. фан. номз. дис....автореф. - Т.: 2000. -22 б.

64. Рубцова Л.Н. Аренда сельскохозяйственных земель в современных условиях: Автореф. дис... д-р экон. наук. -М.: 2001. -42 с.

65. Тошқулов А.Ҳ. Солиқ солиш ва ердан фойдаланиш самарадор-лигини иқтисодий рағбатлантириш механизмлари. Иқт. фан. номз. дис....автореф. –Т.: 2004. -27 б.

66. Фармонов Т.Х. Ўзбекистон Республикасида фермер хўжалик-ларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Иқт. фан. докт. дис....автореф. –Т.: 2006. -50 б.

67. Ходжимухамедова Ш.И. Ўзбекистон Республикасида фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг ташкилий, иқтисодий асослари. Иқт. фан. номз. дис....автореф. –Т.: 2005. -21 б.

68. Аманов А.М. Фермер хўжаликларини солиққа тортишда ягона ер солиғи // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиғи. -Тошкент, 2002. -№2. –Б. 16-17.
69. Аманов А.М. Методические вопросы налогообложения фермерских хозяйств в Республике Узбекистан. // Актуальные проблемы современной науки -Москва. 2004. -№2. -С. 102-103.
70. Аманов А.М. Фермер хўжаликларидан ундириладиган солиқлар // Фермер. -Тошкент, 2007. - №2 -Б. 15-18.
71. Аманов А.М. Солиққа тортиш: хориж тажрибаси // Фермер. -Тошкент, 2007. - №3 -Б. 16-18.
72. Аманов А.М. Ягона ер солиғи // Фермер. -Тошкент, 2007. - №4 -Б. 21-24.
73. Аманов А.М. Ягона фойда солиғи. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиғи. -Тошкент, 2009. -№2. -Б. 33-34.
74. Алтиев А. Табиий ресурсларга солинадиган солиқлар тизимини шакллантириш // Бозор, пул ва кредит. -Тошкент, 2005. -№11. –Б. 30-32.
75. Абдуллаев Ж. Мақбул вариант топиш керак // Солиқлар ва божхона хабарлари газетаси. -Тошкент, 1996. -№40. –Б. 11.
76. Аҳадов А. Солиқ қонунлари муаммолари // Солиқ тўловчининг журнали. -Тошкент, 1996. -№11. –Б. 6.
77. Жуманов Т. Фермер хўжаликлари даромадларини шакллантириш // Бозор, пул ва кредит. -Тошкент, 2005. -№11. -Б. 64-66.
78. Жўраев Т. Солиқ сиёсатини такомиллаштириш йўлида. // Солиқлар ва божхона хабарлари газетаси. -Тошкент, 2003. -№39 (479). Б. 1-4.
79. Латипов А., Султонов Д. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланайлик. // Солиқлар ва божхона хабарлари газетаси. -Тошкент, 2006. -№24 (49). –Б. 4-5.
80. Латипов А. Ҳар қаричи ардоқланур заминнинг. // Солиқлар ва божхона хабарлари газетаси. -Тошкент, 2006. -№40 (636). –Б. 6.

81. Маликов Т.С. Солиқ ва имтиёз диалектикаси // Иқтисод ва ҳисобот. - Тошкент, 1996. -№7. –Б. 19.
82. Маликов Т.С. Солиқ ва имтиёз диалектикаси // Иқтисод ва ҳисобот. - Тошкент, 1996. -№12. –Б. 43.
83. Монтескье Ш. Қонунлар руҳи тўғрисида // Солиқлар ва божхона хабарлари газетаси. –Тошкент, 2003. -№34 (475). -Б. 21.
84. Пул-кредит соҳасидаги мавжуд вазият ва монетар сиёсатнинг 2009 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари. “Банк ахборотномаси”, №5 (664) 2009 йил 28 январ.
85. Собиров Ҳ.Р. Салтанатнинг иқтисодий стратегияси // Ўзбекистон овози. -Тошкент, 1996. -№136. –Б. 3.
86. Собиров Ҳ.Р. Хива хонлигида солиқ тизими // Солиқ тўловчининг журнали. -Тошкент, 1997. - №9. –Б. 16-18.
88. Тен В. Дехқонга кўмаклашгувчи ким? ёки мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида солиқ солиш тизимини такомиллаштириш йўллари // Солиқлар ва божхона хабарлари газетаси. -Тошкент, 2006. -№51 (647). –Б. 7-8.
89. Фарғона водийсида фермерлик: Хуш келибсиз, ёки Бегоналар учун... // Солиқлар ва божхона хабарлари газетаси. –Тошкент, 2005. - №39 (479). –Б. 6-7.
90. Хусаинов А. Янги усул ва қулай шароитлар // Солиқлар ва божхона хабарлари газетаси. -Тошкент, 2006. -№22 (618). –Б. 7.
91. Яхёев Қ.А Солиққа тортиш тизимининг тамойилларни такомиллаштириш масалалари // Солиқ тўловчининг журнали. -Тошкент, 1996. -№9. –Б. 4.
92. Аллаёров Ш.А. Фермер хўжалиklarини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш.// Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солиқ тизими ва суғурта фаолиятини такомиллаштириш йўллари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. -Тошкент, 2004. -Б. 207-210.

93. Аллаёров Ш.А. Развитие фермерского хозяйства в Республике Узбекистан. // Шестнадцатые международные Плехановские чтения. Тезисы докладов. -Москва, изд-во РЭА, 2003. -С. 495.

94. Абдурахмонов О.Қ. Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар тизимида мол-мулк солиғининг ўрни ва уни такомиллаштириш. // Солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш-принципиал муҳим устувор вазифа. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. -Тошкент, 2005. - Б. 167-169.

95. Аманов А.М. Воздействие налогового механизма на основные направления развития фермерских хозяйств. // Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти: ислохотларни чуқурлаштириш ва эркинлаштириш. Халқаро илмий-амалий анжуман маърузалари тўплами. -Тошкент, 2002. -С. 143-144.

96. Аманов А.М. Дехқон ва фермер хўжаликларини солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятлари. // Солиқ органлари кадрларини тайёрлаш тизимидаги таълим жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этишнинг илмий асослари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. -Тошкент, 2003. -Б. 223-224.

97. Аманов А.М. Аграр соҳа: солиққа тортиш услубиятининг самарасини ошириш йўналишлари. // Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солиқ тизими ва суғурта фаолиятини такомиллаштириш йўллари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. -Тошкент, 2004.-Б.92-94.

98. Аманов А.М., Мавлонов А.Ҳ. Фермер хўжаликларида асосий воситаларни туркумлашнинг ўзига хос хусусиятлари. // Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солиқ тизими ва суғурта фаолиятини такомиллаштириш йўллари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. -Тошкент, 2004. -Б. 475-478.

99. Аманов А.М. Фермер хўжаликларида солиққа тортиш амалиётини такомиллаштириш. // Солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш-принципиал

муҳим устувор вазифа. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. -Тошкент, 2005. -Б. 97-99.

100. Аманов А.М., Турсунқулов О. Ўзбекистонда солиқ тизимини такомиллаштириш йўналишлари. // Иқтисодий тараққиётга эришишда солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш йўллари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2006. –Б. 73-75.

101. Аманов А.М. Солиқ кредити зарурми... // Иқтисодий тараққиётга эришишда солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш йўллари. Республика илмий-амалий конференция материаллари.-Тошкент, 2006. -Б. 149-151.

102. Аманов А.М., Жумаев Ф. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг муҳим жиҳатлари. // Иқтисодий тараққиётга эришишда солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш йўллари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. -Тошкент, 2006. -Б. 206-208.

103. Мамадияров Д., Кулибоев А. Ягона ер солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартибини яхшилаш йўллари. // Солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш-принципиал муҳим устувор вазифа. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. -Тошкент, 2005. -Б. 68-71.

104. Маҳмудов А., Абдуллаева С. Фермер хўжаликлари фаолиятидаги солиқ муаммоларини ечиш омиллари. // Солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш-принципиал муҳим устувор вазифа. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. -Тошкент, 2005. -Б. 89-91.

105. Мухиддинов Д.М. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида деҳқон ва фермер хўжалиқларининг фаолияти ва уни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш. // Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти: ислохотларни чуқурлаштириш ва эркинлаштириш. Халқаро илмий-амалий анжуманнинг маърузалар тўплами. -Тошкент, 2002. -Б. 74-78.

106. Олимжонов О.О. Ягона ер солиғи тизимини такомиллаштириш. // Солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш-принципиал муҳим устувор вазифа. Республика илмий-амалий конференция материаллари. -Тошкент, 2005. -Б. 3-4.

107. Олимжонов О.О. Солиқ назариясини яратишда аждодларимиз хизматини тиклайлик. // Иқтисодий тараққиётга эришишда солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш йўллари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. -Тошкент, 2006. -Б. 13-16.

108. Тошқулов А.Ҳ. Солиқ солиш орқали ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг илмий асослари. // Солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш-принципиал муҳим устувор вазифа. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. -Тошкент, 2005. -Б. 127-129.

109. Социально-экономические показатели Республики Узбекистан за 2006. –Ташкент, 2007. -190 с.

110. Ўзбекистон Иқтисодиёти. // Таҳлилий шарҳ. 2006 йил.–Тошкент, 2008.

111. Ўзбекистон Республикаси статистик ахборотномаси. 2003-2008 йиллар.

112. [www. lex. uz](http://www.lex.uz) – Ўзбекистон Республикаси қонунлар базаси сайти.

113. [www. mf. uz](http://www.mf.uz) – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги сайти.

114. [www. soliq. uz](http://www.soliq.uz) – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси сайти.

115. [www. stat. uz](http://www.stat.uz) – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси сайти.

**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида
деҳқон ва фермер хўжалиklarининг салмоғи⁵⁷**

т/ р	Кўрсаткичлар	2009 й	2010 й	2011 й	2012 й	2013 й
1.	Деҳқон хўжалиklари	60,4	62,1	60,2	62,3	62,7
2.	Фермер хўжалиklари	17,9	18,6	24,5	31,4	34,7
3.	Қишлоқ хўжалиги корхоналари	21,7	19,3	15,3	6,3	2,6
	Жами:	100	100	100	100	100


⁵⁷ Ўзбекистон Республикасининг 2009-2013 йиллардаги статистик ахборотномаси маълумотлари асосидаги тузилган.

**Хива хонлигида солиқ солиғининг ундирилиш
мезонлари⁵⁸**

Ер эгалик тоифаси	Таноблар миқдори	Солиқ солинадиган миқдор (тилла)	
		XIX аср бошида	XIX аср охирида
Агтя (олий)	10 дан зиёд	3	6
Аулят (ўртача)	5 дан 10 танобгача	2	4
Одина (паст)	5 танобгача	1	2

⁵⁸ Собиров Х. Хива хонлигида солиқ тизими // Солиқ тўловчининг журнали. –Тошкент, 1997. -№7. -Б. 16-18.

**Дехқон хўжаликларидан 2008 йил 1 январга қадар ундирилган
солиқлар ва унга тенглаштирилган тўловлар⁵⁹**



⁵⁹ Қонун ҳужжатларига асосан тузилган.

**2008 йил 1 январгача деҳқон хўжаликларидан ундирилган
ер солиғи бўйича имтиёзлар таҳлили⁶⁰**

Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонун бўйича	Ўзбекистон Республикаси солиқ кодекси бўйича	Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг йўриқномаси бўйича
Ер солиғи тўлашдан озод қилиш		
1. Биринчи марта томорқа ер участкаси олган деҳқон хўжалиги давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан икки йил муддатга. 23-модданинг 3-банди.	1. Деҳқон (фермер) хўжаликлари – давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил муддатга. 102-модданинг 3-банди. <i>Деҳқон хўжалиги белгиланган имтиёзли даврдан кейин бир йил ўтгунга қадар тугатилган тақдирда, солиқ суммаси уларнинг бутун фаолияти даври учун тўлиқ миқдорда ундирилади.</i>	1. Деҳқон хўжаликлари – давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил муддатга. ЎЗР Молия вазирлиги ва ДСҚнинг 2002 йил 21 январдаги 19 ва 2002-20-сон қарори билан тасдиқланган йўриқнома. 22-банд “в” кичик банди. <i>Деҳқон хўжалиги белгиланган имтиёзли даврдан кейин бир йил ўтгунга қадар, яъни корхона рўйхатдан ўтказилганидан кейин уч йиллик давр тугашига қадар тугатилган тақдирда, солиқ суммаси уларнинг бутун фаолияти даври учун тўлиқ миқдорда ундирилади.</i>
Солиқ солинмайдиган ер участкалари		
1. Солиқ солинмайдиган ер участкалари борасидаги имтиёзлар қонунда кўзда тутилмаган.	1. Янги ўзлаштирилаётган ерлар ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишлари олиб борилаётган суғориладиган ерлар-лойихада назарда тутилган муддатга, лекин ишлар бошланганидан эътиборан кўпи билан беш йилга. 101-модданинг 14-банди. 2. Якка тартибда уй-жой қуриш ва шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрлар доирасида берилган ерлар - ер участкалари берилган пайтдан эътиборан икки йил муддатга. 101-модданинг 18-банди. <i>Ерлардан ўз ўрнида фойдаланилмаган тақдирда ушбу моддада белгиланган имтиёзлар қўлланилмайди.</i>	1. Янги ўзлаштирилаётган ерлар ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишлари олиб борилаётган суғориладиган ерлар - лойихада назарда тутилган муддатга, лекин ишлар бошланганидан эътиборан кўпи билан беш йилга. ЎЗР Молия вазирлиги ва ДСҚнинг 2002 йил 21 январдаги 19 ва 2002-20-сон қарори билан тасдиқланган йўриқнома 19-банд “т” кичик банди. 2. Якка тартибда уй-жой қуриш ва шахсий ёрдамчи хўжалик (деҳқон хўжалиги) юритиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрлар доирасида берилган ерлар - ер участкаси берилган пайтдан эътиборан икки йил муддатга. Йўриқноманинг 19-банд “ц” кичик банди. 3. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг янги ўтказилган боғ ва узумзорлари - улар мева қилиш даврига киришигача, қишлоқ хўжалик экинлари экиш учун қатор ораларидан фойдаланишидан қатъий назар. Йўриқноманинг 19-банд “ш” кичик банди. <i>Ерлардан бевосита мақсадга кўра фойдаланилмаган тақдирда мазкур имтиёз қўлланилмайди.</i> Йўриқноманинг 20-банди.

⁶⁰ Қонун ҳужжатлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

**Суғорилмайдиган пичанзорлар ва яйловлар
учун ундириладиган ер солиғи
СТАВКАЛАРИ**

Республика, вилоят	Баландлик минтақалари бўйича 1 га учун ер солиғи ставкалари, сўм		
	Чўл	Адир	Тоғ
Қорақалпоғистон Республикаси	198,0	362,7	514,2
Андижон вилояти	270,0	376,1	514,2
Бухоро вилояти	270,0	376,1	514,2
Жиззах вилояти	245,8	316,0	443,8
Қашқадарё вилояти	316,0	316,0	493,8
Навоий вилояти	270,0	316,0	443,8
Наманган вилояти	270,0	376,1	493,8
Самарқанд вилояти	245,8	423,0	704,5
Сурхондарё вилояти	178,1	376,1	493,8
Сирдарё вилояти	245,8	316,0	443,8
Тошкент вилояти	245,8	376,1	514,2
Фарғона вилояти	245,8	316,0	514,2
Хоразм вилояти	198,0	362,7	514,2

**Қишлоқ хўжалиги ерларининг меъёрий қийматидан
келиб чиқиб ҳисобланадиган ягона ер солиғи
ставкалари**

<i>Вилоят</i>	<i>Меъёрий қийматга фоизлардаги ставка *)</i>
Андижон	6,0
Бухоро	
Жиззах	
Навий	
Самарқанд	
Сурхондарё	
Тошкент	
Фарғона	
Хоразм	
Қашқадарё	
Қорақалпоғистон Республикаси	

*) Бунда жамоат бинолари ва ҳовлилари банд этган ерлар бўйича баҳолаш асосий ерлар қийматига 2,0 коэффициентини қўллаш орқали амалга оширилади.

Изоҳ: Қишлоқ хўжалиги ерларининг ҳар бир хўжалик бўйича меъёрий қиймати Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси томонидан белгиланади.

**Деҳқон хўжаликларидан ягона ер солиғини ундириш учун
ҳисоб-китоб шакли⁶¹**

Солиқ тўловчи _____
(деҳқон хўжалигининг номи)

Идентификацион рақами _____

Ҳуқуқий мақоми _____

Тўловчининг жойлашган манзили _____

Банкдаги ҳисоб-китоб рақами _____

Солиқ инспектори _____

№	Ерларнинг турлари	Ернинг ҳажми, га	Ернинг меъёрий қиймати, минг сўм	Солиқ ставкаси, %	Солиқ суммаси, сўмда	Солиқ суммасининг тақсимооти	
						Бюджетга 95%	Уюшмага 5%
1.	Суғориладиган ерлар, жумладан:						
	-аҳоли пунктида						
	-аҳоли пунктидан ташқарида						
2.	Лалмикор ерлар, жумладан:						
	-текислик						
	-текислик-тепалик						
	-тоғ олди ва тоғ						
3.	Бошқа ерлар, жумладан:						
	-янги ўзлаштирилаётган ерлар			x	x	x	x
	-мелиоратив ҳолати яхшиланаётган ерлар			x	x	x	x
4.	Тўлов муддати:	x	x	x			
	15 октябрь	x	x	x			

⁶¹ Ҳисоб-китоб шакли муаллиф томонидан тузилган.

Ўзбекистон Республикаси
Министрлар Мажлиси
Ташкилот ва алоқа вазирлиги
Ўзбекистон Республикаси
Министрлар Мажлиси
Ташкилот ва алоқа вазирлиги
Ўзбекистон Республикаси
Министрлар Мажлиси
Ташкилот ва алоқа вазирлиги

№	Ўзбекистон Республикаси Министрлар Мажлиси Ташкилот ва алоқа вазирлиги	Ўзбекистон Республикаси Министрлар Мажлиси Ташкилот ва алоқа вазирлиги
1	Ўзбекистон Республикаси Министрлар Мажлиси Ташкилот ва алоқа вазирлиги	Ўзбекистон Республикаси Министрлар Мажлиси Ташкилот ва алоқа вазирлиги
2	Ўзбекистон Республикаси Министрлар Мажлиси Ташкилот ва алоқа вазирлиги	Ўзбекистон Республикаси Министрлар Мажлиси Ташкилот ва алоқа вазирлиги
3	Ўзбекистон Республикаси Министрлар Мажлиси Ташкилот ва алоқа вазирлиги	Ўзбекистон Республикаси Министрлар Мажлиси Ташкилот ва алоқа вазирлиги
4	Ўзбекистон Республикаси Министрлар Мажлиси Ташкилот ва алоқа вазирлиги	Ўзбекистон Республикаси Министрлар Мажлиси Ташкилот ва алоқа вазирлиги
5	Ўзбекистон Республикаси Министрлар Мажлиси Ташкилот ва алоқа вазирлиги	Ўзбекистон Республикаси Министрлар Мажлиси Ташкилот ва алоқа вазирлиги
6	Ўзбекистон Республикаси Министрлар Мажлиси Ташкилот ва алоқа вазирлиги	Ўзбекистон Республикаси Министрлар Мажлиси Ташкилот ва алоқа вазирлиги
7	Ўзбекистон Республикаси Министрлар Мажлиси Ташкилот ва алоқа вазирлиги	Ўзбекистон Республикаси Министрлар Мажлиси Ташкилот ва алоқа вазирлиги
8	Ўзбекистон Республикаси Министрлар Мажлиси Ташкилот ва алоқа вазирлиги	Ўзбекистон Республикаси Министрлар Мажлиси Ташкилот ва алоқа вазирлиги
9	Ўзбекистон Республикаси Министрлар Мажлиси Ташкилот ва алоқа вазирлиги	Ўзбекистон Республикаси Министрлар Мажлиси Ташкилот ва алоқа вазирлиги
10	Ўзбекистон Республикаси Министрлар Мажлиси Ташкилот ва алоқа вазирлиги	Ўзбекистон Республикаси Министрлар Мажлиси Ташкилот ва алоқа вазирлиги

«TAMADDUN» нашриёти. 100029.
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Нашриёт лицензияси рақами АІ №247. 02.10.2013 йилда берилган.
Босишга 14.01. 2015 йил рухсат этилди. Бичими 60x84 ¹/₁₆.
Таймс гарнитураси. Офсет усулида. Нашр босма тобоғи 7,4.
Адади 100 нусха.